

89(4 Вел)

ЖАХОН ШЕЪРИҲИ
ДУРДОҲЛАРИ

Жорж Гордон
БАЙРОН

УШШАЛМАГАҒИ
ОРЗУЛАР



84 (4 Бел)



Жорж Гордон

БАЙРОН

УЩАЛМАГАН
ОРЗУЛАР



549

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»

2011

УДК: 821. 512.133-1
ББК 84(4Вел)
524

Тўнловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Оташин ва исёнкор инглиз шоири Байрон номи ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. Унинг ҳассос шеърлари, «Шильон тутқуни» достони, «Манфред» драмаси ҳамда «Чайлд Гарольд зиёрати» достони ва «Дон Жуан» шеърый романидан парчалар асосида тузилган мазкур тўплам буюк сўз устаси ижоди мухлисларига муносиб тўхфа бўлади, деб ўйлаймиз. Бу асарлар Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Абдулла Шер, Абдуҳамид Парда каби шоир-таржимонлар томонидан таржима қилинган.



ISBN 978-9943-01-717-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

ОТАШНАФАС ШОИР

Инглиз романтизм адабиётининг йирик намояндаси, оташин шоир ва ҳассос драматург Жорж Гордон Ноэль Байрон 1788 йили Лондонда туғилиб, Кембриж университетиде таҳсил олган. 1809 йилдан лордлар палатаси аъзоси бўлган (у асли инглизларнинг қадимий лордлар сулоласидан бўлиб, шоир яшаган даврда бу сулола таназзулга учраб, юқори доираларда ўз мавқеини бир қадар йўқотган эди). Лекин унинг демократик қарашлари, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилиши парламент аъзоларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди.

Байроннинг «Хаёлий шеърлар» (1806), «Пароканда оҳанглар» (1807), «Фароғат дамлари» (1807) каби илк тўпламлари ёшлик орзу-хаёллари, ишқу муҳаббат, ҳаётнинг қувончу ташвишлари ҳақидаги шеърлардан иборат эди. 1812—1818 йилларда яратган «Чайльд Гарольд зиёрати» достони шоирни халққа танитади. Тўрт қисмдан иборат бу достонда «исёнкор шахс билан адолатсиз жамият ўртасидаги тўқнашув ҳикоя қилинади»¹.

Байрон ижоди бошдан-охир исён руҳи билан суғорилган. Унинг исёнкор, моҳият-эътибори билан ижтимоий-сиёсий руҳдаги шеърляти, ўша давр инглиз жамиятининг реакцион доираларига қарши қаратилган эди. Шунинг учун ҳам бутун матбуот унга қарши қўзғалиб, танқиду туҳмат ёмғирини ёғдиргач, шоир Ватанини тарк этишга мажбур бўлади. 1816 йили Швейцарияга келиб, халқ қаҳрамони Бонивар жасоратига бағишланган «Шильон тутқуни» достонини

¹ Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи. Тошкент, «Ўқитувчи», 1987, 88-бет.

ёзади. 1817—1823 йилларда Италияда яшайди. Бу даврда яратилган «Тассо шикоят» (1817), «Мазепа» (1818) достонлари, «Манфред» (1817), «Каин» (1821) драмаларида кишиларни адолатсизликка қарши курашга чақиради. Бу асарларда Олам ва Одам муаммоси марказий масала сифатида қўйилган ва юксак бадиият билан ҳал қилинган.

1818 йили шоир ўзининг романтизмдан реализмга ўтишига кўприк бўлган машҳур «Дон Жуан» шеърий романини ёзишга киришади. Унда инсон ва замон масаласи кенг қўламда акс эттирилган¹. Ижодининг чўққиси бўлмиш мазкур асар устида у узоқ ва қаттиқ меҳнат қилган, лекин ниҳоясига етказолмаган. Унинг ўн олти қўшиғи битиб, ўн еттинчиси бошланган жойида узилиб қолган. У ўша давр Европа ижтимоий ҳаётининг ўзига хос қомусидир.

«Байрон қаҳрамонлари — эҳтиросли, исёнкор шахслар» бўлиб, улардаги «ҳар қандай ҳақсизликка нисбатан мурасизлик, тинимсиз кураш руҳи, туганмас ғайрат ва шижоат китобхон қалбини ҳаяжонга солади»².

Улуг рус мунаққиди Белинский XIX аср Прометейи деб атаган, мазлум халқ орзу-умидларининг оташин жарчиси бўлган шоир Грециядаги турклар асоратига қарши кўтарилган миллий-озодлик курашида иштирок этади. «1823 йилнинг июнида Байрон «Геркулес» кемасини ўз маблағи ҳисобига қуроллантирди. У Греция миллий-озодлик курашининг илҳомчиларидан бирига айланди. Грек қўзғолончиларини бирлаштиришда фидокорона ишлар олиб борди. Замондошлари унинг ҳарбий қўмондон сифатидаги юксак иқтидори ҳақида ҳам сўзлайдилар»³. Айни пайтда, Англиядаги инқилобий кўтарилишларни қувонч билан кутиб олиб, уларда қатнашиш учун ватанига қайтиш орзуси билан яшади. Лекин у 1824 йили, 36 ёшида Грециянинг қамалдаги Миссолунги шаҳрида кураш майдонида ҳалок бўлади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. Тошкент, 2000, 585-бет.

² Азизов Қ., Қаямов О. Чет эл адабиёти тарихи. 91-бет.

³ Байрон. Сайланма (Шеърлар. Достон. Драматик достон). Тошкент, «Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974, 8-бет.

Англияда машхур шоирларни «Шоирлар оромгоҳи»да дафн этиш анъана эди. Лекин давлат маъмурлари уни бу ерга кўмишга қўймайдилар. У ўз авлодлари хилхонаси Нюстедда дафн этилади.

Байрон Шарқ адабиётининг чинакам мухлиси бўлиб, ҳали ёшлигидаёқ Абулқосим Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофиз каби забардаст форс-тожик сўз санъаткорларининг ижодини мутолаа қилган. «Чайльд Гарольд зиёрати» достонининг иккинчи қўшиғида Ҳофизни тилга олиши бежиз эмас. Баъзи достонларида «Шоҳнома»даги жой номлари ва «Гулистон»даги образларни учратамиз¹. Шарқ достонлари туркумидаги «Кофир», «Абидослик келин» (1813), «Қароқчи», «Лара» (1814), «Коринф қамали», «Паризод» (1816) каби достонлари Фирдавсийнинг «Юсуф ва Зулайхо» ва Низомий Ганжавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонлари таъсирида ёзилганлигини тадқиқотчилар таъкидлашади. Мазкур достонларида ёлғизликдаги исёнчининг ғаму умидсизликларини тасвирлайдики, бу XIX аср ижтимоий аҳволи ва кайфиятини ифодалар эди. Шу тариқа Байрон ижодида Шарқ шеърлятига хос рамзийлик ва серқатламлилиқ билан Ғарб адабиётидаги реаллик ва аниқлик ажойиб бир тарзда омухталашиб кетган.

Ўзидан кейинги жаҳон адабиётига кучли таъсир кўрсатган ҳассос шоир Байрон номи ўзбек халқи орасида ҳам машхур. Унинг қатор шеърлари Ҳамид Олимжон, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Абдуҳамид Парда, «Чайльд Гарольд зиёрати» достонидан парчалар Мақсуд Шайхзода, «Манфред» драмаси Рауф Парфи, «Шильон тутқуни» достони эса Муҳаммад Али томонидан ўгирилган. Ўзбек тилида 1974 йили шоирнинг «Сайланма»си нашр этилган. Кейинчалик «Дон Жуан» шеърый романидан парчаларни Сулаймон Раҳмон рус, Абдулла Шер эса инглиз тилларидан таржима қилишган².

¹ Бу ҳақда қаранг: Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз 3 ҷилд. ҷилди 1. Душанбе, 1988, с. 230.

² Қаранг: *Байрон. Дон Жуан. Учинчи қўшиқ* (Инглизчадан А. Шер, русчадан С. Раҳмон таржимаси) // «Шарқ юлдузи», 1988, 1-сон, 119—128-бетлар; *Жорж Гордон Байрон. Дон Жуан* (Достондан парча). Инглиз тилидан А. Шер таржимаси // «Ёшлик» журнали, 1987, 11-сон, 55—60-бетлар.

Ўзбек шоирлари ҳам Байрон ижодини севиб мутолаа қилиб, ундан илҳомланганлар. Чунончи, унинг жаҳоний эътиборини эътироф этган Эркин Воҳидов ўзининг машхур «Ўзбегим» қасидасида ёзади:

Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим¹.

Абдулла Орипов эса шоирнинг «Альбомга» шеъри таъсирида шу номда бир шеър ёзиб, «Ўз қалбини дафн этди шунда» мисрасини эпитаф қилиб олади. Унда, жумладан шундай сўзларни ўқиймиз:

Юзлаб шоир ётган қабристон аро
Кўймоқдаман мен ҳам қалбимни...
Мана, гулга чўмиб ётибди Байрон,
Фахрланиб лордлиги учун².

Рауф Парфи эса, Грециядаги миллий-озодлик курашчилари сафига қўшилиш учун отлангани ҳақида «Байроннинг сўнгги сафари» деган шеър ёзган. Унда, жумладан куйидагиларни ўқиймиз:

Қонталаш уфқда интиқом порлар,
Шоир — эрк ўғлони, номус сарвари.
Гўёки хўрланган ҳамширанг чорлар,
Юзландинг қасос деб сен Юнон сари...

Жанг майдони керак жангчига, ахир,
Қутлуғ эркинликнинг жасур фарзанди.
Сўнгсиз алам билан телбариб ёндинг,
Она-ватанингни тарк этдинг, шоир³.

¹ Воҳидов Э. Сайланма. 1-жилд. Ишқ савдоси. Тошкент, 2000, 202-бет.

² Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 2000, 45-бет.

³ Парфи Р. Сабр дарахти. Тошкент, 1986, 120-бет.

Абдулла Шер ёшлиқдан Байроннинг ошуфтаси бўлган. У қўлига қалам олиб ёзган илк шеърларидаёқ шундай тезисни майдонга ташлаган эди:

Йўқ! Байронмас, Лермонтов ҳаммас,
Мен ўзгаман, йўлим ҳам ўзга!¹

Кейин «Чайльд Гарольд зиёрати» ҳақида шеър ёзади.

Байрон ижодига бўлган чексиз муҳаббат охир-оқибат унинг инглиз тилини ўрганиб, «Дон Жуан» шеърый романини бевосита аслиятдан таржима қилишига олиб келди. Ўз ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, у воситачи тилдан таржима қилишни «маълум маънода бировнинг меҳнатидан фойдаланиш, ўзгалар очиб берган осонгина йўлдан бориш» деб атайди². Бу гапда жон бор. Асар қайси тилга таржима қилинмасин, маълум даражада ўша тилга мослашади, ўша тилнинг хусусиятларини ўзига сингдиради. Бинобарин, рус тилидан қилинган таржимада рус тили ва адабиётининг руҳи сезилиб туради. Бунинг устига, рус таржимони содир этган хатолар ўзбекчага ҳам айнан ўтади. Таржима эса муайян хато-камчиликлардан холи бўлмайди. Шунинг учун аслиятдан таржима қилганга нима етсин!

Жаҳон адабиётида у ёки бу адибга азбаройи ихлосининг кучлилигидан унинг тилини ўрганиб, асарларини таржима қилиш ҳодисалари кўп учрайди. Бундай мисоллар ўзбек адабиётида ҳам кам эмас. Жамол Камол буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирга ихлос ва эътиқоди туфайли инглиз тилини ўрганиб, унинг 12 та пьесасини бевосита аслиятдан ўзбекчалаштирди ва уч жилдда нашр эттирди³. Истеъдодли шоир Шавкат Раҳмон ҳам исёнкор испан шоири Гарсиа Лорканинг шеърларини аввал рус тилидан таржима қилган эди, лекин таржимадан кўнгли тўлмай испан тилини ўрганиб, шоир асарларини асл нусхадан қайта ўгиради⁴. Абдулла Шер ҳақида ҳам шундай дейиш

¹ Шер А. Ёмғирлар оралаб. Тошкент, 2009, 111-бет.

² «Ёшлик» журналы, 1987, 11-сон, 60-бет.

³ Қаранг: *Вильям Шекспир*. Сайланма. Уч жилдлик. Тошкент, 2007—2008.

⁴ *Гарсиа Лорка*. Сайланма. Тошкент, 1984.

мумкин. «Байрон шайдоси» бўлиб юрган шоир машхур рус адабиётшуноси Борис Соловьевнинг «Дон Жуан»ни рус тилидан ўгирмоқчи бўлганига қарши қилган бир кинояси сабаб, инглиз тилини ўрганишга киришганини айтади ва асарни бевосита ўзи ёзилган тилдан ўгиришга киришади¹.

Ушбу тўпلامда Байроннинг ўзбек тилига таржима қилинган барча асарларини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Фақат ҳажми катталиги сабаб, «Дон Жуан» шеърий романидан биргина қўшиқни киритиш билан кифояландик. Ўйлаймизки, оловқалб шоирнинг салкам қирқ йиллик оралиқ билан эълон қилинаётган ўзбек тилидаги бу иккинчи шеърий мажмуаси ҳам ўз мухлисларини топади.

*Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди*

¹ «Ёшлик» журналы, 1987, 11-сон, 60-бет.

ШЕЪРЛАР

(Ҳамид Олимжон таржимаси)

ВИДО

Жудо бўлмас эдилар улар,
Бадкирдорлар¹ жудо этдилар.
Ортиқ қалблар сақлайди жафо,
Осмондадир ҳақиқат, вафо.
Шодлик битди уларга мангу,
Ёшлик хазон, яшаш-да оғу.
Айри яшаш деган ўй, хаёл
Бўлди заҳар, оғули бир ҳол.
Севгучилар қалбида фироқ,
Кунлар ўтар ўксиз ҳаётда,
Қайгуларни асло аритмоқ
Мумкин бўлмас бу коинотда.
Айрилиқда ва лекин ҳамон
Жароҳатлар изи сақланур,
Шундай довул уриб ажратган
Икки қоя зулматда ёнур:
Шўрликларни сўнгсиз, беомон
Денгиз қаҳри ажратиб ётар,
Қалдироқлар уриб титратар.
Лекин ва на чақмоқ, на бўрон,
Ва на ўтда куйдиргувчи ёз,
На қишдаги қаҳратон аёз,
Бир замонлар иккита дўст-ёр
Юрагида бўлган муҳаббат
Изларини нобуд, тору мор,
Ҳалок эга олмамиш албат.

Гольриж «Крестабл»

¹ *Бадкирдор* — ёмон табиатли, ярамас, фосиқ.

Алвидо, ёр! Агар шу бало
Қисматда бор бўлса — алвидо!
Сен бераҳм бўлсанг ҳам аммо,
Мен душманлик қилмасман — видо!

Кучоғида ширин, осуда
Уйку билан тўлиб ётганинг,
Ёр ҳислари асло кўзингга
Бадном бўлиб учрамас сенинг!

Агар қалбим уришларини
Жиндек сеза олсайдинг — инон,
Шунча ёмон кўрмақдан мани
Бўлур эдинг ўзинг пушаймон.

Юрт кулса ҳам энди майлига,
Зарба гали сандадир бу бор:
Мен мубтало бўлган балога
Сени мақтов қилар гирифтор.

Майли қаро, осий бўлай ман,
Ҳақ ҳам берай қарғамоқ учун.
Аммо мени қучиб ўрганган
Қўллар билан ўлдирмоқ нечун?

Сен ишонким, севги ўтини
Ёлғиз йиллар сўндира олур.
Аччиқ газаб икки юракни
Ажратолмас ва ожиз қолур.

Шу сезги сенда ҳам сақланур,
Севиб ёнмоқ қисматдир менга.
Бир ўй билан юрагим ёнур:
Энди доим ётдирмен сенга.

Ўликларга аламли фарёд,
Оҳ, нақадар мудҳиш бу таққос?
Иккимиз ҳам ҳаётмиз, ҳайҳот...
Кунлар ўтар беваларга хос.

Ширин тили шод этган чоғда,
Қизимизни эркалар экан, —
Қизим, отанг сендан узоқда
Дея имо қилганингда сан —

Пайқаганда маъсума буни,
Уни ўпу шу онда бедод
Севгинг ичра жаннат топганни
Ва хайрихоҳ бўлганни эт ёд.

Агар қизда ташлаб кетганинг,
Бир ер топсанг падарга¹ ўхшаш,
Ура бошлар юрагинг санинг
Ва қўзғалар менда ҳам шу ғаш.

Гуноҳимни биларсан, балки?
Мажнун бўлиб суйганим, холос.
Армонларим хазон ва сени
Суймак билан куйганим, холос,

Борлиғимни титратдинг, ишон,
Киборликни севмас бу магрур
Руҳим сени дерди ва бу жон
Энди ундан албат ажралур.

Ҳамма битди — сўзлардир абас²,
Мен айтганлар ундан ҳам ёмон.
Лекин қалбга биз ҳоқим эмас,
Унда орзу чексиздир ҳамон.

Алвидо, ёр! Сендан узоқда,
Ҳар бир мунис нарсадан маҳрум,
Қалбим азоб деган тузоқда,
Бундан ортиқ бўларми ўлим?

¹ *Падар* — ота.

² *Абас* — беҳуда.

ЧАЙЛЬД ГАРОЛЬД ЗИЁРАТИ

Мақсуд Шайхзода таржимаси

(парча)

Гарольд юрар, уни қилмиш сеҳру ихлосманд
Тепаларнинг, дараларнинг, қирларнинг хусни...
Аммо бундай нуроний юрт бўлса занжирбанд —
Бу аччиқ ҳол кўп дилхаста қилмасми бизни?
Фақат танбал маишатбоз ё томоқхўрлар
Узун-узоқ сафарларнинг гаштини билмас,
Сафар бизга бахш айлайди лаззат, ҳузурлар,
Талқин айлар теран ўйлар, ҳаяжон-ҳавас,
Берар касал сийналарга покиза нафас.

* * *

Гарольд кетди, қолди-кетди қорли чўққилар:
Бу мужассам лавҳаларни ортиқ у кўрмас —
Испания диёрида энди сайр қилар —
Чўлда семиз подалари, йўлчи — ҳар нафас.
Аммо душман хийла яқин, ғоят беаёв,
Шу учун ҳам чўпон қурол ушлаб кезади,
Истамаски, подасига ҳамла қилсин ёв,
Балони даф қилмоқ лозим — ҳамма сезади,
Токи элнинг топталмасин номус-иззати.

* * *

Лузитанлар тупроғини Испаниядан
Қайси бир ғов айиради? Садди Чиними?¹
Ё тоғларнинг тизмасими бўлар дафъатан?
Ё Тахонинг шаффоф суви, оқ тўлқиними?
Икки юртни айиргувчи девор эмасдир,
Ўртадаги хусуматнинг боиси бўлак,
Икки ўлка чегараси анҳор эмасдир,
Фарангларнинг сарҳадида баланд тошлардек
Тоғ занжири бу элларни айирмас бешак.

¹ *Садди Чини* — Хитой девори.

* * *

Йўқ, бу юртлар ўртасида кичик ирмоқ бор,
Чўпон бунга подасини ҳайдар ҳар замон,
Бундан туриб ёв ерига боқар ғаразкор,
Нафратомуз назарларин ташлар ул томон.
Испанларда қорача ҳам хўжадай мағрур,
Лузитанинг улусига¹ гина сақлар дил,
Бу икки эл ўртасида тафовут зўрдир,
Нари ёқда халойиқ қул ва ҳамда разил,
Шундай олчоқ банда топиш бағоят мушкул.

(Шукрулло таржимаси)

АЛЬБОМГА

Йўловчилар эътиборини
Якка қабр тортгандек бир дам,
Шу бир парча қоғоз бетлари
Кошки тортса нигоҳингни ҳам.
Узоқ йиллар ўтгач, бир замон,
Шу варақни ўқиганинг он,
Шоир нени орзу қилганин
Ва эсларсан қандай севганин.
Билки, шунда топгайсан уни,
Шу қоғозга кўмган қалбини.

ҚАҲРАМОН

Умр йўлинг битди, қаҳрамон!
Шухрат-шонинг энди бошланур.
Сен озодлик берган муқаддас
Ватанингни куйида мағрур
Яшар сенинг жасоратинг ҳам
Ва улуғвор салобатинг ҳам.

Халқинг эркин оларкан нафас,
Унутолмас сени мутлақо.
Ҳалок бўлдинг! Қонинг ердас,
Оқар бизнинг томирда, аммо —

¹ Улус — эл, халқ, омма.

Сенинг қудрат, галабанг ҳар он
Қалбимизга бўлгуси дармон.

Тилга олсак номингни жангда,
Душман ваҳм, даҳшатга тушар.
Қаҳрамоннинг шонли ўлимин
Қизлар қўшиқ қилиб айтишар.
Кўзларда ёш бўлмас, ёш фақат
Пок руҳингга бўлур ҳақорат.

(Жуманиёз Жабборов таржимаси)

СЕВГИНИНГ ИЛК БЎСАСИ

Йўқол, эй жимжимадор, адабий инжа сўзлар,
Тарқал ёлғону яшиқ, ғийбатларнинг тўдаси.
Нурин сочиб мафтункор нафису шахло кўзлар,
Сархуш этади мени севгининг илк бўсаси.

Хаёлу тасаввурга асир қофиябозлар,
Етар чучмал туйғулар ва оҳанглар нағмаси.
Совуқ сонетларингиз — бачкана эҳтирослар,
Сизга танишмас жонбахш севгининг илк бўсаси.

Агарки сен илҳомдан бўлолмассан баҳраманд,
Ташриф этмас Аполлон¹ — ишқу илҳом музаси²,
Ўшанда сен ўличнинг сеҳри билан бўлгил банд,
Илҳом-ижод манбаи — севгининг илк бўсаси.

Муздаккина уйдирма гаплар тўқишмас касбим,
Эй, беибо риёкор, чинқирганинг нимаси!
Қалбим шеърият билан мустаҳкам чамбарчаским,
Нур-ҳарорат бағишлар севгининг илк бўсаси.

Чўпон қизу сурув ҳам кўнгилга берур ором,
Аммо туғён уйғотмас қонда уларнинг саси;
Сўнар ҳар қандай орзу, ҳар қандай гўзал мақом,
Кучини кўрсатганда севгининг илк бўсаси.

¹ *Аполлон* — Олимп худоси: санъат ҳомийси.

² *Муза* — илҳом париси.

Одам Ато давридан токи бу кунга қадар
Доим бебахт бўлмаган, билсанг, инсон боласи.
Ер юзининг жаннати битмагандир сарбасар¹,
Уни намоён этар севгининг илк бўсаси.

Лаззат дамлари ўтар, сўнар завқу эҳтирос,
Тутишга қодирмассан, ўтар йил силсиласи.
Барча хотиралардан энг азизу беқиёс,
Абадий хотирадир севгининг илк бўсаси.

МУҲАББАТНИНГ СЎНГГИ ХАЙР-МАЪЗУРИ

Умримизнинг боғида ишқ-муҳаббат гуллари
Ажал шабнамин эмиб унгайдир, йўқ назири.
Аммо шаддод вақт қўли юлқиб ташлар уларни
Айтилганда севгининг сўнги хайр-маъзури.

Беҳуда эркалашлар бизни эта олмас шод,
Аҳд қиламиз — севгига садоқатдир мазмуни.
Аммо бир соат ўтмай уни этажак барбод,
Ўлим олди айтилган ишқнинг хайр-маъзури.

Далда бериб кўнгилга хаёл шивирлаб ўтар:
«Йўлимизда яна дуч келажакмиз охири!»
Аммо алдоқчи тушлар заҳарни пинҳон тутар,
Айтилганда севгининг сўнги хайр-маъзури.

Қаранг! Мана икковлон: бу беғубор муҳаббат
Болалиқдан гуллашга лойиқ эди, арзирди.
Эндигина очилгач, совуқ урди бешафқат,
Айтилганда севгининг сўнги хайр-маъзури.

Соҳибжамол! Кўз ёшинг тўкилади шашқатор,
Сени қутқармоқ маҳол, бу — ишнинг энг оғири!
Ақлсизлик ақлингни емирди-ку ларзакор,
Айтилганда севгининг сўнги хайр-маъзури.

¹ *Сарбасар* — бошдан-оёқ, бутунлай.

² *Мағора* — ғор, ертўла.

Кимдир бу жабрдийда? Одамлардан ҳайиқар,
Ўрмонли мағорага¹ жўнаш бўлмиш тақдири.
У шамолу тоғларга ўз дардидан ҳайқирав,
Мазмуни — муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

Нафрату ғазаб билан юраги тўла нуқул,
Ўтмиш осудаликнинг қолмаган учқун — нури.
Надоматлар ўтида ёниб битгандир буткул,
Айтилганда севгининг сўнгги хайр-маъзури,

У пўлатга айланган қалбларга қилар ҳавас,
Кимнингки бу ҳаётдан ҳиссиз ўтаркан умри,
Ундайларда ҳаяжон, ўтмиш завқи қўзғалмас,
Бефарқдир муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

Орзу-армонлар ўтиб, борамиз ўлим сари,
Муҳаббат ҳам ўзгарар, бўлма севги маъзуни.
Эҳтирослар тўлқини ёшликда бўлар бари,
Кафандир муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

Астрейя шундай қонун этади бизга тортиқ:
Ўч-қасосга элтади лаззат, ҳаёт ҳузури.
Муқаддас муҳаббатга кимки бўлибди содиқ,
Гуноҳни ювар ишқнинг сўнгги хайр-маъзури.

Яллигланган у қутлуғ қурбонгоҳга пешма-пеш,
Сарву мирт гулчамбарин бир-бир қўй, шу охири.
Мирт хуш бўйи лаззату ороминга бўлар эш,
Сарвда — муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури.

ЛОКНАГАР

Мода мухлисларин маскани гулгун¹,
Сокин, оромижон паркка йўқ ихлос.
Қорли қояларни истар дил бугун,
Эрк ва муҳаббатга ўша жойлар соз!

Каледония тоғлари кўнгилни тортар
Чақмоқ алангасин ёндириб ҳар ён,

¹ Гулгун — гул рангли; қизил.

Ваҳший шаршаралар бўкириб ётар,
Шаддод Локнагарга фидо тану жон!

Болалик чоғларим унда кезардим,
Шотландча кийимлар усти-бошимда.
Ўлган баҳодирлар руҳин сезардим
Ўй суриб оқшомлар ўрмон қошида.
Ҳали чарақламай тунги юлдузлар,
Думалаб кетмасдан офтоб шари,
Афсоналарингни хотирам сўзлар,
Кўз ўнгимда Локнагар мард ўғиллари.
Ўликлар шарпаси бўронлар ошиб
Қулоғимга худди нидодай келар.
Қаҳрамонлар руҳи юрар адашиб,
Она юрт кўкида шамолдай елар.
Бунда муз либосда ҳукмрондир қиш,
Буг бўлиб таралар туман девори.
Аждодлар сояси тун-кун кезармиш,
Локнагар чақмоқли булут диёри.

Эй бахтсиз жангчилар! Қўрқинчли, машъум
Ўлим тушларини кўрмадингизми?
Куллоденда ўлимга бўлдингиз маҳқум,
Гулчамбар беэмай ҳурматингизни.
Барибир бахтлисиз! Шону шараф ёр,
Бремар кўриқлар қабр уйқунгизни.
Довруғ, шуҳратингиз куйлайди диёр —
Жўр бўлар Локнагар ҳурматлаб сизни.

Кўпдан тарк этгандим сени, гул ўлкам,
Улуғвор бағринга қайтмагумдир тез.
Нигоҳни олгудек йўқ гулларинг ҳам,
Аммо ҳар нарсадан сен менга азиз.
Дил севмас Альбион кўркли кучоғин,
Ўша чўнг¹ даралар хаёлни тортар.
Севаман қарағай, қоя, ирмоғинг,
Хафақон, даҳшатли, гўзал Локнагар.

¹ Чўнг — катта, улкан.



ХАРРОУ ҚАБРИСТОНИДАГИ КЕКСА ҚАЙРАҒОЧ ТАГИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Қадрдон соягоҳим! То ергача солланиб,
Баҳор еллари билан шивирлайсан зорланиб.
Бир пайт дўстлар давраси қизиган жойда бугун
Ёп-ёлғиз ўтирибман хаёллар билан тутқун.
Узоқ элларда мендай улар ҳам, балки ҳозир
Ўтмиш кунларимизни маъюс қилар ёд-хотир.
Сўқмоқ йўллардан юриб сени соғиниб келдим,
Кўрку салобатингга ҳавас билан тикилдим.
Эй, кекса қайрағочим, сен сирли шивирладинг,
Умр кунботарида хаёлларга ўрадинг.
Бошим устида ўша қора гумбазинг ҳамон,
Борлиқ ҳам ҳамон ўша, фақат мен бўлак аммо.
Баланд-баландда шохлар ингранати осуда,
Ўтмиш кунлар мадҳи бор улар ҳикоясида.
Менга айтурлар гўё: шунда экансиз ҳозир,
Сўнгги дўстлик саломин қабул эт, дерлар, шоир!

Биламанки, тақдирнинг белгиланган бир куни
Бадан совиб, босилар эҳтирослар тўлқини.
Менга шундай туюлар: ўлимни қаршилаб шод —
Оҳ, ўлим қанийдики, дилларни этса обод! —
Яхши кунларим ўтган ерни танларди кўнглим,
Шунда кўмилмоқликни фарз деб англари кўнглим.
Ёшлик ва бахтиёрлик ҳамдам бўлган ерда, бил,
Ўлим соатларини кутмоқ ҳам бўлар енгил.
Бу заминда баҳорни мен қилар эдим байрам,
Ушалмаган орзулар ўлкасида олай дам.
Япроқларнинг тўлқинли чодирини бошим узра,
Ўт-ўланнинг оромбахш сасидан олиб баҳра,
Болалиқдан севганим мох-ўғларга чўмилиб,
Изларимни сақлаган тупроқ билан кўмилиб,
Кўраётгандай яна ўсмир йиллар тушларин,
Йиғлаб, кўз ёши қилган ёшлик тенгу тушларим —
Қалин давраларида, хотирада бўлурман,
Бўлак — бошқа оламдан, майли, нутилурман.

АЙРИЛИҚ

Эслайсанми, биз ғамгин
Тақдирга бердик-да тан,
Узоқ ҳижронга мойил,
Ажралишдик дафъатан.
Сўзингдаги совуқлик,
Кўзингдаги лоқайд ҳол
Айрилиқ соатидан
Хабар берганди яққол.

Нохушгина бўзарган
У совуқ тонг ҳавоси,
Изтиробли йилларнинг
Бўлганди ибтидоси¹.
Номуссизлик — қисматинг,
Кор йўқ ҳукми тақдирга,
Шерик бўлиб, иснодинг
Баҳам кўрамиз бирга.

Ҳар бир киши қалбига
Гап солур номинг, ҳайҳот,
Биз сен билан то бу дам
Қадрдон бўлдик наҳот?
Исмингни енгил-елпи,
Бедард олишар тилга,
Сени ўзимдай тўкис
Билишим сирдир элга.

Муҳаббат — севгимизни
Ниҳон тутдик кўп замон.
Ғусса-алам сирини
Пинҳон сақлайман ҳамон.
Агар яна висолга
Ёр этса толе мени,
Кўз ёш ва сукут билан
Қарши олардим сени!

¹ *Ибтидо* — бош, бошланиш.

БОШ СУЯҚДАН ҚИЛИНГАН КОСАДАГИ ЁЗУВ

Қўрқма: мен оддий бир суякман, холос,
Сўнган қалбни эслаб, қилма хумори.
Энди бу косадан чиқолмас паққос
У тирик бошларнинг шум кирдикори.

Мен сендай яшадим, севдим ва ичдим,
Энди-чи, жонсизман, тўлдириб май қуй!
Мастлик жиннилинг ранжитмас, кечдим,
Қуртлар чайнагандан шу менга маъқул.

Қуртлар галасини боққандан кўра
Май қадаҳи бўлмоқ олий аъмолим¹.
Даврангизда мағрур айланиб юрай,
Илоҳий шаробга тўлиб лиммо-лим.

Ақллилар нур сочган бош ичра бугун
Ақлларни кўзгаб, кўпирар чағир².
Йўқ бўлган миялар ўрнида гулгун —
Май бўлса — улкан бахт эмасми, ахир?

Тагигача сипқор! Балки, неваранг
Бош косангни қазиб топади бир кун.
Янги базмларнинг даврасига ранг —
Бағишлаб, суягинг айланса мумкин.

Тирикликда бошдан ким нима олар?
Арзимас заррадир — ичида бор мол.
Аммо ўлгандан сўнг, иш бериб қолар,
Бирор кори ҳолга ярар бемалол.

¹ *Аъмол* — амаллар, ишлар, қилмишлар.

² *Чағир (Чоғир)* — май, маст қилувчи ичимлик.

БАХТЛИСАН, НИМА ҲАМ ДЕР ЭДИК, КЎП СОЗ!

Бахтлисан, нима ҳам дер эдик, кўп соз!
Қанийди менга ҳам бахт бўлса насиб.
Ярашиб, қаршингга чиқардим пешвоз,
Ёрқин толеингга келиб ҳавасим.

Мен кўрдим эрингни, шоддир зиёда,
Аламни ютишга етди журъатим...
Сени у севмаса эди мабодо
Уни мен ёмондан-ёмон кўрардим.

Ўғилчанг кулади, рашк этар таъқиб,
Бу зил юкдан дилга алам соламан.
Аммо онасини севганим ҳақи,
Кулган лабларидан бўса оламан.

Бўса оламану ютаман ғамин,
Бола отасининг қуйилган ўзи.
Асир этиб олар зумда одамни
Онасин кўзидай нурланган кўзи.

Яхши қол! Бахтингга келмас ҳасадим,
Айтмасман нолиниб бир сўз аммо ман.
Бироқ ёнгинангда қалбу жасадим
Сенга бағишланур, Мэри, тамоман.

Сиздан узоқда мен айтардим мудом:
«Ёшлик ўтин босди ўтган кўп йиллар».
Бу учрашувга қадар билмасдим тамом
Аҳдида барқарор бўлишин диллар.

Ҳовлиқиб қолмадим мен бу висолдан,
Севгим кўз олдимда турса-да гарчанд.
Бу ҳирс-жиноятга яқин бир ҳолдан
Шошиб қолмадим мен ва емадим панд.

Ҳислар қуюнини сезмоққа қодир
Нигоҳинг ҳайратда боқарди беҳис.

Кўзларида шаддод бир сукут ҳозир,
Таассуф сукути солмиш оғир из.

Йўқол, алам тўла баҳор уйқуси,
Ўтмиш хотиралар ўти, кўп ёнма!
Қани афсун¹ тўла йиллар туйғуси?
Жим бўл, ё ўл, юрак, ортиқ ўртанма!

ҚАДАҲЛАРНИ ТЎЛДИРИНГ

(қўшиқ)

Қадаҳларни тўлдилинг! Дўстлар чиндан етди гал,
Май оқими бу хилда кўпирмаган ҳеч маҳал.
Тагигача ичамиз — ким ичмас? — Бўлса ғами
Фориғ бўлар ғуссадан, бу шаробдир малҳами.

Дунёда кўпни кўрдим, кўп шодлик кўрдим, билдим,
Қора ўтли кўзларнинг нурларида чўмилдим.
Севдим — ким ҳам севмабди? — Аммо сева туриб ҳам,
Ўзимни бахтиёр деб ҳисобламадим бир дам.

Баҳорим фарқ гуллаган ўспиринлик йилларим,
Қалблар садоқатини мустаҳкам деб билардим.
Дўстликка ишонардим, муқаддас дўстлик сўзи,
Аммо шаробдан ортиқ дўстлик бўлмайми ўзи!

Муҳаббат орқасидан келар ҳижрон хитоби,
Дўстлик қуёши ботар, ботмас шароб офтоби.
Сен ҳам эскирасан, май, — не эскирмас жаҳонда? —
Аммо эскирган сари қадринг ошади жонда.

Агар бизга муҳаббат бахт қилар экан инъом,
Бошқа фидойиликка очилмас бизнинг эҳром.
Рашк қиламиз — шундайми? — Бунда дўстлик беҳуда,
Фақат стол атрофин қуршаган қий-чув тўда.

¹ *Афсун* — сеҳр-жоду.

Чунки ёшлик баҳордай ўтиб кетар қайтмасдан,
Фақат қизил шаробда бўлар абадий маскан.
Донолар бўлар-бўлмас айтмаганлар-да ахир,
Бандаларга абадий ҳақиқат кони — чағир.

Пандора қилмишидан бизнинг бечора дунё
Қайғу ва балоларга минг йилдирки, мубтало,
Умид-орзу нима гап? Қадаҳдан олинг бўса,
Умид-ишонч не керак! Бахтлидир ким маст бўлса!

Оташин шароб ичинг! Агар ўтган бўлса ёз,
Узум ҳароратидан қонингиз мавжланур соз.
Биз ўламиз — ким ўлмас? — Аммоки у дунёда
Геба¹ бизни иситгай узатиб қайноқ бода!

У КУНЛАРНИ УНУТ ЭТМОҒИМ ОҒИР

У кунларни унут этмоғим оғир,
Юрак-юрагимдан бўлиб мен мафтун,
Сен-ла бир вужудга айландик охир,
Сен эса қалбимни забт этдинг бутун.

Сен илк бор севгига иқрор бўлганинг
Ўша кундан бошлаб, эй ёри маккор,
Ғусса-азобларга лим-лим тўлганим
Қани билолсайдинг, бўлсанг хабардор.

Ўтиб кетган севги аламидан ҳам
Ортиқроқ бир дарднинг бўлмоғи мушкул.
Алдамчи эркалаш, хира ва мубҳам
Туйғулар бамисли ранги ўчган гул.

Дафъатан — хушхабар, ўйламай-нетмай
У ишқ борасида қилдинг шундай гап,

¹ Геба — юнон мифологиясида абадий ёшлик худоси, Зевс ва Геранинг қизи, Гераклнинг хотини. Худолар базмида соқийлик қилган.

Ўтмиш кунлар ёдин гўё тарк этмай,
Ҳамон юрагингда юрмишсан асраб.

Бераҳм бўлсанг-да, азизсан менга,
Гарчи воз кечсанг-да, ишқдан бесубут.
Билдимки, ёр бўлиб шафқат қалбингга,
У кунлар ёдини қилмабсан унут.

Шунинг ўзи далда, руҳ тортди енгил,
Азоб, гуссаларни бир умр ташлаб,
Гарчи мендан узоқ бўлсанг-да, билгил,
Мангу меникисан бутундан бошлаб.

КЎНГЛИМ ҚОП-ҚОРОНҒИ

Кўнглим қоп-қоронғи. Тезроқ кел, ҳофиз!
Қўлга олгил бу олтин созни.
Тор бўйлаб бармоғинг югурсин-да тез,
Уйғотсин жаннатга хос бир овозни.

Тақдир совурмаган бўлса орзумни,
Куйингдан кўксимда уйғониб қолар,
Кўз ёш тарк этмаган бўлса кўзимни
Эриб, кипригимдан сирғаниб қолар.

Майли, куйинг бўлсин ёввойи, мунгли,
Шараф чамбаридай шодлик менга ёт.
Кўз ёши қилмоқни истайди кўнглим,
Йўқса дил азобдан бўлажак барбод.

Уқубат, қайғуга лим тўлибди у,
Ўртанди узоқ ва бесас тутайди.
Даҳшатли он етди — у худди оғу
Тўла коса мисол ўлим кутади.

ЮНОНЧА ҚЎШИҚ ТАРЖИМАСИ

Гайдэм менинг, ўзингга борман,
Гулбоғингга кирарман саҳар.
Флорани¹ таниб оларман
Рухсорингга қилганда назар.

Гайдэ, сени соғиндим, жўшиб
Латофатинг куйлагумдир маст.
Олиб келдим сенга бир қўшиқ,
Қўрқаманким, қўшиғим ёқмас.

Бўй таратиб, салламно² айтиб
Сурх³ новдадай гўзал ва дуркун,
Очилибсан қизгина Гайдэ,
Яйратибсан ёш кўнглинг бугун.

Бироқ боққа сўлгинлик кирар
Дилрабойим кетганда йироқ,
О, тез беринг, тез менга заҳар,
Гулдан кўра алаф⁴ яхшироқ!

Сассиқ алаф шираси бадхўр⁵
Заҳарлагай ҳар бир шарбатни,
Заҳар ичмоқ мен учун ҳузур,
Унут этар ғаму гурбатни.

Ёлбормоқдан тийра⁶ бу басар⁷,
Ёнимга қайт абад-абадга!
Ортиқ сени кўрмас эсам гар
Жойлаб кетгил мени лаҳадга!

¹ *Флора* — гуллар ва мевалар маъбудаси.

² *Салламно* — офарин.

³ *Сурх* — қизил.

⁴ *Алаф* — ўт.

⁵ *Бадхўр* — очофат.

⁶ *Тийра* — қора, қоронғи.

⁷ *Басар* — кўз, кўриш қуввати.

Осонгина енгмоқ истайсан,
Голиб бўлмоқ ёқмайди кимга.
Эй, раҳми йўқ моҳир тийрзан¹,
Нигоҳ тиғинг урдинг қалбимга.

Табассум қил, бир бор табассум,
Дардларимга ўшадир даво,
Дил-дилимда орзум бор маъсум,
Ошармикин амалга аммо?

Боғда гуллар мунгли эгмиш бош,
Улар ичра йўқ гули сайдим².
Мен, Флора — тўкармиз кўз ёш,
Ёнимда йўқ, ёнимда Гайдэ.

ТУШ

I

Икки юзлик бу ҳаёт: бор Туш минтақаси,
Ҳаёт — ўлим ораси деб атарлар уни,
Рост эмас бу: Тушларнинг ҳам дунёси бор кенг,
Поёни йўқ, ажаб қизиқ, аломат дунё.
Тушлар яшар, топар экан ўз такомилин,
Гоҳ кўздан ёш оқизгай, гоҳ бергай фароғат.
Гоҳи улар тафаккурга малол келади,
Гоҳ кундузги ташвишларни қувиб хаёлдан
Биз кечирган турмушнинг бир бўлаги мисол
Кириб келар қалбимизга, ҳаётимизга.
Улар гўё мангуликнинг ҳудайчилари³,
Улар кечмиш руҳи мисол пайдо бўлар тез,
Валийлардек келажакдан қилар башорат.
Улар турар бошимизда, ҳокими мутлақ
Янглиғ⁴ мумкин шод этмоғи, азоб бермоғи;

¹ *Тийрзан* — ўқ отувчи

² *Сайд* — ов, шикор.

³ *Ҳудайчи* — хон ва амир ҳузурига келганлар ҳақида хабар берувчи амалдор.

⁴ *Янглиғ* — каби, ўхшаш, сингари.

Ҳайратларга солар бизни, ўтганлар руҳин
Бир сония кўрсатаркан соялар монанд.
Ёки ўтмиш соямасми? Унда надир Туш?
Ёки ақл ижодими? Ақл ҳаттоки
Тириклардан ҳам ёрқинроқ одамлар ясаб,
Сўнг бахш этиб мангулик руҳ вужуд тимсолин
Мумкин гавжум айламоғи сайёраларни.
Битта тасвир ўчмайди ҳеч, рўёдай турар
Уйқум ичра, — ахир меъёр тафаккурда йўқ,
Йилларни жам этар ўзда мудроқ тафаккур,
Бир соатга жойлай олур узоқ умрни.

II

Йигит-қизни кўрдим — улар яшил дўнгликда
Туришарди, иккиси ҳам гўзал, навнихол¹;
Денгизни сал туртиб кирган бурун сингари
Эди дўнглик, аммо унинг этакларини
Денгиз ювиб ётмас эди, аксинча сўлим
Манзаралар ташланарди кўзга: далалар,
Тўлқин-тўлқин ўрмонлару кўкаламзорлар
Аро гоҳ-гоҳ учраб турар ғиштин томлардан
Кўкка ўрлар эди тутун. Дўнглик атрофин
Табиатнинг ўйинимас, инсон эккан дов -
Дарахтларнинг чўнг баргаги ўраб олганди,
Дўнглик бундан чиройлироқ эди яна ҳам.
Икков эди улар, қиз жим, ўзидай сулув
Жозибали манзарага турарди боқиб,
Ўспирин-чи, тикилганди ёлғиз у қизга.
Иккиси ҳам ниҳол эди, ўғлон ёшроқ сал,
Қиз бўлса-чи, қиз зебойи бир ғунча эди,
Чиқаётган ой мисоли етилиб аста
Яқинлашар латофатнинг гул-гул фаслига.
Ўғлон эса дунёни кўп кўрганлигидан
Ёши катта туюларди; дунёда шу он
Нурга тўлиб ёнар экан бир чеҳра ёнда,
У тикилар дил тубига кўмиб ҳадикни:

¹ Навнихол — ёш.

Нурли чехра мангу ғойиб бўлар, деб қўрқар.
Ўғлон фақат шу қиз билан оларди нафас,
Фақат қизнинг гап-сўзлари кирар қулоққа,
Фақат қизнинг кўзи билан қарар маҳлиё.
Қиз тикилган томонларга; дала-ўрмонни
Ранга кўмар, сўнг берилиб тикилар қизга,
Гўёки бир бўлиб кетар; қиз уммон каби
Ўғлон хаёл оқимини жамлар ўзида,
Қиз сўзларкан, ўғлон бўлар масту мустағрақ¹,
Ногаҳон сал тегиб кетса қиз қўли, ошкор
Бўзараркан, қизараркан — тўлиб юраги
Дард ичида ширин-ширин титраб кетади...
Аммо ўғлон туйғулари қизга мутлоқ ёт,
Қиз дилига ўт ташлаган мутлақо бошқа,
Бу ўғлон-чи, қизга холос укайди, ука.
Укаси йўқ эди қизнинг, шу вайдан ўғлон
Болаликдан бир укадай бўлиб қолганди.
Қадим-қадим сулоладан сўнгги сурх новда
Эди-да қиз. Ўғлонга-чи ёқмас укалик,
Нечун? — Барин ғира-шира англаб олди у,
Қиз ногаҳон бегонани севиб қолганда.
Мана энди ҳозир у ҳам севар, шунданми,
Узоқларга тикилади дўнгликда туриб,
Эҳтимолки, ошиқ йигит ошиққанича
Тулпор отда дийдорига келмоқда елиб!

III

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
Тевараги томорқа-боғ бир ҳовли кўрдим,
Эскирган уй қаршисида эгарланган от.
Ўша ўғлон изтиробдан ранги оқариб,
Кўҳнагина бутхонада² кезинар ёлғиз.
Сўнг столга ўтирар-да, топиб қаламни
Неларнидир ёзар тез-тез, бироқ мен қараб,
Ҳеч на ўқиб ололмадим. У ушлаб бошин

¹ *Мустағрақ* — хаёлга ботган, ўзини йўқотган.

² *Бутхона* — бутпарастлар ибодатхонаси.

Эгилди-ю, қалтиради безгак тутгандай,
Чоғи фигон чекар эди, сакраб турди сўнг,
Ёзганини парча-парча қилиб ташлади,
Лекин унинг кўзларида ёш кўрмадим мен.
Кейин ўзин мажбур этиб сал хотиржамроқ
Кўринай деб турганида рўпарада боз¹
Пайдо бўлди муҳаббатнинг эрка дилдори.
Қиз оҳиста жилмаярди, биларкан, ўғлон
Уни севар, — ишқни пинҳон сақлаб бўлурми? —
Ўғлон қалби доғда қолди шу қизни дея,
Қайғуларга юз тутмоқдан бахти ҳам қора.
Қиз буни ҳам билар, лекин барини билмас.
Ўғлон аста, илтифотсиз олди қиз кўлин,
Олган замон унинг лоқайд юзида хира
Тасвирига тиллар ожиз ўйлар сояси —
Кўринди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлди бот.
Ўғлон қизнинг кўлин кўяр ва жим, оҳиста
Хайр-маъзур ҳам қилмасдан тарк этар зални.
Айрилдилар жилмайишиб бир-бирларига.
Шошилмасдан дарвозадан ташқари чиққач,
Сакраб отга минди-да, сўнг қамчи босди у.
Ортиқ қайтиб келгани йўқ бу эски уйга.

IV

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
Ўғлон энди йигит бўлди саҳролар аро,
Макон тутди жазирама жануб томонни.
Дил-дилига сингиб борар куннинг оқ нури,
Атрофда хўп ғаройиб ҳол ҳоким, ўзи ҳам
Хўп ўзгарган, эмас асло бир пайтдагидек.
Ўлкаларни кезди, денгиз-кўлларда юзди...
Ёприлдилар тўлқинлардай рўелар бирдан,
Ададини билмоқ мушкул; аммо у йигит
Тушларнинг бир бўлагийди; мана у танҳо
Дим ҳаводан қочиб, ётар хароба ичра,
Устунларнинг соясида оларкан ҳордиқ,

¹ Боз — яна, тагин.

Курган меъмор аллақачон кетмиш йўқ бўлиб.
Хароба-чи, турар ҳануз; туялар ўтлар,
Ёнгинада, фонтан узра боғланган отлар,
Бугдой ранг юз карвонбоши башанг либосда
Ўтирарди барчасига посбонлик қилиб,
Осойишта ухлар эди бу пайт бошқалар.
Бошлар узра балқимоқда ям-яшил само,
Шундай тиниқ, шундай софки осмоннинг юзи,
Кўринарди ундан фақат Тангрининг ўзи.

V

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
Севимли қиз бўлган эди ўзгага насиб,
Аммо эри сева олмас у севган мисол.
Ундан олис яшар энди қиз, ўз уйида
Бола-бақра — гўзалликнинг зурёди аро
Рўзгор билан бўлиб. Бироқ юз берди не ҳол?
Ногоҳ дилбар чехрасига ғамнинг шарпаси
Пинҳон қайгу кўланкаси ўтди из солиб,
Гўё йиғи кутиб, қотиб қолган ёшлардан
Титрадилар бирданига тийри мужгонлар¹.
Аёл дардин боиси не? Севилганди у,
Бу ерда йўқ уни севиб кўкка кўтарган.
Ортиқ ранжлар пардасида пинҳон умид-ла
Оромига ғулғулалар солмайди йигит.
Аёл дардин боиси не? Севмасди ахир
У йигитни — бунини йигит биларди, шундан
Кечмишларнинг арвоҳидай аёл узра у,
Чарх уролмас, буза олмас хаёлларни ҳам.

VI

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
Юртга қайтган сайёҳ йигит. Меҳроб олдида
Гўзал, дилбар қайлиғи-ла туради мана,
Аммо ёшлик Юлдузининг Ёғдуси, афсус,

¹ *Мужгон* — киприк, мижа. *Тийри мужгон* — киприк ўқи.

Ўзга гулрў¹, ўзга дилдор, ўзга бир чехра...
 Меҳроб олди турар экан, пешанасида
 Пайдо бўлди ўша кўҳна бутхона ичра
 Танҳо-ёлғиз кезинганда чеккан изтироб,
 Саросима, ҳаяжонлар... ўшандагидек,
 Ҳозирда ҳам унинг лоқайд юзида хира
 Тасвирига тиллар ожиз ўйлар сояси —
 Кўринди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлди бот.
 Никоҳ онтин ичди йигит бамайлихотир,
 Аммо қайлиқ сўзларини эшитмади у.
 Гўё боши айланарди, сезмас, не ҳолат
 Юз бермоқда, нима ишлар бўлмоқда алҳол².
 Бироқ ўша кўҳна зал ҳам, эскирган уй ҳам,
 Хоналар ҳам, ўша жой ҳам, ўша айём ҳам,
 Ўша он ҳам, оппоқ кун ҳам, ўша соя ҳам —
 Бари, унинг ҳаётини қачон-қачондир
 Ўраб олган нарсалари ёпирилдилар-у,
 У ва меҳроб ўртасида туриб олдилар.
 Шундай пайтда қайдан улар бўлдилар пайдо?

VII

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
 Моҳитобон³, муҳаббатнинг эрка дилдори
 Телба бўлиб қолди, ёрқин эс-ақлидан у
 Адашдимми, хираланди мусаффо идрок.
 Кўзларида жило сўнди, нигоҳи эса
 Файриоддий тус олмишди, қироличадай
 Туюлар у ўзин сирли салтанатида.
 Узуқ-юлуқ гаплар чиқар дудоқларидан.
 Ўзгалар ҳеч илғай олмас тимсолий дунё
 Бўлмиш унга кўз кўрарли одатий нарса.
 Девоналик дерлар буни ва лекин доно
 Бундан баттар телбароқдир, солгай бу ҳолга
 Молихулё⁴, гам жилоси — туҳфаи ваҳшат.

¹ *Гулрў* — гул юзли, гўзал.

² *Алҳол* — ҳозир, энди, шу пайтда.

³ *Моҳитобон* — порлоқ ой; мажозан: гўзал маҳбуба.

⁴ *Молихулё* — савдойилик.

Шу эмасми ҳақиқатнинг кўзгуси ахир?
Олис-олис кенгликларни қилгай яқин у,
Бор ҳолича рост кўргизгай ҳаёт юзини,
Воқеликни айлантиргай чин ҳақиқатга!

VIII

Туш ўзгариб кетди шу он кутилмаганда.
Сайёҳ йигит аввалгидек ғарибу танҳо,
Йироқлашди теградаги одамлар бари,
Ё ғанимга айландилар; ўзи ҳам ночор,
Нафрат ила адоватлар қаърида қолиб
Ноумидлик тимсолига айланмиш эди.
Энди унга барчаси ҳам бермоқда азоб,
Энди ул ҳам Понтий подшоҳи¹ мисол
Заҳар-заққум ютар асло қилмай хавотир,
Кўникай деб ичар ҳатто таом ўрнида.
Кўплар бундан ўлди, у-чи шу билан тирик,
Қорли тоғлар оғушига чиқиб кетар-да,
Юлдузлару коинотнинг руҳияти-ла
Сухбат қурар! Қулоқ осар, ўрганмоқ истар,
Сеҳру жоду сирларини билмоқ истар хўп,
Варақланар қаршисида туннинг китоби,
Тубсиз қаърдан учиб чиққан садолар эса,
Сеҳр-афсун аён айлар. Шундай бўлсин-да.

IX

Ғойиб бўлди тушим бирдан шу жойга келиб.
Ғаройиби бул эдики, ҳар икки тақдир
Тушда қандай инъикосин тополган эса,
Ўнгдагига мос тушганди — телба кетди қиз,
Иккиси ҳам бебахтликдан ўтмади нари.

¹ Понтий подшоси Митридад (мил. авв. 120-63 йиллар) душманларнинг заҳар бериб қўйишидан қўрқиб, кўникиш мақсадида доим заҳар ютиб турар экан.

МАРЦИАЛДАН

Рубарўнгда — Марциал, шоир,
Шеърларини ўқидинг ҳозир.
Завқ-сурудан яйрадинг жуда,
Сен шоирнинг тириклигида
Ҳурматини жойига қўйгил!
Ўлгандан сўнг шон-шуҳрат бир пул!

(Абдуҳамид Парда таржимаси)

МЭРИОНГА

Нечун ғамга ботдинг, Мэрион,
Ранжитдими бирон беимон!
Малаксиймо чехрангга рости,
Ранжу алам ярашмас асти.
Дарди ишққа йўлиқдингми ё,
Фавворадай тўлиқдингми ё?
Муҳаббат, оҳ ҳам қувонч, ғусса,
Гоҳо шод, гоҳ қайғули қисса.
Гарчи қилар телба-девона,
Бироқ, бу дард сенга бегона.
Билмам, нечун ботибсан ғамга,
Не кам, айтгил, сендай санамга?
Офтобдай чарақла дилдор,
Қолмагай ҳеч қалбингда ғубор.
Бўлгай десанг жумла эл банда,
Жилва қилгай чехрангда ханда.
Чарақлагай кўзларинг юлдуз,
Табассум қил, қошлари қундуз.
...Маликаси қалбимнинг бўлак,
Даъватимга қулоқ тут, малак.
Қанча чарос бўлмагай кўзлар,
Болдан тотли бўлса-да сўзлар,
Сунбул сочлар қайта-қайта дом,
Тикса-да боз, инон, дилором.
Яккаш оний кўрсатгай таъсир,
Йўқ, бутунлай қилолмас асир
Олам бино бўлгандан буён,

Ишқ бобида муқаддас мезон.
Юрак ила меҳрга тўла,
Козонилар севги бир йўла!

АНГЛИЯДАН ЖўНАБ КЕТИШ ЧОҒИДА БИР ХОНИМГА БАҒИШЛАГАНИМ

Фурсат етди! Гувиллар уммон,
Сафарга шай кема ҳам шул он. e
Елканини ўйнайди шамол,
Фурсат етди дегандай, алҳол,
Кетар бўлдим юртимдан такрор,
Ёлғиз сени севарман, эй ёр!

Тўйдим ғариб ҳаётдан, нетай,
Ҳасратимни, оҳ, кимга айтай.
Ёлғиз сафар — ягона нажот,
Ортиқ васлинг бегона, ҳайҳот,
Ортда қолди барчаси, эсиз,
Эй ёр, сени севарман ёлғиз.

Гоҳ йиғлатиб, қувонтирган гоҳ,
Кўпдан менга бегона нигоҳ,
Гарчи менга оғирдир ғоят,
Унутарман бир кун ниҳоят.
Гар тор қафас қадрдон гўша,
Юрагимга ҳоким тек ўша.

Якка-ёлғиз мардона, шоввоз,
Долғаларга чиқарман пешвоз.
Чор-атрофга назар ташлайман,
Дўст тополмай дилим ғашлайман.
Оч домига тортар оломон,
Ёлғиз сени севарман ҳамон.

Узундан ҳам узун йўл босиб,
Топарман бир макон муносиб,
Лекин латиф хаёлинг, эй ёр,
Ҳаловатим ўғирлар такрор.

Ҳажринг аро қоларман якка,
Сендан ўзга сигмас юракка.

Ҳатто қашшоқ дайди ҳам ғариб,
Бир бошпана топгай ахтариб.
То бор экан савобталаб жон,
Яккаланиб қолмас ҳеч қачон...
Қай бир зотдан кутай, айт, мадад,
Ёлғиз сени севиб то абад.

Саргаштаман¹ — бу қисмат надир,
Қай бир юртда топарман қадр?
Учрармикан жонини нисор² —
Айлагувчи фидойи бир ёр?
Сен-чи, ҳануз сир бермайсан, сир,
Ёлғиз сенга бўлсам-да асир!

Недан маҳрум, неларга эга,
Кимлар эдик, айландик кимга?
Тегирмоннинг тошидай тақдир
Ожизларни енгмоғи ҳақдир.
Олов-оташ қалбим мардона,
Мангу сени севар ягона.

Хаёлимга ҳоқим қай жонон,
Билмагай ҳеч сергап оломон.
Ишқимни рад этмиш қай малак,
Сенга аён — мен шўрлик ҳалак...
Бу дунёда санокли сарбаст...³
Биргина ёр ишқи ила маст.

Севмоқни боз айладим хаёл,
Паривашни фаришта тимсол.
Ҳажринг бағрим этмаганда қон,
Севар эдим такрор беғумон.
Ўзга ҳурни севмоғим оғир,
Ёлғиз сени деганман, ахир.

¹ *Саргашта* — боши айланган, овора, сарсон.

² *Нисор* — фидо.

³ *Сарбаст* — бу ерда: аҳдида мустақкам, севгисига садоқатли.

Нигоҳингга, оҳ, севимли ёр,
Туёлмадим, ҳайҳот, сўнги бор...
Сендан жудо кўнглимга мискин —
Олис сафар ҳам малҳам, таскин.
Гар Ватандан, толедан йироқ,
Ёлғиз сени севарман бироқ.

«ҚАЛБИМ КАБИ ЖЎШҚИН, БЕОРОМ»

Қалбим каби жўшқин, беором,
Денгизларда улоқиб сарсон
Тоғу ўрмон қирларда хиром —
Айлаб умрим ўтса беармон
Зиндонсан сен, Англия, зиндон,
Озод қалбим ҳурликка ташна.
Барчасидан юз буриб хандон —
Ҳур хилқатга бўлсайдим ошна.

Дов-дарахтлар бағрида, ё Раб,
Унут бўлгай қуллару хонлар,
Лаганбардор, ялтоқи хароб,
Турланувчи манфур бўҳтонлар.
Муҳаббатга муҳиб — асира,
Бокира ишқ, бокира имон,
Шовуллаган тўлқинлар узра
Қояларда кезай беармон.

Гарчи гўрман, аёндир бироқ —
Мен — дунёга, дунё менга ёт.
Кўринмагай йилт этган чироқ,
Зимистон тек, зулмат, зулумот.
Тушларимда ахир инчунун,
Толе кулиб боққан, толе ҳур.
Қалбим кўзин очдинг не учун,
Эй Ҳақиқат, эй илоҳий нур.

Қайда қалбим саҳобалари,
Қайда ошна, қайда дўст-ёрон.

Наҳот ёт ҳам бегона бари,
Дардларимга бўлолмас дармон.
Фақат сархуш этганда шароб,
Оний сурур инар юракка.
Давраларда яйрайман шитоб,
Бироқ қалбан яккаман, якка.

Бетайинлар — на дўст, на душман,
Сафсатаси ёқмагай асти.
Қай бирлари бадавлат, манман,
Қай бирининг боз дароз дасти¹.
Қайда холис дўстлар беғубор,
Жондан азиз ёронлар қани?
Хор бу каслар не учун даркор,
Касларки сур, манфур, бемаъни.

Сен эмасми муҳтарам Аёл,
Бахт, Саодат, Толе беармон,
Бироқ васлинг ё Раб, бу не ҳол,
Ортиқ масрур этмас ҳеч қачон.
Юрагимни бездирган ғариб —
Қашшоқ қисмат, сендан кечиб воз,
Дардларимга дармон ахтариб,
Бўронларга чиқай боз пешвоз.

Сахроларга бош олиб кетсам,
Йўқ, йўқ, Сизга ихлосим катта.
Оташ қалбим, ростини айтсам,
Долғаларда яйрар, албатта,
Юксакликлар қалбим этган ром,
Юксакликлар қалбимга ҳамроз.
Тубанликдан кечиб батамом,
Озод қушдай боз айлай парвоз.
Ўтиб бўлди ҳаётим магар,
Гарчи етди видо маҳали.
Мени ҳеч ким севмаса ҳам гар,
Севишни боз истайман ҳали.

¹ *Дасти дароз* — қўли узун.

ЎТТИЗ ОЛТИ ЁШГА ТЎЛГАН ТАВАЛЛУД КУНИМДА

Кундан-кунга яқин интиҳо¹,
Эсар фасли хазон еллари.
Қаро қабр кутар оч юҳо,
Бағримда тек армон унлари.

Гар дилимда аланга, учкун,
Ҳамон ёнар ва боз ўт олар,
Руҳимни шод айламоқ учун
Ёқилган шам бўлиб туюлар.

Гарчи кулиб боқмади тақдир,
Халоскорим бўлдинг муҳаббат.
Йиллар абгор айлаган тақир,
Дилимга ёр ўзинг то абад.

Надоматлар пайтимас бу он,
Тўрт тарафда шодлик, тантана.
Гулчамбарлар ёқутдай алвон,
Ғолибларга интизор, ана.

Юнонистон! Қиличинг, туфинг,
Ўғлонларинг чорлайди жангга.
Завол билмас зафар, ютуфинг,
Фидо минг жон она Ватанга.

Қанот боғла беором руҳим,
Сор лочиндай парвозга шайлан,
Надоматим, афсус, андуҳим,
Шижоатга, шиддатга айлан.

Жасоратни касб айла боз,
Пуч орзулар этмагай асир,
Ишқ Тангриси чертаётган саз
Қалбингга, йўқ қилмагай таъсир.

¹ *Интиҳо* — охир, сўнг, ниҳоя.

Чекма қанча алам-изтироб,
Ёшлигинг ҳеч келмагай қайтиб,
Жангга отлан ёвқур ҳам шитоб,
Жангга отлан алёрлар айтиб.

Мардлигингга элу юрт шоҳид,
Кўрагингни қалқон қил, қалқон.
Шер йигитга кетмоқдан шаҳид —
Зиёд толе бўлмас ҳеч қачон!

КАТУЛЛГА НАЗИРА

Чарос шаҳло кўзингдан, жонон,
Боз бўсалар олсам беармон!
Бўсалар боз айласа сархуш,
Асрлар-да ўтса мисли туш.
Муҳаббатдан ким бўлган безор?
Бўсаларим ёндиргай такрор.

Бор дунёга бегона, бефарқ,
Бўсаларнинг уммонида фарқ,
Боз беадад бўсалар олсак,
Саноғига етолмай қолсак.
Ҳижрондан ҳеч гаи очмагил, ёр,
Сендан айро тушмасман зинҳор!

ПРОМЕТЕЙ

I

Эй довюрак, жасур паҳлавон,
Аламдийда қисматимизга,
Шармандали исматимизга
Хайрихоҳ боз тикилдинг шоён.
Бунинг учун, ё Раб, мукофот,
Бўлди сенга бесаноқ офат.
Боз бандига айландинг ўзгун.
Нимта айлар бағрингни қузғун
Ҳам оёғу қўлингда кишан,
Ҳам таҳқиру лаънатга нишон,

Ўрганса-да азобда жонинг,
Ичга ютиб фарёд-фигонинг,
Маъбудларга ғаним, тошбағир,
Ялинмассан мардона мағрур,

II

Эй баҳодир! Қирғин-барот жанг,
Долғалардан чиққансан омон.
Қийноқлару азоб беомон,
Қилолмагай ҳолингни ҳеч танг.
Қаҳри қаттиқ беаёв қисмат,
Боис бўлиб аччиқ хусумат,
Ҳаётингни азобга қўйди,
Жигар-багринг беаёв ўйди,
Мангу азоб-уқубатни боз,
Шон-шарафдай этдинг сен ҳамроз.
Қасирғалар соҳиби шўрлик,
Сендан такрор кўрди зўр хўрлик:
Қийноқларни билиб сен афзал,
Қисматини унга муфассал,
Сўйламадинг, нигоҳинг бироқ,
Тақдирдан айлади огоҳ.
Шўрликни боз ваҳима қучди,
Найзалардай чақмоқлар учди...

III

Олижаноб, ҳотамтойлигинг,
Муруватга беҳад бойлигинг,
Жинойтга йўйдилар, алҳол —
Орзуларинг топди боз завол.
Кулфатларга чек қўйиб такрор,
Қилолмадинг бизни бахтиёр!
Орзуларинг бўлса-да барбод,
Қисматга бош бермайин озод,
Мағрурлигинг бизларга ибрат,
Хизрсифат соҳиби қудрат.
Йўлларимиз ёритган зиё,
Эй мадаккор азиз-авлиё!
Одамзоднинг шулдир қисмати,

Манглайда тақдирнинг хати,
Феълида гар саркашлик зоҳир,
Тақдирга тан бергайдир охир...
Бироқ қалби барқарор қоя,
Эзгу ўйга ҳамроҳ, ҳамсоя,
Аксарият минг дард, минг алам,
Бўлар унинг дардига малҳам.
Ажални ҳам енгиб мардона,
Яшагай боз ғолиб, фарзона!¹

ДАМЕТ

Рафтори одаму эси паст, басир,
Тек турфа куфроний ишларга асир,
Кўрқмас ҳеч Худодан, элдан уялмас,
Шайтони лаъиндан фарқи йўқ, хуллас,
Онадан туғилган худписанд, худбин,
Шамолдай беқўним, беҳаё, бадбин.
Қизларни алдашга устаси фаранг,
Қаллобки, дуч келган ҳоли бўлар танг,
Ашаддий қароқчи эсини еган
Манглайда тамғаси нобакор деган!
Боз қонга бўялган ҳар икки дасти
То ҳануз қилмишин қўймайди асти.
Гар йўлга сололмас бандаси ожиз,
Худо жазосини берар шубҳасиз.

ЗАМОН

Учқур Замон! Не бир насллар,
Карвонингда бир жумла жаҳон.
Турнақатор ўтгай фасллар,
Бешафқатсан, ёвқур беомон.

Бўлсанг-да бешафқат очун²
Нолимасман ғамбода³, мискин.

¹ *Фарзона* — оқил, доно.

² *Очун* — дунё, олам.

³ *Ғамбода* — ғамгин.

Ёлғизгина бир бошим учун,
Бир гўшадан топарман маскан.

Яхши-ёмон кезде ҳамнафас,
Ҳамроҳларим ўтгандан буён,
Бўлак ҳеч не қўрқига олмас,
Бардош ила тўзим топгай жон.

Балоларни ёғдир майлига,
Балоларга айлагил дучор.
Гирифторман йиллар хайлига¹,
Азоб-у уқубатга гирифтор.

Бу азоблар дардимга дармон,
Малҳам бўлгай қаттол қаҳрингга.
Бахти бутун мамнун, беармон,
Боз муносиб лутфу меҳрингга.

Лочиндайин учқур парвозинг,
Бағримизни ўртагай такрор.
Тутқич бермас кўкламинг, ёзинг,
Куз-қишингда шундай шиддаткор.

Гарчи толдим зулмат қаърида,
Гарчи тилди бағрим аламлар,
Коинотнинг сирли бағридан,
Чорлади боз нурли оламлар.

Ёруғ бўлса ойнинг ўн беши,
Ўн бешида ҳукмрон зулмат.
Ботди, нетай, толе қуёшим,
Бундан буён гам-алам улфат.

Қисматимиз азалдан аён,
Поён билмас чексиз замонсан.
Бу оламда жумла тирик жон
Барчасига боз беомонсан.

¹ *Хайл* — тўда, гуруҳ.

ДОСТОН

(Муҳаммад Али таржимаси)

ШИЛЬОН СОНЕТИ

Эрк! Озод фикрнинг қалбисан абад,
Зиндонда жамолинг ёрқинроқ яна!
Зиндонда ўғиллар сенга мардона
Бош уриб, топиниб яшарлар фақат.

Сара ўғилларинг қийнаб замона
Қаро гумбаз ичра айлар экан хор,
Дилларин ўт олмиш ёвга пинҳона,
Бўлмиш дунёларга донглари ошкор!

Эй Шильон! Зиндонинг кўҳна бир қаср:
Тубинг меҳроб; бунда вақтни айлаб мот
Бонивар судралиб кезмиш бетадбир.

Тошларда излари кўринар, ҳайҳот,
Ул излар ўчмагай асрдан-аср!
Қулликдан Тангрига қилурлар фарёд!

ШИЛЬОН ТУТҚУНИ

I

Қаранг, сочим оқарди оппоқ,
Кексайишдан эмас бу мутлоқ,
Ёки даҳшат, қўққис келган ғам
Бир кечада оқартмади ҳам,
Манглайим-ку ажинга тўлиқ,
На меҳнат, на иссиқ-совуқ — йўқ,
Зиндон этди адои тамом.

Ёруғ кундан маҳрум, беором,
Диққинафас яшаб занжирбанд,
Бўлиб қолдим оқибат дардманд.
Қачон умрим тугар — йўқ нишон;
Эътиқод деб ўлим ва кишан —
Иснодига қолган отамиз
Қисматига шерик бўлдик биз.
Олтов эдик — мен қолдим фақат.
Отамни тинч қўймади ғурбат,
Уни ўтга отдилар охир;
Оғам-иним, қадр-ку қадр,
Жондан кечди, маъсум ва порлоқ
Қалб қатига тушмасин деб доғ.
Учов бўлса тирик кўмилдик,
Зиндон ичра тутдай тўкилдик:
Иккимизни ер ютди, ҳайҳот,
Ёлғиз мен, мен қолдим, харобот,
Бари учун тутгани мотам,
О, ортгирдим ўз бошимга ғам!

II

Шильон турар сув узра турғун:
Зиндон ичра етти зўр устун
Тўсинларга кўмилган эди.
Ногоҳ олис осмондан етиб
Девордаги дарздан кирган нур
Зулумотда милтиллаб базўр,
Устунларда ўйнайди маъюс;
Худди тунда лип-лип қилиб, суст,
Ёритмоққа ботқоқни, ҳоли —
Етмай қолган чироқ мисоли
Милтирарди танҳо ва сўник.
Ҳар устунда ҳалқа; чўнг, хунук
Ҳалқаларда — занжир мисли мор¹,
Занжирларда гўё оғу бор
Баданимга сингдики чунон,

¹ Мор — илон.

Аср-аср ўтса ҳам, гумон,
Тамғаларнинг изин кетмоғи.
Неча йиллар қуёш сиёғин
Қўрмаганди бу шўрлик кўзлар.
Малол келар энди кундузлар
Асоратга чидамоқ қийин,
Кенжа укам ўлгандан кейин,
Мен жасадин ёнида ёлғиз
Нола чекдим паноҳсиз, ҳолсиз,
Эркдан кўнглим совиди аста.

III

Устунларга бизни вобаста¹
Қилмиш занжир; гарчи баримиз
Жам эдик-ку, жудо эдик биз:
Юролмасдик у ёқ-бу ёққа,
Қорамизни илғаб олмоққа
Тусимизни ўзгартириб сал,
Ғира-шира берарди халал,
Бўлдик-қолдик бегонасифат.
Бир нарсада сезардик роҳат:
Овоз бермоқ мумкин-ку ҳар чоқ,
Ҳол сўрамоқ, кўнгил кўтармоқ,
Кечмишлардан сўйлаш биланми,
Жанг қўшиғин куйлаш биланми —
Бироқ тезда бунинг бари-да,
Тиниб битди зиндон қаърида,
Овозимиз бўғиқ ва ғалат,
Овоз эмас, деворнинг суст, бад²
Акс садоси эди, ёввойи;
Қудрат сеҳри, эркнинг чиройи
Гар юракка бахш айласа завқ,
Овозда ҳам бўлур катта фарқ.
Орзу?.. Бироқ сасларки барбод,
Бари менга туюлади ёт.

¹ Вобаста — боғлиқ.

² Бад — ёмон.

IV

Орамизда мен улуг эдим;
Рухсиз, уздан кетмасин, дедим,
Укаларнинг гамин еб кун-тун
Ўзимни ҳам унутдим бутун.
Кенжамиз-ку отам эркаси...
Афсус! Унинг тарзи, чехраси,
Мовий само, тиниқ кўк йўсин
Кўзидаги жозиба, ҳусн
Онамизни эслатар чунон.
Ўз эрким-ла юрганда хандон
Куюш сочган нур каби сулув,
Нафисгина чечак эди у,
Гарчи чечак фусункор¹ эди,
Тақдирида сўлмоқ бор эди...
Тонг каби пок, ўйноқи, ўктам,
Болаларча тийрак ақли ҳам,
Бегамликда эди бир дунё...
Биров дарди қошида аммо,
Раҳмдиллик ҳиссин айлаб фош,
Оқар мовий кўзларидан ёш.

V

Бошқаси ҳам соф қалбли ўғлон,
Унда ҳоким қатъият, имон,
Чорпахилдан келган, забардаст.
Лак-лак қўшин бўлса-да, чапдаст
Савашади, писандмас ўлим,
Ёқмас фақат бандалик ғули...²
Тўлгонади кишанда у ҳам!
Сезардим мен: бедаво ситам
Ёнгинада, пинҳона, аста,
Айлар эди дилин шикаста...
Тўнғизларнинг додини берган,

¹ *Фусункор* — ўзига жалб қиладиган, гўзал.

² *Ғул* — занжир, кишан.

Адирларда чарх урган мерган
Тобут билди зиндонни энди;
Иродати, шиддати синди.

VI

Сув қўйнида Шильон барқарор,
Тевараги — тўрт томонки бор
Оёқ етмас тубсиз ва чуқур;
Қаърада зиндон девори масрур
Тўлқинлар-ла ўпишиб ётар;
Сув остида, қабрдан баттар,
Ўйилмишдир кўримсиз равоқ
Қоя тошлар ичида; ҳар чоқ
Қояларга урилар тўлқин,
Эшитилар шаршаракли ун,
Тепамиздан кетмас суронлар,
Тирқирайди зилол маржонлар.
Гоҳи бўрон дарича томон
Тўлқинларни хезлайди ёмон.
Юзимизга пуркаб ташлар сув;
Гоҳ қутурар гирдобу ғулув,
Ларзалардан титрайди қоя;
Шунда қалб дер: мана, ниҳоят,
Қулар бари, чўкармиз қаърга:
Ҳурлик берар ўлим бизларга!

VII

Айтганимдек, ўртанча укам
Юрак-бағрин ўртар эди ғам.
Дарғазабу хомуш, серқайғу,
Емакка ҳам боқмай қўйди у:
Маҳбусликнинг овқати ёвфон.
Мерганмасми баҳодир ўғлон,
Бундай ғамни ғам деб ўтирмас.
Оқ эчкининг оппоқ сутимас,
Бадбўй сувни ичамиз бедод,
Қачонки ғул бўлибдир бунёд.
Маҳбус нонин оққан кўз ёшлар

Ейилгунча ивитиб ташлар —
Ошкор эди бу ҳол бизда ҳам.
Йўқ, зорликдан тўзмади укам,
Яшаса-ю роҳатда агар
Тутқун бўлса, бундан-да баттар
Озарди у... яширмоқ нечун?
У ўлди... мен қўл чўзиб маҳзун
Хўшлашмадим йўлини топиб,
Кўзларини қўймадим ёпиб.
Фулни гажиб ташладим! Эссиз,
Ёнгинамда ўлди-я ёлғиз,
Укагинам, мустарликда¹ зор,
Ёнидайдим ва лекин ночор;
Тинглаб турдим нафас олганин,
Сўнг нафаси етмай қолганин,
Титраганин сездим мен. Бирдан
Укам ётган қоронғи ердан
Садо келмай қолди!.. О, даҳшат!..
Фулни ечиб олдилар, жасад
Сўнг тобутсиз кўмилди шунда,
Рутубатли зиндон тубинда.
Алам чекдим, қайғурдим жуда.
Қайғурдиму бари беҳуда:
Укам, дедим, кун оққан ерда,
Ёруғликда ётсин қабрда.
Гарчи телба бир ўй эди бу,
Юрагимга тўлдирди ёғду:
Эркин бўлсин гўрда лоақал.
«Ўлганларнинг уйқуси азал
Зиндонда тинч кечмас...» — дердим мен.
«Ҳа» ўрнига, мазах кўрдим мен,
Укам ётар гўрда, зиндонда,
Осилмишдир боши томонда
Кишанлардан ясалмиш чамбар:
Қотилларга муносиб мақбар.

¹ *Мустар* — ночор, ноилож.

VIII

Бироқ бизнинг ул жон риштамиз,
Ришта надир, руҳ фариштамиз,
Оиламиз кўрки, бисоти,
Чехра-ю тарз, ҳуснин миръоти¹
Онамизни эслатгувчи ул.
Отамизга суюкли ўғил —
Унинг учун яшадим холос,
Сўнмасин деб ишонч, эҳтирос,
Озод бўлар бир куни ахир...
Ҳайҳот! Унга кўзи кўр тақдир
Отган бўлса қанча тошларин
Қарши олди мардона барин.
Мен унгамас — у менга тирак
Эди... Ногоҳ мисли кузги барг
Аста-аста сўла бошлар ул,
Сокин ғамга ўзин ташлар ул...
Ё Раб! Ё Раб! Даҳшат бу, даҳшат:
Йиқитай деб инсонни, қақшаб
Кучангувчи ажалга боқиш...
Соб бўлмоқда жангчи бояқиш;
Тахтачани, чўкмаслик учун
Жаҳд-ла тутиб олган сузувчи
Ботишини кўриб турардим;
Буришаркан чехраи зарди²
Ўлим муҳр босгунича то,
Куфрона сўз қилдилар иншо —
Аламнокнинг³ лаблари мубҳам;
Унда даҳшат эди — бунда ғам,
Қалбнинг оғир касали, дарди.
Фариштадай сўлиб борарди
Сукут ичра юввош, мулойим,
Ноумиддир агарчи, қойим⁴.

¹ *Миръот* — кўзгу, ойна.

² *Зард* — сариқ, заъфарон.

³ *Аламнок* — аламли, қайғули.

⁴ *Қойим* — собит, барқарор.

Фамгин узор¹, шуурсиз назар,
Кўз ёшисиз, токи мен қадар
Эслаб чиққач... камалак мисол
Кўрсатди-да ғаройиб жамол
Кейин сўнди ғалати... эвоҳ!
Хўрсинмади, ё демади «оҳ»,
Толеидан зорланмай минбаъд,
Гоҳ-гоҳ менга сўз қотди фақат,
Ўтиб кетган замонлар ҳаққи,
Ҳали келар хуш онлар ҳаққи,
Умид ҳаққи... мен шўрлик аммо
Умидсизлик чоҳида танҳо
Унутгандим ўзимни буткул.
Умри тугаб борар экан, ул
Азобларин тутар эди сир...
Ногаҳон сушт, титроқли, оғир
Нафас олгач... индамай қолди...
Жимлик дилга ваҳима солди!
Қулоқ тутдим... сукут... сукунат!
Қичқираман жиннидай... фақат
Садо қайтар девордан... сўнар...
Жонҳолатда турдим, гул синар!
Укам сари борсам... укам йўқ!
Совуқ урган гунчадай сўлиқ,
Юзин тутиб мангулик тунга,
Осилганча қолмиш устунга.
Жонсиз қўлин ушладим пурғам²;
Ҳаёт шаъми сўнгану кам-кам
Совиб борар ҳарорат танда;
Гумон қилдим, гўё шу онда
Вужудимда йўқ сира мадор!
Кўзларимга дунё бўлди тор!
Телбалардай зиндонда кездим,
Сукунатнинг ваҳшатин сездим,
Деворлардан келар ғурбатли,

¹ Узор — юз, чеҳра.

² Пурғам — ғами кўп.

Дилни эзар гур рутубати;
Бақрайганча уликка қараб,
Фаҳм этдимки, тирикман, ё Раб!
О! Қанчалар азоб ва озор
«Суйган кишинг тирилмас зинҳор!»
Деган сўздай ётибди пинҳон!
Мен-чи, ўлмай қолибман омон!
Асраган не — имонми, қаро —
Шавқсизлигим самарими ё?

IX

Не бўлди сўнг — ҳеч билолмайман,
Кунми, тунми... фаҳм қилолмайман.
Йўқоларди теграмда ҳаво;
Турар эдим дарди бедаво,
Беҳуш, беҳол, бесару сомон¹,
Тошлар аро қотган тошсимон;
Бари, бари рўёдай хира,
Нурсиз, рангсиз, афтода², тийра
Фира-шира сояларга фарқ;
Недир — ажаб, этолмасдим фарқ —
Саҳарми, шом, зиндоннинг манфур³
Ёруғими — кўзим қилган кўр?
Бу — қоронғи зим-зиё зулмат,
Масофада билмагувчи ҳад
Чоҳи адам⁴ эди, тубсиз қаър;
Фариштасиз юз, қиёфалар
Ила тўлмиш бу ваҳший дунё:
Осмони йўқ, беранг, безиё,
Замони йўқ, бевақт, беадад,
Беҳунару бебахт, беофат,
Тобутларда кечган тушсимон,
Ё мисоли қирғоқсиз уммон

¹ *Бесару сомон* — бахтсиз, толесиз.

² *Афтода* — ожиз, нотавон.

³ *Манфур* — нафратга лойиқ, жирканч.

⁴ *Чоҳи адам* — йўқлик чоҳи.

Карахт эди, гунгу кар эди,
Зулматларга чулғанар эди...

Х

Нимадир ялт этди миямда —
Куш сайраши эди... чамамда
Нилий¹ кўкдан учиб тушди куш,
Гоҳи тинар, нағма қилар хуш.
Жон роҳати сасдаги афсун
Борлиғимни ром этиб бутун,
Тинглаб ўздан кетибман... бироқ
Фимирларкан фикрим, тездаёқ
Эс-хушимни ўнглаган эдим...
Рўбарўмда тагин ўша тим,
Ўша равоқ, гурбатли зиндон,
Ўша сукут, ўша зимистон;
Девордаги кичкина дарздан
Аввалгидек сўник бир тарзда
Ингичка нур оқарди... Унда —
Нур ўйнаган девор юзинда
Потрар эди ҳавойи куйчим,
Мовий оч кўк қанотин учи
Тегинарди деворга майин,
Барқ урарди нурдан он сайин.
Жўшиб сайрар бошимда бирам,
Хонишида бисёр-бисёр² ғам!
У мен ҳақда куйлар бегумон!
Ҳанузгача — бирор-бир замон —
Учрамаган менга бундай куш;
Чоғи ул ҳам хомуш, фаромуш
Укасининг ғамин чекмоқда,
Якка-ёлғиз қолганим чоқда
Дўст-ёронсиз қаддим синган дам,
Мен пурғамга ул этди карам:
Сайраб берди, кўнглимни олди,

¹ *Нилий* — кўк.

² *Бисёр-бисёр* — кўпдан-кўп, ҳаддан зиёд.

Шўрлик қалбим жонланиб қолди.
Кимдир, менинг куйчим ким ўзи?
Ё самонинг ҳурлик румузи?¹
Ёки ташлаб қафасин шодон
Иттифоқо, зиндоним томон
Боши оғиб келди-ю бирпас
Эркинликни куйладими маст?
Шундоқмикин?.. Оддий қушмас, йўқ,
Жаннатдан бу меҳмони қутлуғ,
Укам руҳи қуш бўлиб гўё
Қўзларимга бермакка зиё
Қўкдан учиб тушганди... Ногоҳ
Ғойиб бўлди юпанчим, эвоҳ!
Кун нурида учди-да, кетди...
Укам эмас, у бошқа эди,
Йўқса, дилим айлабон малул²
Кетарми боз мени ташлаб ул,
Қолдирарми бу жаҳон аро
Тобутдаги жасаддай танҳо?

XI

Тақдир менга айлади карам:
Зиндонбонлар юрагига ҳам
Раҳм-шафқат учқунин солди;
Билмам, нима юмшата қолди
Илгимдаги³ кишандан-да бад
Ҳиссизларнинг тош мисол, муртад
Дилларини... Мурувват этиб,
Мени девор тагига элтиб —
Боғлашмади ортиқ занжирга;
Шақирларди текканча ерга
Бўйнимдаги занжир, юрган он;
Аста-аста айландим зиндон,
Укаларим қабрини аммо

¹ Румуз — рамзлар.

² Маълул — ғамгин, хафа.

³ Илик — қўл.

Четлаб ўтдим устунлар аро, —
Дунёдаги сўнги азиз жой...
Қолдирмаклик унда гарди пой¹
Шаккокликдан ўзгамас ахир.

XII

Тирқиш очдим девордан охир
Илгимдаги гул ила; бироқ
Эсимда ҳам йўқ эди бу чоқ,
Эрк ҳаваси... мен етим мисол
Ёт сезардим дунёни алҳол,
Зиндон бўлди умримга дамсоз:²
Уй ичимни, неки билдим соз,
Неки севдим, ёндим, куюндим —
Шу зиндонга барини кўмдим;
Мен-чун энди ҳеч ким расида³
Яшамас кун минтақасида,
Ер базмида ўлтирсам — сизгум,
Ўзимни ҳам ортиқча сезгум:
Худди тиниқ кўкдаги булут,
Юксакликда бўлгунча унут
Макон этиб нурлар чойшабин
Ҳеч кераксиз балқиган каби...
Лек истардим: мен йироқларга
Боқсам бир-бир таниш тоғларга,
Қояларга суқли қарасам,
Ўрмонларга, осмонларга ҳам.

XIII

Барчасига назарим тушди:
Бари ҳануз муқим⁴ турмишди —
Асрларнинг ижоди — қорлар,
Куйида Алп, кўкаламзорлар,

¹ *Пой* — оёқ.

² *Дамсоз* — ҳамдам, сирдош.

³ *Расида* — етилган.

⁴ *Муқим* — доимий, турғун, собит.

Лимиллаган тубсиз кўллар, ё
Яшнаган гул қирғоқлар аро
Елиб-чопган Рона ўйини;
Кулоғимга қуяр куйини
Қояларга урилиб шўх сой,
Зилол сувда касб этиб чирой
Ярқирарди оқ-оппоқ булут,
Само ва сув ўртасида зуд
Елар қайиқ, елканли ана,
Шудгорлардан нари расмана,
Кўринса гоҳ қишлоқ қирғоқда,
Лип-лип ўтар шаҳар гоҳ-гоҳда...
Чинглинг орол илғадим алҳол,
Кўҳли, серсабз¹, аммоки орол
Битта эди мовий маконда;
Ўсарди уч дарахт, ҳар онда
Тоғ ҳавоси енгил эсарди,
Гул-ўтлоқлар узра кезарди,
Сувлари ҳам ўйноқи, шўх-шан,
Қирғоқларга назокат билан
Лаб босмишлар. Шу они кўрдим:
Қайиқ зиндон томонга юрди,
Деворимга тегиб-тегмайин,
Сўнг қирғоқда тўхтади майин,
Сўнг елканин елларга ёйиб
Йироқларда тез бўлди ғойиб;
Бургут ҳам чарх урар қуюндай,
Кўрмовдим мен то ҳануз бундай —
Шитобини — дарчам сари гоҳ,
Тушиб келар, кўкка баногоҳ²
Парвоз этар... Қолмайин бардош
Кўзларимдан яна оқди ёш,
Тагин кўксим қисди-ю алам
Ташландиқ гул, занжиримга ҳам
Раҳмим келди... Қоп-қора зиндон
Оғушига қайта кирган он —

¹ *Серсабз* — кўм-кўк.

² *Баногоҳ* — дафъатан, кутилмаганда.

Сездим: мени гүёки тобут
Ўз бағриға олмишди собит;
Боз гүёки қошимда маним
Жоним укам, меҳри гулшаним
Кўмилмишди қаро ер аро,
Тўймас, мотамсаро ер аро;
Унутай деб дард-азобларим
Қувайин деб изтиробларим
Зиндон ичра ўзимни отдим.

XIV

Тонг уйғонди, тагин кун ботди,
Йиллар ўтди — мен эдим бефарқ,
Ерда не ҳол — айламакка шарҳ
Ожиз эди бу тўзган хотир
Ва одамлар келишди охир
Мен шўрликка эрк бермоқ учун.
Нега энди? Не сабаб, нечун —
Буни ўйлаб юрмадим бекор,
Кўпдан шундай қаноатим бор:
Занжирдамен ёки озодмен;
Одамларга қилмай илтифот
Фулни лоқайд ечдиму, ҳайҳот,
Иссиққина бошпанасимон
Кўзларимга кўринди зиндон!..
Унда бари ҳамхона, ҳамдам:
Рўбарўмда ўргимчак ҳар дам
Тўқир эди осойишта тўр.
Чопқир сичқон ой сочганда нур
Ёнгинамдан соларди йўлин,
Мен занжирга ўргатдим қўлим;
О... қанчалар субутсиз инсон!..
Эркинликка қадам қўйган он,
Зиндонимни эслаб қолдим-да
Бир хўрсиниқ чиқди қалбимдан.

ДРАМАТИК ДОСТОН

(*Рауф Парфи таржимаси*)

МАНФРЕД

Горацио, дунёда кўп ҳоллар борким,
Кирмагандир тушда ҳам фалсафангизга.

ШЕКСПИР

Қатнашувчилар:

Манфред	Алп париси
Кийик овчиси	Аҳриман
Сен-Морис аббати	Немезида
Монуил	Фаришталар
Герман	Руҳлар ва бошқалар

Воқеалар юқори Алда, қисман Манфред қалъасида, қисман тоғларда кечади.

БИРИНЧИ АКТ

БИРИНЧИ САҲНА

Манфред ёлғиз. Готик айвон. Ярим тун.

М а н ф р е д

Ҳолбуки; чироққа мен ёғ қуярман —
Бедор бу кечамга қилмас кифоят.
Ўзни унутарман — уйқу эмас бу —
Сўнгсиз хаёлимнинг давоми бўлур.
Мен унинг қошида ожизман яна,
Юрагим ичида уйқусиз посбон.

Гарчи мен зоҳиран¹ инсон зурёди —
Унинг назаридан қочиб бўлмас жон.
Кулфат доноларнинг маҳри азалий —
Ҳасрат — ақлларнинг калити эрур,
Ким қанча кўп билгай, ҳақиқат билан
Теран яраланур ўзгадан кўпроқ.
У билгай: Тушунча Дарахти зинҳор
Тириклик Дарахти бўла олмайди.
Илмлар, фалсафа, ҳайрат махзанин²,
Дунёвий ҳикматни ўргандим буткул.
Мендаги фаросат ҳукмфармодир³ —
Ким, кулнинг устидан хўжа бесамар,
Яхшилик кутмак ҳам аҳли башардан
Яхшилик қилмак ҳам одамлар учун
Ўшандоқ бесамар экани аён.
Шаксиз, душманларим бор эди, бироқ
Мен мағлуб бўлмадим, кўпини енгдим.
Яхши-ю ёмонлик ҳаётнинг тарзи
Ўзгалар ўтказган ҳар неки бордир,
Қумга сингиб кетган ёмғир сингари
Йўқолиб кетдилар номаълум замон.
Руҳимга ваҳима даҳшат сололмас,
Лекин таниш — лаънат, ваҳим, йўқотув,
Истак, умидларнинг мавҳум титроғи,
Сирли муҳаббатнинг йўқолган ҳисси.
Бас энди. Қани сиз — эй Сирли Кучлар,
Сиз чексиз борлиқнинг ҳукмронлари,
Замин теграсида чексизлик аро
Инжа айлангувчи — қўл етмас зирва⁴,
Ернинг, уммонларнинг теран гирдоби,
Менга ҳуқуқ берган илоҳ ёзмиши,
Топининг! Чорлайман! Ёнимга келинг!

¹ *Зоҳиран* — бу ерда: кўринишда, шаклан.

² *Махзан* — хазина.

³ *Ҳукмфармо* — ҳукмини ўтказувчи.

⁴ *Зирва* — баландлик.

Сукут

Йўқ улар! Орада Бирубор¹ исми
Титратсин сизларни ва ушбу тумор;
Абаднинг ул вожиб фармони ила
Келинг, ҳузуримга. Келинг, чорлайман!
Қани, ҳузуримда ҳозир бўлингиз!

Сукут

Улар йўқ! Самою ва қаър руҳлари!
Қочиб мендан, қочиб қутулолмассиз!
Муқтадир² эҳтирос, соҳир³ истибдод,
Лаънати юлдузда топган таваллуд,
Юз тубан оламдан чарс учган парча
Тамуғда⁴ тентиган дунё номидан;
Қисмат, юрагимни эзган лаънатлар,
Ўзим ва тегранинг фаросати-ла
Мен буйруқ қилурман: Қани, келингиз!

*Само растасининг қоронғи бурчида юлдуз пайдо бўлади. У
қотиб туради.*

Қушиқ эшитилади.

Б и р и н ч и р у х

Даъватингни тинглаб, эй банда,
Зулмат бунёд этган маскандан,
Булутларнинг бағридан келдим,
Офтобнинг чўғ қаъридан келдим.
Унда саройимни безаб турадир
Мовийликка омухта ол⁵ нур.
Афсунларинг эрса-да гуноҳ
Юлдузнинг шаън нурида бу чоқ
Фалаклардан келмишман сенга,
Банда, недир фармонинг менга?

¹ Бирубор — Худо.

² Муқтадир — қудратли.

³ Соҳир — сеҳргар, жодугар.

⁴ Тамуғ — дузах.

⁵ Ол — қизил.

И к к и н ч и р у ҳ о в о з и

Монблан — тоғлар шоҳи! Неча бир замон
У силсила устидан ҳоким.
Қоялар тахтида булутдан чакмон
Ва бошида оқ қордан тожи.
Дарахтзорга ўралмишдир қомати
Қўлларида кўчкилар ҳозир.
Бироқ қоқмай туриб чақмоқ қанотин
Фармонимни кутар мунтазир.
Муз қотган тоғлар-да асрлар бўйи
Қияликдан судралар, баъзан,
Ҳаракат бахш этгум ёки шу куйи
Тўхтатурмен истаган замон.
Тоғларнинг руҳиман, ёйма тўгарак,
Ўркак тоғлар, тоғларнинг қаъри
Барин юрагига солгайман титрак,
Не истайсан мендан, неларни?

У ч и н ч и р у ҳ о в о з и

Тўлқинлари мавжин урмаган,
Сувлар ости, мовий қаъра,
Шамолларнинг юзин кўрмаган,
Крокена яшаган ерда,
Юардилар сув парилари
Зангор зулфга чиғаноқ осиб.
Шу палла Тоғ-бўрон сингари
Келди жозиб овозинг босиб.
Урилди лаъл қасримга алҳол,
Гўё тўлқин мавжлари чил-чил,
Истакларинг майлини дарҳол
Менга — Уммон Руҳига очгил.

Т ў р т и н ч и р у ҳ

Лаваларнинг бағрида
Ухлаб ётар вулқонлар.
Небит кўлин юзаси —
Кўпирар, қайнар қонлар —

Анд томири дунёнинг
Кўксига чирмашган ер.
Чўққилари юксакка
Самога тирмашган ер...
Менинг туғилган ерим.
Даъватингни эшитдим,
Ироданга қулдирман,
Жозибангга бош эгдим!

Бешинчи руҳ

Шамол — чавандозман, фармоним
Жиловинда тўфон шиддати,
Чақмоқлардан оташда жони —
Довулни-да энди тарк этдим.
Муҳит узра чопмоқда довул,
Даъватингга сенинг чопадир;
Сокин юзар сокин, бироқ ул
Тонг отмасдан сувга чўкадир.

Олтинчи руҳ

Ярим тун зулмати — масканим магар,
Нур ила қийнайсан нечун, афсунгар?

Еттинчи руҳ

Юлдузинг қисмати менинг қўлимда,
Азалдан ҳукмимга сомё¹ йўлимда.
Офтоб атрофида, ул бўшлиқ аро
Сузарди мусаффо, ғаройиб дунё.
Оширмиш ул ўзи суръатин пинҳон,
Унингдек бир гўзал йўқди ҳеч қачон.
Энди ул учадир адамга² қараб
Шаклсиз соққадек ёниб, ловуллаб...
Кувғинди сайёра, чақмоқ асабий
Гўёки жаҳаннам қаргиши каби,

¹ *Сомё* — эшитувчи, тингловчи.

² *Адам* — йўқлик.

Тугма кудрати-ла яна шайланар,
Ортиқ меҳваридан¹ айру айланар,
Само махлуқидир, хунук нақадар
Фалакда ялтираб кўринган ахгар².
Сен эрса! Фарзандсен, унга қулбачча,
Шўрлик, эй жанобим — Сен бир чувалчанг.
Кудратинг (ҳолбуки, сенга берилган,
Меники бўлиш-чун) қувватинг билан
Бир онга тўнкардинг — аянч оломон
Вайсақи руҳларнинг ёнида бу он
Турибман уларга тенг бўлиб энди.
Менга не буюргайсан, Хок фарзанди?

Е т т о в л о н

Тун, денгиз, ҳаво, ер, шамол, тоғ, юлдуз,
Барча — бизим. Хок фарзанди сўз сандан,
Бош эгиб ёнингга Руҳлар — келдик биз,
Сен, налар истайсан? Айт бизга, банда!

М а н ф р е д

Унутмак.

Б и р и н ч и р у ҳ

Нимани? Кимни? Не учун?

М а н ф р е д

Дилдаги нарсамни! Билинг ўзингиз.
Биласиз, айтмакка менда йўқ мажол.

Р у ҳ

Неки ҳукмимизда — бергаймиз фақат.
Тахт сўра, фуқаро, салтанат сўра.
Дунёнинг устидан — бутун ё, қисман,

¹ *Меҳвар* — ўқ, айланиш маркази.

² *Ахгар* — учқун.

Офатигардон¹ белгисин ёхуд. Биз
Бирликда ё айрим — ҳукмдорликка
Тайёрмиз.

М а н ф р е д

Унутмак... ўзни унутмак.
Ёки сиз мурувват қилган маъвода,
Сирли салтанатда топилмасми у?

Р у ҳ

У борлиқ — хоссамиз, таъбимизда йўқ.
Лекин... сен бандасан.

М а н ф р е д

Ўлим бергайми?

Р у ҳ

Биз — Абад. Ҳаққимиз йўқ унутмакка.
Биз — мангулик. Бизлар учун мозий² ҳам,
Келажак ҳам — Ҳозирда. Англадингми?

М а н ф р е д

Кулманг! Кароматим ҳукмига лекин
Пойимда бош эгдингиз! Куллар! Етар!
Руҳим, даҳом — Прометей учқуни,
Хилқат машғаласи қўлимда порлоқ,
Кескир ва қудратли сиздаги каби,
Бандидир фанога — бироқ тан бермас
Сизга. Жавоб беринг. Йўқса, кўурсиз.

Р у ҳ

Бизнинг жавобимиз — жавобингдадир.
Керак гапни ўзинг айтдинг.

¹ *Офатигардон* — бало-офатларни қайтарувчи.

² *Мозий* — ўтмиш, тарих.

М а н ф р е д

Не дедим?

Р у ҳ

Айтдинг — табиатинг бирдир биз билан,
Лекин банда, ўлим аталгувчи ҳол
Бизга ҳеч нарсадир — жавобимиз шу.

М а н ф р е д

Бекор чақирибман сизни фалакдан.
Шунчалар ожизсиз, истамайсиз ё?

Р у ҳ

Неки ҳукмимизда, буюр, сеники!
Бу ердан кетмасдан тила тилагинг.
Сўра тахт, салтанат, куч, узоқ умр.

М а н ф р е д

Лаънат! Узоқ умр менга не керак.
Шундай ҳам узоқдир! Йўқолинг!

Р у ҳ

Шошма!

Ҳозирча шундамиз, хизматга тайёр.
Ўйла, истагинг ўрнини босувчи бирор
Инъом бормидир!

М а н ф р е д

Йўқ! Лекин бир он,
Ҳозир юзингизни кўрмоқ истайман.
Сасингиз — мулойим ва ғамгин оҳанг,
Ўхшайди мавжларнинг мусиқасига.
Бемалол ва ёруғ юлдуздан ўзга
Ҳеч бало кўринмас. Кўрининг, баринг
Ё биринг одатий қиёфангизда.

Р у ҳ

Бизларда ҳаёту ва унга асос
Аносир арбаъдан¹ — ғайри юз йўқдир.
Лекин сен танлагил, ҳозир бўлурмиз.

М а н ф р е д

Не танлай! Дунёда мен учун ахир,
Чиройлик ё манфур қиёфатлар йўқ.
Майли, ичингизда энг қудратлингиз
Ул ўзи истаган шаклда келсин.

Е т т и н ч и р у ҳ

(ғузал аёл қиёфасида пайдо бўлади)

Қара!

М а н ф р е д

Ё Раб! Агар шундайин... сен ҳам
Алаҳсираш, масхара эмас... наҳот —
Ки, хушбахт бўлурман! Кучаман сени.
Қайта биз дийдор...

Шарпа йўқолади.

Қалбим оҳ, чилпарчин!

(ҳушсиз йиқилади)

А ф с у н а й т и б к у й л а ё т г а н о в о з

Мавжлар аро ой чиққан палла,
Майсаларда йилт этар шуъла,
Ботқоқларга жавоб сингари
Мозорларнинг хира нурлари.

¹ *Аносири арбаъ* — борлиқнинг асосини ташкил қилган тўрт унсур: сув, ҳаво, олов, тупроқ.

Самовотдан юлдуз қулади,
Намозшомгул сочин юлади.
Зулмат сукут ташлаган замон,
Қорайганда танҳо, тоқ ўрмон
Бошинг узра қанот ургайман,
Хукми жоду янглиғ тургайман.

Уйқунг қанча қаттиқ бўлмасин
Лек паймонанг асло тўлмасин;
Рўёларни қува олмассан,
Шубҳаларни юва олмассан.
Тақдир илоҳ хукмига боғлиқ,
Ўзингни эмассан ортиқ,
Кафанинга ўралган мисол
Булутларга бурканиб алҳол,
Сеҳрим билан яшарсан мангу,
Қийналурсан, фармонимдир шу.

Кўринмасдан ўтиб кетсанг ҳам
Сенинг қалбинг ҳис этар шу дам,
Амирона бир сир хабарин,
Бор ва ўтган кунларнинг барин.
Қора даҳшат қуршовида сен
Ўтмишга кўз ташлайсан секин,
Лол қолурсан! Топмассан мани,
Кун ўртаси қўлага каби.
Хаёлимнинг барқарор зулми
Юрагингга кирар сир бўлиб.
Афсунларга тўла тўрт томон,
Қарғишларга кўмар бегумон.
Самовий руҳ қоқарак довул,
Тўрларини ташлайди буткул.
Ёқа йиртиб шамол йиғлайди,
Юрагингга шодлик қўймайди.
Ул самовий ҳаловатни тун
Сенга раво кўрмагай бутун.
Кундуз шундай порлар ёнурсан,
Зулумотни қўмсаб қолурсан.

Ўзим берган ашки риё у —
Зардобидан олурман оғу,
Юрагингнинг олов сочари
Қора қонинг қора очари,
Лабларингда ушланур шу он
Табассумга ўралган илон.
Лабларингдан учган сўз фақат,
Заҳарлардан бадтар заҳр албат,
Оғуларни синадим, бироқ
Сенинг заҳринг тенгсиздир мутлоқ!

Сенинг музга эврилган жонинг,
Илон кулгунг, бутун ёлғонинг,
Эзгу бенгзар¹ нур тўла кўзинг,
Ниҳон мунофиқлик-ла ўзинг
Инсонликнинг хешиман² дерсан,
Бу ишларнинг пешиман³ дерсан.
Кулфатларга заҳри ханданг фош
Сен Каинга⁴ уруғ, қариндош.
Буюраман! Сеҳрим-ла сўнг қур,
Ўз дўзахинг ўзинг олиб юр!
Бошинг узра тўкурман жоминг,
Қисматингнинг қуръаси — коминг.
Уйқу йўқ-ку, ажал йўқ, фақат,
Мана, ўлим ҳукм этар қисмат,
Уни сезиб чорлайсан, бироқ
Сўнгагингни сирқитар титроқ.
Мана, жоду қилиндинг-ку сен,
Тузоғимга илиндинг-ку сен,
Ортиқ сеҳрим билан юурсан,
Сингиб кетдим! Ортиқ чиурсан.

¹ *Бенгзамоқ* — ўхшамоқ.

² *Хеш* — қариндош-уруғ.

³ *Пеш* — олд.

⁴ *Каин* — Одам Атонинг илк фарзандларидан бири Қобил, иккинчиси Ҳобил.

ИККИНЧИ САХНА

Юнгфрау тоғи. Тонг. Манфред қоялар орасида ёлғиз.

М а н ф р е д

Мен чорлаган руҳлар бўлдилар гойиб,
Ромил жодуларим алдамиш мени.
Қийнамишдир ортиқ малҳаму дармон.
Йўқ, мен самовотдан кўмак кутмасман, —
Ҳукми вожиб эрмас мозийга! Ҳозир
Зулмат ўз қаърига олмаса уни,
Келажак на даркор!.. О, онам, Ерим!
О, сен Ёш кун! Тоғлар бунчалар нечун
Гўзалсиз! Сева олмайман сизни!
Сен эса фалакнинг шаъшаъали¹ Кўзи
Ҳарнага баробар очиқ ва ором —
Менинг юрагимни ёритолмассан,
Сиз, эй ўрқачида мен турган тоғлар,
Кўзимга кўринур оқим ёқаси:
Унда саф тортмишлар бўйдор сарвлар,
Жарлик, теранликдан айланадир бош.
Қодирди уларнинг метин бағрида
Бир одим, бир сапчиш, бир нафас ҳатто
Сийнамни абадий тинчлантирмакка...
Нега пайсаллайман? Сезиб турибман
Руҳимда туғенин, қилт этмам лекин,
Хавф-хатар аёндир, чекинмам бироқ.
Кўзим тинар, лекин оёғим маҳкам.
Қандайдир бир қудрат ушлаб турадир,
Ҳукм этар яшашга мени — шафқатсиз.
Ҳа! Ҳаёт шу бўлса яширса агар
Бепушт руҳ, қалбимни сагана агар
Кўпдандир ўзимни оқламайман-ку
Чекланган ёвузлик ожизлиги бу.
Эй, сен булут кесган қанотли элчи.

¹ *Шаъшаъа* — қуёш шуъласи; нур, порлоқлик.

(бургут учиб ўтади)

Ҳарнадан юксакда хушбахт парвозинг,
Устимга шўнғисанг — ўлжа бўлурдим,
Мен таом бўлурдим бургутчаларга...
Учди у. Кўз етмас жойларга учди.
Юксакни, тубанни, олисни қамрар
Ўткир кўзлари-ла! Нақадар гўзал
Менинг-да кўзимда уринган дунё.
Қандай улуғвор у аслан ва шаклан!
Биз эса — дунёнинг шоҳлари, яъни,
Илоҳ ва тупроқнинг қоришмалари,
На учмак, на йитмак бахтидан маҳрум,
Икки юз таъбимиз селига нифоқ
Соларак ҳарислик талотумида.
Кибру шармандалик нафасин ютиб,
Яшаймиз то Ажал олгунча бизни,
На ўз-ўзимизга, на-да бировга
Айтмас нарсага айлангунча то.
О, най!

Йироқдан чўпон найининг овози келади.

Тоғ сурнайин содда мусиқи.
Чўбоний чўпчакмас падаршоҳий давр
Бу ерда. Найда эрк ҳавоси, пода
Қўнғироқчаларин инжа жаранги
Янграйдир, мен қалбим билан ичаман.
О, агар алҳоннинг¹ кўринмас руҳи,
Тирик уйғунликка, қўшиқ оҳига —
Бепушт саодатга эврилсам эдим —
Яшасам ва ўлсам, менга жон берган
Хушбахт замзаманинг огушларида!..

Пастда кийик овчиси кўринади.

¹ Алҳон — 1) ёқимли товуш; қуш сайраши; 2) куй, оҳанг, наво.

Хўш! Шу ёққа сапчиди кийик. Абжир.
Мени доғда қолдирди. Бу илвасин
Хавфли заҳматимга арзирми, қайдам.
Ким у? Менинг тенгим эмас афтидан,
Ҳар қандай тоғлиқ ҳам чиқмас у ерга
Башарти билағон овчи бўлмаса,
У яхши кийинган. Қиёфасидан
Озод бир кўйлига ўхшаб кетадир,
Мардлиги, гурури кўриниб турар,
Яқинроқ борай-чи.

М а н ф р е д

(уни кўрмасдан)

Шундайин бўлмоқ
Ҳасратдан сочлар оқ, қайинлар мисол,
Куюнлар ўлжаси шохсиз, бутоқсиз,
Лаънати илдизда чирик танадек
Ич-ичдан чиришни ҳис қилмоқ фақат.
Ва шундай яшамак, бир умр эслаб
Аввал бошқа эканинг! Йиллар эмас,
Онлар эзиб, ҳайдаб ўтган ажинлар,
Соатлар эмас. Бир соатда — асрий азобни
Яшаб кўйдим. Ваҳший муз хирмонлари,
Шамоллар зарбидан қор тоғлар каби
Йиқилган кўчкилар. Босинг, ўлдилинг.
Эшитиб турибман қаърда, фалакда
Бетин чақиялган чақмоғингизни!
Четлаб ўтмакдасиз бироқ сиз мени.
Сиз маҳв¹ этажаксиз ҳар неки бордир —
Ҳаётга ташнадир, ёш ўрмон, кулба,
Безарар деҳқонлар хонумонини².

¹ Маҳв — йўқолиш, йўқотиш.

² Хонумон — уй-жой.

О в ч и

Водийлардан тун оқиб чиқмакдадир.
Унга айтай, пастга тушсин, йўқса у
Йўлини йўқотар, ҳаётини ҳам.

М а н ф р е д

Музликлар устига тўшалмакда тун.
Заъфарон булутлар кўпирар пастда
Жаҳаннам уммонин кўпиги каби.
Долгалар урилар, зоғлар синғари
Гуноҳларга тўлган тирик қирғоққа...
Ёмон ҳис қиляпман ўзимни.

О в ч и

Аста

Шарпасиз боришим керак! Акс ҳолда
Қадам товушидан кўрқиб кетадир.
Шундоқ ҳам чайқалиб турибди.

М а н ф р е д

Тоғлар

Қулади. Булутлар қатламин тешиб,
Титратиб самовий сингилларини
Тўлдириб водийни метинлар билан.
Бир зарб-ла оқимни бузди. Сувларни
Туманга эвирди ва булоқларни
Ўзанлар қазмакка ҳукм этди ўзга.
Шундай қилган қария Россберг. Нечун
Мен турмадим тоғ пойида!

О в ч и

Биродар!

Эҳтиёт бўлингиз. Ўлим — бир қадам.
Яратганга ялинаман, четланинг.

М а н ф р е д

(уни эшитмасдан)

Яхши бўлур эди менга бир қабр,
Ётарди сўнгагим тупроқда сокин.
Шамолга овунчоқ қоялар ичра
Сочилиб кетмасдим. Энди-чи, энди,
Қачон ташланаман! Алвидо, осмон!
Бундай таъна билан боқма, сен ахир
Меники эмассан. Ол, хоким, Замин:

Манфред қоядан сакрамоқчи бўлади. Овчи бирдан унга ёпишиб ушлаб қолади.

О в ч и

Тўхта, телба! Яшагинг келмаса гар
Тоза тоғини булғама ҳаром қонинг-ла,
Мен билан юр! Қўйиб юбормам сени.

М а н ф р е д

Қалбим тўла ҳасрат... Ушлама мени...
Ортиқ мадорим йўқ... Айланар тоғлар
Урчуқ каби... кўз олдим қора... Кимсан?

О в ч и

Сўнг айтаман. Мен билан юргин ҳозир,
Қуюқлашур булут. Бу ёнга. Ушла.
Оёғинг қўй бунга. Ма, таёқни ол.
Бутоққа ёпиш: энди қўлингни бер
Белимдан ушлагин, секинроқ, шундай,
Кулбага етамиз бир соатларда.
Олға! Ишончли жой топамиз ҳозир,
Ҳам қишда ювилиб кетган сўқмоқни.
Бу ёққа, ҳа шундай, тузук, чаққонсан!
Овчи бўла олардинг. Юр ортимдан.

Улар машаққат билан қоялардан тушарканлар, парда ёпилади.

ИККИНЧИ АКТ

БИРИНЧИ САХНА

Бери Алтларидаги кулба. Манфред ва кийик овчиси.

О в ч и

Йўқ, йўқ, шошилмагил, кетишга эрта:
Руҳ ва танинг бўш! Зарур уларнинг
Бир-бирига инонмаслиги! Шошма,
Ўзингга келганда кузатгум ўзим.
Қайга борурсан?

М а н ф р е д

Барибир эмасми?
Бошловчи керакмас. Йўлни билурман!

О в ч и

Қиёфатинг айтар асилзодасан:
Қалъалари қоялардан водийга
Эгик, князь авлоди. Сеники қайси?
Мен шифтларни билурман фақат. Умрим
Тез-тез олиб тушмас вассаллар билан
Кўҳна заллардаги чўнг ўчоқ узра
Исинмакка. Бироқ болалигимдан
Таниш, қалъаларга элтар ҳар сўқмоқ,
Айт, сеники қайси?

М а н ф р е д

Аҳамиятсиз.

О в ч и

Шундай, саволимни афв этинг, жаноб,
Ғашлик нечун, тотиб кўринг шаробдан;
Эски шароб. Музликларда иситган
Томиримни неча бор. Энди сени
Иситади ул. Сенинг соғлигингга!

М а н ф е р д

Бас, етар! Күзанинг гардишида қон!..
Наҳот замин сүриб тугатолмаса?

О в ч и

Бу не демак? Идрокинг лойқаланмиш.

М а н ф р е д

Қон... қоним менинг! Қайноқ порлоқ булоқ —
Падар томирида, бизда қайнаган,
Ёшлик у пайтларим, қалбда ягона
Мамнуъ¹ муҳаббатим ўсган маъвода,
Лекин тўкилмишдир, қайта кўринур,
Туманни қонатиб, осмонни тўсмиш,
Гар сен йўқ маконда — мен йўқман мангу.

О в ч и

Алаҳсираш. Тўлдирмиш борлиқни
Босирқи туш каби гуноҳ сўзларинг.
Бироқ ғамларингга бордир тасалло:
Сендан авлиёга тоат, қаноат.

М а н ф р е д

Қаноат, қаноат! Бу сўзлар юккаш
Эшакка хос, йиртқич қушларга эмас.
Уни ўз наслингга ташвиқ қила қол.
Мен — бошқа одам!

О в ч и

Яратганга шукр!
Сен-ла алишмаган бўлардим ҳатто
Вильгельм Тель шону шавкатин ўзим.
Кулфатга бардош бер. Туғён беҳуда.

¹ *Мамнуъ* — ман этилган.

М а н ф р е д

Бардош бермадимми? Қара, ҳаётман.

О в ч и

Йўқ, бу талвасадир, ҳаёт эмас — бу.

М а н ф р е д

Қулоқ сол! Мен, ахир, узоқ яшадим.
Қўп яшадим лекин келажак учун
Ғариб ҳисобдир бу... аср... асрлар.
Коинот... мангулик ва собит идрок
Ҳамда етиб бўлмас ўлим чанқоғи!

О в ч и

Нечук? Пешонангга энди балоғат
Муҳри босилмиш. Мен кексаман анча.

М а н ф р е д

Ўйлайсанки, ҳаёт йилларга боғлиқ?
Ҳа, амаллар ичидадир даврлар.
Менинг-чи амалим кундуз, тунимга
Мангулик, тинчсизлик, меъёр бермишдир;
Ёввойи тўлқиндек ҳарис саҳрода,
Соҳил қумлоғида ётган зарралар,
Соҳилга сочилган парчин сўнгаклар,
Аччиқ сув ўтлари, зоғлар сингари.

О в ч и

У — телба! Қандай қилиб олиб қолсам?

М а н ф р е д

Қани энди телба бўлсам. Бу барча
Кўрганларим алаҳсираш бўлурди.

О в ч и

Хўш, не кўрдинг, не кўрдим деб ўйлайсан.

М а н ф р е д

Ўзимни; сени-да алплик деҳқон,
Сенинг бошпанангни, камтарлигингни,
Маҳкам, озод, мўмин, мағрур имонинг,
Пок хаёл меваси — ўзинга иззат,
Қаттиқ уйқунг, ёруғ кунинг, хавфлар-ла
Тозаланмиш заҳматинг, кексаликнинг
Равшан умиди, тошлавҳа ўрнига
Авлодлар меҳри — яшил дўнглик узра
Салибу¹ гулчамбар, қабр сукути.
Мен шуларни кўриб турибман, зотан
Ўзимга боқурман... Ахир, барибир...
Руҳим аллақачон чириб битмишдир!

О в ч и

Алишар эдингми мен-ла қисматинг?

М а н ф р е д

Йўқ, дўстим, на сен-ла, на бошқа билан,
Ёмонлик тилайми? Мен кўра туриб,
Сабр қилганим, аламли бардошим
Бировнинг тушига кирса мабодо
Уйқусида ўлар.

О в ч и

Лекин қандай сен
Ўзгаларга шунча сезги ва меҳр
Иршод² этган инсон — гуноҳга ботдинг?
Йўқ, гапирма. Наҳот, олижаноб Ақл
Қасос олса ғанимларидан?

¹ Салиб — хоч, насронийлар бути.

² Иршод — тўғри йўл кўрсатиш, раҳнамолик қилиш.

М а н ф р е д

Йўқ, йўқ!

Мени севганларга зарар келтирдим,
Кимни севган бўлсам — ундан-да ортиқ.
Ўзимни ҳимоя қилиб маҳв этдим
Душманларимни. Мен ўлдирдим кўпроқ
Оғушимга олиб!

О в ч и

Тангрининг ўзи
Сени ёрлақасин. Тавба қил, тавба!
Сенинг учун ибодат қилай.

М а н ф р е д

Керакмас
Пушаймонга бардош берурман. Кетдим.
Хайр энди. Мана, тиллалар, раҳмат.
Жим тур, бу сенинг ўз ҳаққинг! Кузатма.
Мен йўлни билурман. Тоғ ваҳми кечди.
Такрор айтаманки, кузатма мени.

Манфред кетади.

ИККИНЧИ САҲНА

Алда кичик водий. Шаршара. Манфред.

М а н ф р е д

Пешин бўлгунча йўқ. Камалак ёйи
Оқимда эгмишдир осмон рангларин
Қуйилган кумушнинг оппоқ устун
Юксак-юксаклардан қуюлар ажиб.
Ҳавойи ҳубобнинг¹ мавжин ҳар томон

¹ Ҳубоб — кўпик.

Думи-ла сачратиб учяпман оқ от —
Гүё Апокалипсис башорат қилган
Ўлимнинг ҳайбатли тулпори янглиғ.
Кўзимга гўзаллик ютаман ёлғиз.
Ёлғиз мен бу ерда бўлмоғим даркор,
Бу ширин гўшанинг руҳи билан мен
Баҳам кўрмоғимиз керакдир албат
Ҳайқирган шаршара сомеълигини.
Уни ҳузуримга чорлайман яна.

*Манфред дуо ўқиб, кафтларига сув олиб чапилатади,
ҳаволарга сочади. Бир он ўтгач, шаршара камалаклари орасидан
Алп париси кўринади.*

Гўзал руҳ! Нурафшон сочларинг сенинг,
Шаҳло кўзларингнинг ёрқин нигоҳи;
Шундайин илоҳий ярқирар, шаффоф
Бўшлиқда аёлнинг ерлик жамоли.
(Мисли уйқудаги гўдак ёноғи —
Аллалаб ухлатган волида¹ қалби,
Эрта куз палласи очилган чечак,
Музликларнинг бокира қори, осмон
Бўсасидан ернинг уяти каби.)
Осмоний оразинг² бошинг устида
Осилган камалак рангин ўчиргай.
Гўзал руҳ! Манглайда акс этмиш ёруғ
Абадият аён қилган юрагинг
Номасин ўқийман, уни ёзмишсен
Заминнинг ўғлига — сирли кучлар гоҳ
Унга бағишлагай шундай мулоқот.
Унинг афсунига қулоқ бергайсан —
Ки, сени чорлашга, кўришга журъат
Этгани учун.

¹ Волида — она

² Ораз — юз, чеҳра.

П а р и

Танийман Ер ўғли!
Билурман, ҳокимлик сенга бахш этмиш
Қучларни; сен кўп ўйладинг яхшилиқ,
Ёмонлик яратдинг меъёр билмайин,
Ҳукм этдинг ва маҳқум бўлдинг азобга...
Мен шуни кутгандим. Нима истайсан?

М а н ф р е д

Сенинг латофатинг кўриш муродим.
Ҳушимдан айирмиш замин рухсори.
Унинг сирларидан изладим паноҳ,
Замин ҳакамларин инига кирдим,
Улар ёрдам бермади бироқ. Ортиқ
Уларнинг қўлида йўқ нарсани мен
Ахтариб юрмайман.

П а р и

Сўраганинг не?
Недирки ул ғойиб салтанатларнинг
Қодир фармонида йўқ эрмиш бўлсин?

М а н ф р е д

Хайрли иш. Такрорлаш нечун? Бекор.

П а р и

Лекин мен билмайман, гапир, сўзлаб бер.

М а н ф р е д

Менга азоб бўлур сўзламак — майли,
Аламимни тўкмагим зарур. Рухим
Ёшлиқдан одамлар қалбига ётдир.
Улар назари-ла боқмадим Ерга,
Менга ёт ҳамият, шуҳратга ўчлик,
Ҳаёт мақсудлари ёт эди менга,

Уларга ёт эди бироқ менинг-да
Кулфатим, шодлигим, эҳтирос, кучим.
Зоҳиран уларга ўхшасам-да мен
Ул тирик гўштларга йўқ эди меҳрим.
Ва лекин фанонинг бутун яратмиш
Ижоди у?.. Бу ҳақда кейин. Хўш, шундай,
Одамлар, уларнинг ўй-хаёллари
Билан кам келишдим. Кўпроқ завқландим
Ёввойи саҳродан. Севдим муз қотган
Зирванинг ҳавосин тўйиб ичмакни
Урён¹ харсанг узра парвона учмас,
Қушлар-да ин қурмас жойларни севдим,
Севдим оқимларга қарши сузмакни,
Дарё шиддатининг тўлқинларида,
Денгиз мавжларида, умуман ёш куч
Тантана қилмоғи мумкин ҳар ерни.
Тунлар ой оғишин кузатар эдим,
Юлдузлар учинин, чақмоқ барқини²
Кўзларим тингунча ичмоқ истардим.
Ёки шамолларнинг тун қўшиғида
Кўрардим баргресон, тинглардим уни,
Шундай ўтказардим вақтимни, ёлғиз.
Лекин мен ўзимга монанд кимсани —
Манфур кимсаларни кўрганим замон, —
Уларга тенг бўлсам — мен-да хоклигим
Англардим нақадар пасткаш эканим.
У пайтлар тентирдим сарсон-саргардон,
Ўлим ғорларига кириб кетардим.
Ўлим юмушларин сабабин излаб
Лошлару бошларнинг сўнгақларидан
Мамну хулосалар олиб чиқардим.
Тунларимни ўтмиш кунларнинг сирли
Фунуни-ла³ ўтказардим. Машаққат
Билан, бўшлиқ узра соҳиблик берган
Даҳшатли озитқи жозиба аро

¹ Урён — яланғоч.

² Барқ — яшин, чақин.

³ Фунун — фанлар, билимлар, санъатлар.

Чексизлик банд этган замин у осмон
Рухларин устидан, кўзларимни мен
Кўниктириб олдим Абадиятга —
Афсунгар салафлар сингари ёхуд
(Яъни сени чақирганимдек ҳозир)
Гадар сувларидан Эроту ҳамда
Антэротни чорлаган кимса мисол.
Лекин билиш билан ўсарди яна
Билмакнинг чанқоғи, ҳокимлик ҳисси,
Ботин тасаввурнинг ёрқин шодлиги,
Лекин шу замон...

П а р и

Нима? Давом этгил.

М а н ф р е д

О, мен ҳикоямни бекор чўзмадим.
Майда тафсилотлар ила мақтаниб.
Етдим юрагимнинг сувайдосига¹.
Доим мулоқотда бўлган кимсалар,
На ота-онамни, на дўст, суюклим,
Ҳеч бирини тилга олмадим. Мендан
Бундай ҳислар бегона. Ва лекин бир...

П а р и

Кейин нима бўлди? Аяма ўзни.

М а н ф р е д

У менга ўхшарди, юзи, кўзлари,
Сочлари, ҳаттоки айтишларича
Овозин оҳанги фақат майинроқ —
Ҳуснига монанд. Бироқ тафаккурнинг
Яккашлиги борди унда ҳам. Ул ҳам

¹ *Сувайдо* — юракнинг ўртасидаги қора нуқта; мажозан: юракнинг ўртаси.

Мамнуъ билимларга ўч эди ғоят.
Дунёни қучмакка муқтадир ақл.
Менда йўқ тухфалар бор эди унда —
Табассум, ғамхорлик, шафқат, мен ёлғиз
Унга меҳр илтифот қилардим фақат.
Мутеълик руҳимдан мутлақ бегона.
Ёмонимиз бизнинг — ўртада эса
Яхшилигимиз бизнинг — ундадир танҳо.
Севиб ҳалок қилдим.

П а р и

Ўз қўлинг билан?!

М а н ф р е д

Йўқ, мен қалбим билан қалбин поралаб.
Қалбимга тикилиб сўлди. Қон тўкдим.
Бировнинг қонини — унинг қонини,
Унга қарайману тутолмам ўзим.

П а р и

Ўзинг нафратланган ўшал шевадан¹,
Сен ўзинг умтилган ўзиб кетмакка
Мавжудот ҳаққи, йўл топдинг биз томон.
Лекин рад қилурсан, ул юксак онгни,
Қўрқоқ ўлимликка ботурсан. Йўқол!

М а н ф р е д

Ҳаво қизи! Тушун, ул ондан буён...
Сўзлар нега керак? Тушларимга боқ.
Бедорлигим қўриқлаб ўлтир ёнимда!
Мен ўз хилватимда ёлғиз эмасман.
Малойикалар² ғиж-ғиж. Мен тонг қадар
Зулумот ичра қон қақшаб чикурман,

¹ *Шева* — одат, равиш, ҳунар.

² *Малойика* — малаклар, фаришталар.

Ўзимни қарғайман кундузлар эса.
Саодат сингари жунунликни¹ мен
Қўп марта сўрадим, ёлбордим — У йўқ.
Чорладим, ажални офат ичидан,
Мени ёнлаб, четлаб ўтди тўлқинлар.
Зиён келтирмайдир хавф-хатар. Бераҳм
Иблис қил устига келтирди, бироқ
Қил узилмади! Чеки йўқ тахайюл²,
Бағал руҳият (бир замон ижодда
Крез³ бўлмишдим) сари умтилардим.
У қайтган тўлқинлар шиддати каби
Тубсиз ўйларимни гирдобга отди.
Издихом ичига кирдим. Фароғат
Бўлмаган жойларни кездим. Тушундим.
Шунчалик машаққат эвази — илму
Сеҳргарлик санъатим бекор, бесамар.
Кишанга солмишдир сўнгсиз аламлар.
Мен энди яшайман — яшамак учун.

П а р и

Эҳтимол, эпларман. Ёрдам берайми?

М а н ф р е д

Ҳа, ҳа, ўлганларни тирилтмак фақат,
Ўликлар ёнига туширгил ёки.
Хоҳлаган пайтингда, қўлингдан келса,
Марҳамат, тайёрман, холос, тезроқ бўл,
Фақат тез тугасин буларнинг бари.

П а р и

Бу менинг ҳукмимда эмасдир! Бироқ
Мени тингламакка сўз берсанг, балким
Истагим йўлида ёрдам берурман.

¹ *Жунунлик* — телбалик, савдойилик.

² *Тахайюл* — ўй, хаёл, тасаввур.

³ *Крез* — ниҳоятда бой.

М а н ф р е д

Йўқ, мен сўз бермайман! Тингламак? Кимни?
Менга тобе руҳларними? Ўзимнинг
Қулларимга кул бўлмакми? Ҳеч қачон!

П а р и

Бу сўнги сўзингми? Уйлаб кўр яна,
Шошма, рад этмакка.

М а н ф р е д

Тамом вассалом!

П а р и

Бас, етар! Кетайми энди?

М а н ф р е д

Кетабер!

Пари кўздан йўқолади.

М а н ф р е д

(Ёлғиз)

Биз — масхарабозмиз замон, даҳшатнинг
Қошида. Кунлар бизни судраб ўтар.
Ҳаётни қарғаймиз, ўлимдан қўрқув,
Гарданда лаънати юқдир, асорат
Юракни қиймалар, ҳасратда ёқар
Ёки жанг қиладир талваса ичра.
Талваса — шодликда кунлар маҳв бўлур.
У кунлар — ўтган ва келажак кунлар.
(Ҳозирги кун йўқдир ҳаётда.) Шундай
Дамлар борким, кўнгил улар қошида
Муз сувнинг қошида тургандек титрар,

Гарчанд совуқлиги бир оний холос —
Ўлимни чорлайди! Ул афсунларим
Яна бир уриниб кўришга тайёр.
Марҳумларни чорлаб сўрасам! Надир
Ул биз кўрққан нарса? Не бўлмакликдир?
Беомон жавоб: «қабр» — ҳеч нарса эмас.
Жавоб бермасалар дафъатан? Бироқ
Эндорлик алвастига жавоб қилмиш
Пайғамбар, спарта шоҳига яна,
Бедорлик қисматин қилмиш башорат
У Византия қизининг руҳига,
Қотиллик эканин билмай ўлдирмиш
Севгилисини, афу этилмади.
Ҳолбуки, Зевс — паноҳкорига қақшаб
Қанча ёлбормасин, гуноҳин ювмак,
Ё қасос муддатин белгиламакка
Аркадий мардларин чақирди бекор.
Жавоб мавҳум эди, лекин юз берди:
Оҳ, мен туғилмаган бўлсайдим агар,
У гўзал, бахтиёр бўларди ва бахт
Бағишларди! Энди қайда? Кимдир у?
Гуноҳим учун у изтироб ютди —
У менинг ваҳимам, ёки ҳеч нарса!
Афсуним бесамар эрмас-ку лекин
Мени даҳшатларга солур жасорат.
Чўчимаган эдим шу пайтга қадар
Ёвуз ва хайрли руҳларни кўриб.
Энди қалтирайман вужудим музлаб.
Нафратни, инсоний даҳшатни бироқ
Енгишга қодирман. Тун босиб келар.

Кетади.

УЧИНЧИ САҲНА

Юнгфрау тоғининг чўққиси

Биринчи фаришта киради

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Юксалиб борар ой, тўгарак, норлоқ,
Банда зотин қадам изи тушмаган
Бокира қорликлар узра ҳар кеча
Юрамиз тўда-тўда! Ваҳший денгиз,
Музликларнинг кумуш кўзгуларида.
Маст туя сингари бўроннинг ёвуз
Кўпик сочган жазава — гирдоб янглиг
Қотган ўрликларда сирғаламиз биз
Бағрини булутга сарманзил — тутган
Касофат зилзила туққан ул унут
Кўрқинч, бехосият ушбу маконни.
Жинлар кўпдан чин дилдан севган —
Бунда ўтар бизнинг базму ишратлар.
Сингилларим кутмакдаман. Учгаймиз,
Бу кеча Аҳриман¹ саройида тўй.

О в о з

(саҳна ортидан)

Тахту бахти қўлдан кетган,
Ётар ҳукмдор.
Мисли қаттиқ безгак тутган
Унутилган, хор.
Лекин туш ва кишанларин
Узиб юбордим.
У бир аянч кишиларнинг
Устидан ҳоким.
Халқдан қувғин учун олур интиқом²,
Миннатим ҳаққидир фақат, фақат қон.

¹ *Аҳриман* — ёвузлик худоси.

² *Интиқом* — ўч, қасос.

Кема учар ўқ-ёй сингари
 Мавжли денгиз, кўк соҳил сари.
 Елканларин йиртдим басма-бас,
 Вайрон қилдим, барчаси абас,
 Қазосига аза очмакка
 Бир зот қолдирмадим эрмакка,
 Ёлғизгина қолди бир одам
 Сочдан судраб чиқардим сувдан,
 У ҳимматга арзигай, бироқ,
 Ерда сотқин, сувларда қароқ.
 Касофати, қилмиши ҳамон
 Ёдимдадир. Қолдирдим омон.

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

(жавобан)

Шаҳар ухлар майин, майин,
 Кўз очадир кейин, кейин
 Буза бошлар фарёд уйин
 Сассизгина кирди ўлат,
 Руҳсизгина турди ўлат,
 Оломонни қирди ўлат,
 Минг-минггини қиради ул,
 Элни яхши кўради ул,
 Қолганини кўради ул,
 Лекин ўлат дами ўткир,
 Илтифотга умид йўқдир,
 Ким қабрда — бахти бутдир,
 Сўқир кўзнинг бахти шуки
 Алам бирдан хун¹ ёш тўкиб
 Турмас, эзмас ҳасрат юки.
 Алам бирлан, дардлар бирлан,
 Халқ судралар ҳамдлар² бирлан.

¹ Хун — қон.

² Ҳамд — мақтов, таъриф.

Бу кечанинг касофати
Менинг меҳрим шарофати.
Унда менинг муҳрим бор албат,
Шундай қилдим, қилгайман абад.

Иккинчи ва учинчи фаришталар киради.

У ч о в л о н

Инсонлар юраги қўлларимизда,
Тобут узра йўлимиз, бироқ
Бизлар руҳ бергаймиз қулларимизга
Яна қайтиб олмакка тезроқ.

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Салом! Қани, Немезида?

И к к и н ч и ф а р и ш т а

Қандайдир
Муҳим ишлар-ла ушланиб қолибдир,
Билмадим. Мен ўзим бўшадим зўрға.

У ч и н ч и ф а р и ш т а

Мана, у келмоқда.

Немезида киради.

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Не учун букун
Сингиллар кечикди. Сен қайда эдинг?

Н е м е з и д а

Мен ушланиб қолдим: тахтларни тиклаб,
Аҳмоқларни уйлантириб кечикдим.
Қасос олиб бериб бир-бири учун,
Уларни надомат билан қийнадим.

Жазавага солдим донишмандларни.
Тентакларни ерга ҳукмрон қилдим.
Амрим эскиганга ўшар, бандалар
Фикр қилмоқда, тожларга чопмоқда.
Тақиқнинг меваси — Озодлик ҳақда
Вайсамоқдалар... Хўп, лекин вақт бўлди,
Қани учдик! Олға, булутлар томон!

Кетади.

ТҮРТИНЧИ САҲНА

*Аҳриманнинг қасри. Ловуллаган шар атрофида руҳлар.
Аҳриман тахтда.*

Р у ҳ л а р қ а с и д а с и

Ҳамду сано! Шоҳи замин ва осмон.
Булутлар, найсонлар¹ соҳиби ўзинг.
Табиат шўришин² тилсими сенсан
Талотум айлагай борлиқни сўзинг
Сасинг денгизларда кўтаргай бўрон
Булутлар чақмоққа айланар зумда.
Шуъласин — ранглари ўчар бегумон
Сен назар ташласанг қуёш кўзинда.
Қилт этсанг зилзила ваҳм сочадир
Қайнаган вулқондир босган изларинг.
Сенга сайёралар йўллар очадир
Қаҳрингдан кул бўлур шаън юлдузларинг.
Кўлаганг ўлатдир. Жанглар давомат
Қурбонлик келтирар, сен учун тортиқ,
Абадий азоби билан бу ҳаёт
Сенга тобе эрур — руҳлар ва Борлиқ.

Фаришталар ва Немезида киради.

¹ *Найсон* — баҳор ёмғири.

² *Шўриш* — фавфо, тўполон.

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Аҳриманга шараф! Унинг қудрати
Заминда барқарор бўлгай! Сингиллар
Унинг фармони ижро қилмишлар
Мен-да ўз бурчимни бажариб келдим.

И к к и н ч и ф а р и ш т а

Аҳриманга шараф! Биз одамзоднинг
Бошини ҳам қилиб келдик пойингга.

У ч и н ч и ф а р и ш т а

Аҳриманга шараф! Ишларимизни
Маъқуллашин кутамиз.

Н е м е з и д а

О, шаҳаншоҳ!
Биз сенингмиз, бизникидир — тириклик,
Бизникидир жонсиз мавжудот бари.
Ўссин яна ҳукмфармолигимиз
Сенинг-да ҳукмингга тилаймиз ривож.
Қайғурагимиз бедор ҳақингда. Сенинг
Топширигинг бажарилди шубҳасиз.

Манфред киради.

Р у ҳ

Ким у? Банда! Шўрлик ботир чувалчанг!
Йиқил юз тубан!

И к к и н ч и р у ҳ

У менга танишдир!
Ўз санъати ила қодир афсунгар!

У ч и н ч и р у ҳ

Йиқил юз тубан, қул! Кўрмаяпсанми
Бу ерда сенинг-да, бизнинг ҳукмдор,
Қалтира ва бўйсин!

Р у ҳ л а р

Сен ер фарзанди!
Тупроқ бўлмакликка маҳкумсан, бош эг,
Йўқса кулфат тушар бошингга сенинг.

М а н ф р е д

Билурман ва лекин кўриб турибсиз
Эгилмадим ҳеч.

Т ў р т и н ч и р у ҳ

Ўргатиб қўямиз.

М а н ф р е д

Кўп ўрганганман! Бошимга кул сочиб
Зах ерни кучоқлаб ўтган тунларим
Беҳисоб. Чуқур ҳис қилганман — таҳқир
Ҳақоратнинг бутун залварин, чунки
Шахсий аламимнинг қошида ҳақир
Тиз чўкканман.

Б е ш и н ч и р у ҳ

Аҳриман тахтининг
Пойида бутун Дунё қилган ишни
Қилмасликка сен журъат қиласанми?

М а н ф е р д

Аҳриманнинг ўзи йиқилсин, Тангри
Уни сажда учун пайдо қилмаган
Ҳукми Холиқ¹ чексизлик — яратганнинг
Ҳузурида. Унинг билан эгилгум.

Р у ҳ л а р

Нима? Топтаб ташланг бу чувалчангни
Нимталаб ташланг!

¹ Холиқ — Яратувчи, Худо.

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Чекил: У меники.
Ботин кучлар шаҳаншоҳи! Бу одам
Ўзгадир, унинг бутун қиёфаси
Ҳамда бунда ҳозирлигин исботи,
Азоблари мисли биз — умри жовид¹
Арвоҳларнинг азобидек. Фаросат
Иродаси ҳукми унинг шундайким,
Самовотнинг моҳиятин булғовчи
Бандаларнинг орасида камдан-кам
Топилгайдир. Бундай мумтоз, шаҳаншоҳ!
Етишди у тахайюлин ҳиссида
Бизга маълум ҳақиқатга: яъниким
Саодат йўқ оқилликда ҳамда фан
Бир аввалги мавҳумликни ўзга бир
Мавҳумлик-ла янгилашдир: Лекин бу
Бари эмас: Еру самога сомеъдир.
Ҳар бир нафас, қурт-қумурсқа жон қадар
Ҳукм қилар, эҳтирослар қалбини
Тешди унинг: Оқибатда у шундай
Ҳолга тушди ҳаттоки мен бешафқат —
Ким унга ачингай, авайлайман. У —
Менингдир, балким сенинг ҳам: ва лекин
Қалби билан бу руҳларнинг баридан
У юксақдир: иложсиздир ҳукмимиз.

Н е м е з и д а

Бўлмаса у нечун ташриф буюрмиш?

Б и р и н ч и ф а р и ш т а

Ўзи жавоб берсин.

М а н ф р е д

Сизлар ҳам бироқ
Мен билган нарсани билурсиз фақат,

¹ *Умр жовид* — абадий умр, мангу ҳаёт.

Қудратим бўлмаса киролмас эдим,
Бу ерда кучлироқ қудрат бор аммо,
Ундан мен ўзимнинг изланишларим
Учун келгандирман жавоб ахтариб...

Не мезида

Хўш, нима истайсан?

Манфред

Сен ожиз, бу иш
Қўлингдан келмайди. Буюр, мархумлар
Ҳозир бўлсин: сўрагайман улардан.

Не мезида

Шоҳ Аҳриман! Қилурсенми мурувват
Одамзоднинг истагига?

Аҳриман

Ҳа. Буюр.

Не мезида

Сен кимни чорлатмак истайсан гўрдан.

Манфред

У гўрдан эмасдир: Астарта келсин.

Не мезида

Рухмисан ёким арвоҳ,
Ким бўлсанг-да шайланган
Сен ўшал зурёди хок,
Қайта хокка айланган,
Ундан бир зарра — белги,
Азалдан тирноқча доғ,
Ҳузуримга тез келгил,

Кўз ўнгимда бўл пайдо,
Чорлагайман мен сени,
Мозорингни оча қол,
Ўша дил, ўша танни
Чувалчангдан сўраб ол.
Қошимга кел, бўлгил намоён,
Мен чорлайман, мен — ҳукми аён!

Астартанинг сояси пайдо бўлади, ўрталиқда туради.

М а н ф р е д

Мана шу ўлимми? Ёноғи қизил,
Лекин бу қизиллик бешуур бир тус
Силлиқ туси, яъни баргресонни куз
Бўяйдиган мурда ранг: у! Ё Раббий,
Нечун мен унга тик қаролмайман? Йўқ!
Астарта! Сўрашга мажол йўқ: Буюр!
Афу этсин ёки лаънатласин у...

Н е м е з и д а

Лаҳадингни очган сўз ила
Қайта жаранглайман бошингда,
Сени сўроқловчи билан сўзлаш,
Номим билан чорла қошинга.

М а н ф р е д

Жимлик. Бу жимлик жавобдан ортиқдир.

Н е м е з и д а

Менинг ҳукмим тугади. Осмон шоҳи,
Фақат сен амр эта олгайсан: буюр.

А ҳ р а м а н

Соя, ҳукм — тамгага бўйсун.

Н е м е з и д а

Садосиз.

Бизгамас — у бошқа кучларга тобе.
Бекор энди барча уринишларинг,
Ноиложмиз.

М а н ф р е д

Тингла мени, Астарта!

Тингла мени, севгимим! Гапир менга!
Шунча қийналдим мен, қийналмоқдаман,
Қара: сен қабрда ўзгарибсан оз,
Мендан тирикроқсан, севардинг мени.
Мен севгандек — беҳад. Туғилган эдик
Ўзаро азоблаш учунмас, гарчанд
Ўртада бор эди мудҳиш гуноҳлар,
Бизнинг муҳаббатда... О! Гапир, гапир
Сендан жирканмайман, қаргамайман де!
Мен жазо тортгайман иккимиз учун
Сен хушбахт эурсан, мен-да — ўлармен,
Бунда неки менга туюлар ифлос
Сирли ришта мисол боғламиш мени.
Ҳаёт билан яна васваса солар
Мангулик қошида даҳшат — унда ҳам
Яна шулар, шулар. Оромим йўқдир.
Не истайман, не излайман. Билмайман,
Яккашдек сезаман, сени, ўзимни
Ва ўлим олдидан тинглагим келар
Менга мусиқадай бўлган сасингни.
О, гапир. Мен сени чорладим тунлар:
Мудроқ ўрмонларда қушлар, йиртқичлар
Тоғда уйғондилар. Қайтарди жавоб
Уфқлар садоси — сенинг исмингдир.
Менга шу қадар танишдир. Махлуқлар,
Арвоҳлар, одамлар жавоб қилди лек
Фақат сен жим. О, гапир. Самолардан
Ахтариб сени юлдузлардан юксак —
Назар ташладим мен. О, гапир! Тенгинг
Топмасдан изладим овора! Гапир!

Қарагин: арвоҳлар ютишга тайёр
Лекин мен қўрқмайман асло: Сен билан
Борлигим. Гапиргил. Майли қаргагин
Фақат эшитайин овозингни мен
Яна бир бор, яна бир марта холос.

А с т а р т а

Манфред!

М а н ф р е д

Яна! Яна! Бу овозда ҳаётим.

А с т а р т а

Манфред! Изтиробинг эртага тугар
Алвидо!

М а н ф р е д

Кечира олдингми мени?

А с т а р т а

Алвидо.

М а н ф р е д

Айт, учрашгаймизми қайта?

А с т а р т а

Алвидо.

М а н ф р е д

Яна ёлбораман айт, севаман де.

А с т а р т а

Манфред!

(Астарта арвоҳи йўқолади)

Н е м е з и д а

У кетди. Қайтариб бўлмас ортига
Лекин айтгани бўладир. Ерга қайт.

Р у ҳ

У ғариб. Бандаликнинг ҳам ўлимнинг
Кўзларига қарамоқлик не экан!

И к к и н ч и р у ҳ

Боқ: у ўзини тутмиш, иродасига
Бўйсундирди дардларни. Башарти у
Орамизда бўлганида шубҳасиз
Бўлгай эди қудратли руҳ...

Н е м е з и д а

Одамзод.

Яна борми саволларинг шаҳаншоҳ
Ҳамда унинг қуллари — бизларга.

М а н ф р е д

Йўқ!

Н е м е з и д а

Демак, биз вақтинча хайрлашамиз!

М а н ф р е д

Демак учрашамиз кейин? Қаерда?
Майлига, барибир. Хизматинг учун
Сендан қарздорман. — Энди хайр. Хайр.

Кетади.

УЧИНЧИ АКТ

БИРИНЧИ САХНА

Манфред қўрғони. Зал. Манфред ва Герман.

М а н ф р е д

Соат неча ҳозир?

Г е р м а н

Қош қорайди, тун
Жозиб бўлишликни қилмоқда ваъда.

М а н ф р е д

Мен айтгандек тахт қилдингми ҳаммасин
Минорада?

Г е р м а н

Ҳа. Ҳаммаси жойида.
Мана калит ва мана қути, тақсир.

М а н ф р е д

Яхши. Энди кетишинг мумкин.

Герман кетади.

М а н ф р е д

(Ёлғиз)

Мени ором чулғар, эзар фароғат,
Ажаб, мавҳум дунё, ғалати дунё
Ушбу дамга қадар бегона эрди
Қайгу қувончимга. Фалсафани мен
Бемаъни сафсата, илми-толиблар
Туқиган, эшитган қулоқни бешак

Аҳмоқ айлагувчи атама дея
Билмасам эҳтимол ўша «Kadov!»¹
Қадим даврларнинг олтин асрорин
Кашф этдим, қалбимга сингдиrolдим деб
Санаган бўлурдим. Майлига андак —
Бирор марта уни ҳис этмоқ яхши,
Қалбимни бойитдим янги ҳис билан.
Уни ўз ёзмамга киритмоғим шарт
Бу ҳаётда у мавжуд деб... Кимдир у?

Герман қайтади.

Г е р м а н

Сени Морислик аббат кўрмоқ истаюди.

Аббат киради.

А б б а т

Салом, Граф Манфред!

М а н ф р е д

Ташаккур. О, ҳазрат,
Ташрифингиз — шараф эрур қалъага.
Қалъа аҳли учун дуодир қутлуғ.

А б б а т

Худо сизга ёр бўлсин! Граф Манфред,
Сўзлашмоқчи эдим сиз билан ёлғиз.

М а н ф р е д

Герман! Холи қолдингиз. Нима гап,
Хизматга ҳозирман, ота!

¹ Kadov — олижаноб.

А б б а т

Бошлайман.

Нуфуз, эътиқодим, хайрли ниятим,
Ёшим ҳуқуқ берар — Қўшниликимиз
Нотаниш бўлсак-да герольд бўлмакка.
Турли миш-миш тарқалмишдир эл аро
Сенинг гард қўнмаган баланд шаънингга
Доғ тушириб, ҳолбуки, бу юксак ном
Пок ўтиши шартдур авлодинг учун.

М а н ф р е д

Эшитяпман! Давом этинг, отахон.

А б б а т

Овозалар юрар, гўё сен, инсон
Билишга номатлуб нарсалар билан
Танишсан. Қаър аҳли — тамуғнинг нопок,
Ажал арвоҳлари даштида сарсон
Фарзандлари билан алоқанг бормиш.
Ўз хиштинг — бандаи мўминлар билан
Билдимки, камдан-кам кўрасан баҳам
Фикр-ўйларингни! Пок бўлса магар
Яккашлигинг — бўлур эрди зоҳидлик¹.

М а н ф р е д

Кимлар гапирмоқда?

А б б а т

Ул оғаларим

Имони мустаҳкам, мўмин деҳқонлар,
Умуман, истаган малайинг. Қўрқиб,
Сенга боқмоқдалар. Ҳаётинг — хатар.

¹ Зоҳидлик — таркидунё қилиб, ибодатга берилиш.

М а н ф р е д

Паноҳингга ол бўлмаса сен ўзинг.

А б б а т

Қутқаргани келдим сени мен, ўғлим,
Қалбингга қўл солмам, лекин ҳақ эрса
Ўшал миш-миш гаплар, ҳали кеч эмас,
Тавба қил, черков-ла мулоқотга қайт,
Черков паноҳида фалакка сиғин.

М а н ф р е д

Эшитдим. Жавоб шул: Менинг кимлигим
Ҳозир ё ўтмишда сир бўлиб қолур
Мену кўк орасинда. Бандаларинг
Даллоллиги керакмас. Ё буздимми
Низомларингиз? Исбот қил, жазо бер!

А б б а т

Ўғлим, жазо эмас менинг ниятим,
Тавба ҳамда афу ҳақдадир сўзим.
Танла. Афв ҳақида сўз борар экан,
Қонун ва эътиқод ҳақ бергай менга
Гуноҳ зулматидан ёруғ ва юксак
Соф хаёл тоғига олиб чиқмакка.
Лек жазо — кўк ҳақи «Ал-қасос»
Демиш Ул — мен унинг мўмин бандаси
Қўрқинч калимани қайтаргум холос.

М а н ф р е д

Қария! На азиз набийлар¹ ҳукми,
На ибодат бахти, на наът-муножот,
На юзда мусибат, на рўза, ажал
Ортиқмас — эгизак туғилган бу дард —

¹ *Набий* — пайгамбар.

Дўзах азобидан кўрқмасдан асло —
Қалбни қиймаловчи чўнг ҳасратчалик.
Жаннат ул-маъвони бир ўзи балким,
Жаҳаннам айлағай — бироқ қодирмас
Ўздаги интиқом, инқироз, ёлғон
Ва гуноҳ ҳиссини руҳдан ҳайдашга.
Нариги дунёда қийноқ йўқ эрур —
Ки, сен ўз-ўзингни қийнаган қадар!

А б б а т

Майли, бу ўтадир, фараҳ¹ маъвога
Етгуси ким собит қаноат, гарчи
Мудҳишдир — дунёвий гуноҳин ювса.
Тавба қилмоқ — заруратдир бегумон
Англа, черков нени кўнглинга солса,
Нени кечиролмас кечиргайман мен.

М а н ф р е д

Олтинчи рум қайсари² ўз тақдирин
Кеча ҳузурида титраган қули
Сенатнинг қошида қатл этилишдан
Сақламак ғамида, кўксига ханжар
Санчиб ўлар экан, содиқлик қилиб,
Яқиндаги навқар, қайсар бўғзидан
Шариллаган қонни дастрўмоли-ла
Андаккина босмоқ учун ёндошди.
Рад этилди: ҳали жон талвасали
Сўник кўзларида ҳукм алангаси
Ёнар экан пичирлар: «Йўқ. Энди кеч.
Садоқат эмас бу...»

А б б а т

Кеч эмас асло,
Келишмоқ ўз қалбинг билан, кеч эмас,

¹ *Фараҳ* — ором, фароғат.

² *Қайсар* — хоқон.

Қовуштирмоқ само руҳи-ла бу дам.
Умид йўқ? Ажаб: Кўк мурувватидан
Ихлоси айниган кимса ҳам шаксиз
Яратар заминда турфа орзулар
Хасга ёпишгандек, яшамоқ учун.

М а н ф р е д

Падари бузруквор! Мен ҳам бир замон
Билганман илҳом ва ёруғ орзулар
Дуолар илмини эгаллаб тамом
Аллома шуҳратин қилганман хаёл
Юксалмоқ — билмайман нечоғлик — бироқ
Юксалмоқ ва балки йиқилмоқ, аммо
Шундайким, бамисол тоғ шаршараси
Баланд чўққилардан отилиб порлоқ
Туби йўқ гирдобда мавжланиб, устун —
Устун туман бўлиб булутлар сари
Яна ёмғир бўлиб ёғилмоқ учун
Етар ул қодир. Бироқ бари ўтди
Орзуларда алдандим...

А б б а т

Нечун ахир?

М а н ф р е д

Мен ўзимни енголмадим. Кимда-ким
Ҳокимликни истар экан — хушомад
Хизмат қилар. Миннат билан яшайдир
Ит сингари қулоғи динг, аланглар,
Ўзи монанд тубан тўда — оломон
Орасида бўлмоқ учун раҳнамо,
Йўқ, мен тубан тушолмадим шу қадар.
Бу подада... бўри боши бўлмиш ҳам...
Арслон ёлғиз, мен ҳам энди ёлғизман.

А б б а т

Яшаш, юриш учун одамлар билан,
Нима халал берар сенга, тушунтир?

М а н ф р е д

Таъбимда — ҳаётдан жирканиш яшар.
Мен ёвуз эмасман, лекин ҳар қадам
Бузғун хароботга бўлурман дучор.
Дашту саҳроларда туғилган, аммо
Меҳробдан абадий маҳрум этилган
Қумлар орасида изғиб мутгасил
Ҳеч кимни изламай, бироқ учраган
Ҳар бир тирик жонни маҳв айлагувчи
Шафқатсиз гармсел нафаси янглиг
Менинг умрим ўтди. Йўлимда ҳар не
Учради барини айладим ҳалок!
Улар энди йўқ.

А б б а т

Эвоҳ! Чўчияпман,
Ҳаттоки маргабам келмагай бакор¹
Ёрдам учун сенга... Аммоки, сен ёш,
Мен истар эдимки...

М а н ф р е д

Бандалар аро.
Шундайлар яшагай, улар дунёда,
Ёшлик йилларида қарийди, ўлар
Камол топмай, жангу жадалда эмас,
Бирини — шарорат², бирини — билим,
Ўзгасини — азоб, бошқасин — заҳмат,
Қасалик, телбалик — энг ортиқ аммо —
Ўлдирди чилпарчин, сўлган кўнгиллар
Сўнги дард, турфа тус, турфа ном ила
Тақдир ёзмишида боридан ортиқ
Олиб кетди ажал. Мен эса тугал
Барини кечирдим бошимдан. Гарчанд
Етарди биттаси. Сен ҳайратланма

¹ Бакор келмоқ — фойда бермоқ, таъсир қилмоқ.

² Шарорат — ёмонлик.

Тушганимга шундай аҳволга, бироқ
Ер юзида яшаб юрганим ҳамон
Арзигай ҳар нечоғ ҳайратланишга.

А б б а т

Лекин тингла мени, гуноҳкор ўғлим.

М а н ф р е д

Мўйсафид, мен икром қилурман, шонли
Ул донгдор йилларинг... Фикрингни билдим:
Ниятинг эзгудир, аммо беҳуда.
Мен сени аяйман, ўзимни эмас,
Қўполлик қилганим учун — бағишла.

Кетади.

А б б а т

Бўла олар эди олийжаноб зот
Ундаги фаросат, эҳтирос, билим,
Табиий қудратга шаклу шамойил
Бера олгай эди башарти андак
Онглироқ жойлашса... Энди омухта
Нур — зулмат, руҳ ва хок, даҳо — эҳтирос,
Бошланиш — сўнгги йўқ, чек-чегарасиз
Талваса орадир — баҳрасиз ғариб,
Ўлмаслиги керак, ўлмоқда! Даҳшат!
Уриниб кўрайин яна бир марта
Бундай зот арзигай тавбага! Бурчим —
Бир одим чекинмай эзгулик учун
Курашмоқ! Оҳиста ва лекин қатъий.

Кетади.

ИККИНЧИ САҲНА

Бошқа хона. Манфред ва Герман.

Герман

Амр этган эдингиз кун ботишига
Келинг деб... Ботмоқда...

Манфред

Шундайми?

(Зал деразасига яқинлашади)

Улуғвор бу курра! Мулки борлиқнинг
Фаришталар арши-аълодан қувган
Малаклардан гўзал ер қизлари-ла
Қўшилишдан туғилган бу фарзандлар,
Қудратли даҳолар топинган илоҳ!
Порлоқ курра! Хилқат¹ асрори² сири
Кашфи қадар қутлуғ, муқаддас макон.
Сен холиқ қудратнинг аввал хабари
Дилларини муножотга туккан ул
Халдей тоғи чўпонларин юрагин —
Шодлантирган ўзинг... Эй ботин Худо,
Намоён бўлгайсан қўлага каби.
Сен анжум³ маркази ва шаҳаншоҳи,
Дунёни яшашга қобил қилдинг сен.
Ҳар неки мавжудот соҳир зиёнда
Ҳаракат қиладир, қиёфа руҳин
Юмшатдинг; Фасллар ҳокими! Замин
Ва унда яшаган мавжудот бари
Ҳукмингга сомеъдир. Олис ё яқин
Руҳимиз нурингдан рангиндир мудом,
Қиёфамиздек, Шон аро уйғониб
Шон аро юксалиб, шон аро ботиб.
Алвидо! Сен мени кўрмайсан ортиқ!
Менинг илк севгилим ва илк ҳайратим
Сеники эди. Қабул қил сўнгисин!

¹ *Хилқат* — яратилиш.

² *Асрор* — сирлар.

³ *Анжум* — юлдузлар.

Сен энди нурингни бермассан ортиқ
Ҳаёту илиқлик бахшиши¹ — зомин
Кимсага... Ботмоқда... Мен ҳам ортидан.

УЧИНЧИ САҲНА

*Тоғлар. Олисда Манфред қалъаси. Минора олдидаги айвон.
Ғира-шира. Герман, Монуил ва Манфреднинг бошқа малайлари.*

Герман

Ниҳоятда қизиқ... Неча йилларким
Бутун кечалари ёлғиз ва бедор
Минорада ўтар. Мен кўп бўлганман
Ҳаммамиз неча бор бўлганмиз унда,
Аммо на минора, на бирор анжом
Графнинг муттасил машғулотидан
Нишон бера олмас сал-пал умидвор,
Ишончим комилдир, унда қандайдир
Сирли хона мавжуд; Мен ўзим шахсан
Уч йиллик ҳақимни иккиланмасдан
Бағишлагай эдим сирни билгали.

Монуил

Бу анча хатарли! Шу билганларинг
Ўзи ҳам этади мамнунлик учун!

Герман

Оҳ, қари донишманд Монуил оға,
Кўп нарса кўргансан. Ушбу қалъада
Кўпдан яшайсанми?

Монуил

Мен малай эдим
Граф туғилмаган паллалар ҳали
Унинг отасига. У ўзга эди.

¹ Бахшиш — инъом, эҳсон.

Г е р м а н

Кўпинча ўхшамас ота ва фарзанд.
Тафовут нимада?

М о н у и л

Юздагинамас.

Ақли ва одати бошқадир буткул.
Граф Сигизмунд мағрур, хушчақчақ
Улфатий бир одам эди. Умрида
Бирор китоб тепасида бир оқшом
Ўтирмаган; Тунларини бедорлик эмас,
Базмларнинг даврасида бир умр
Яшаганди. Тентираган эмас ҳеч
Бўри каби дала-адир, ўрмонда,
Одамларнинг даврасидан қочмаган.

Г е р м а н

Шайтон урсин. Яшашган-а! Қанийди
Ёруғ кунлар нашъасини унутмиш
Бу қадим деворлар ичидан қайта
Ажиб ҳаёт кулса...

М о н у и л

Бу девор
Аввал хўжасини ўзгартириши шарт.
Фаройиб ишларни кўрдим...

Г е р м а н

Оға, бўл,
Гапириб бер кўрганларинг. Қизиқиб
Сезилмасдан ўтсин бу навбатчилик.
Эсимда, ишора қилгандинг бир вақт
Бу ерда, минора қошида гўё
Фаройиб воқеа содир бўлган деб.

М о н у и л

Шундай кеча эди. Ҳамон ёдимда
Фира-шира оқшом, ҳозирги каби
Эйгер чўққисида қотган булутлар
Алвонланиб турар. Баайни шундай
Енгил шабада эсиб ўқтин-ўқтин,
Юксалгувчи ой нурида қорликлар
Оҳиста товланар эдилар. Граф
Ҳозиргидек минорда — у нелар-ла
Машғуллиги бизга мавҳумдир. Аммо
У билан биргадир тунги ўйлари,
Тентишларин ҳамроҳи бир қиз борди —
У салгина ёқтиргандай туюлган,
Севиши ҳам керак эди, қондоши,
Астарта хоним-ойим... Тсс! Кимдир у?

Аббат киради.

А б б а т

Қани хўжангиз?

Г е р м а н

Хув — минорада у.

А б б а т

Гаплашиб олишим керак.

Г е р м а н

Мумкинмас.

Жуда банддир. Кимса кирмас ёнига.

А б б а т

Мен бўйнимга олдим башарти, агар
Гуноҳ бўлса... Лекин кўришим зарур.

Герман

Бугун учратгансиз бир марта ахир.

Аббат

Герман. Гап қайтарма. Эшикни қоқ-чи,
Ва хабар бер ташрифимдан хўжангга.

Герман

Ботинолмайман.

Аббат

Афтидан ўзим
Ўзимнинг хабарчим бўламан, дейман.

Монуил

Азиз отахоним! Сабр қилингиз.

Аббат

Не гап?

Монуил

Келинг буён, сизга сўзлаб берайин.

Кетадилар.

ТҮРТИНЧИ САҲНА

Миноранинг ичкариси.

Манфред

(Ёлғиз)

Юлдузлар чарақлар. Ой ёғдусида
Олмос чўққиларнинг қори ярқирар,
Гўзал! Қандай гўзал, Табиат билан

Ёлғиз дақиқалар; кеча дийдори
Мен учун ҳамиша ёқимли эди
Инсон дийдоридан. Мен туннинг хира
Танҳо ва мусаффо дудлари аро
Ўргандим ўзга бир дунё тилини.
Эсимда: Ёш эдим, бошим айланиб,
Саёҳат дардига мубтало йиллар,
Худди шундай бир тун қолганим ёлғиз
Салтанатли Римнинг бош харобаси
Қадим Колизейнинг вайронасида
Йиқилган аркларни ёқалаб мовий
Тунда титраб турар, қорайиб аста
Дарахтлар қатори; Дарз кетган жойдан
Юлдузлар мўралар, Тибр ортидан
Келарди увлаган итлар товуши.
Қайсар ҳарамида — бойкуш кўрқинчли
Чўзиқ қичқирарди, унинг овози
Тунқотарнинг¹ ўқтин-ўқтин куйи-ла
Юксалар ва тинар эди ҳавода.
Кулаган деворлар, харобот ичра
Сарвлар кўринар уфқ остида.
Аслида бир ўқлик масофа холос.
Тунги бойкушларнинг маскани энди
Қайсар ҳарами ва истехком ичра
Қад кўтармиш — чакалак томирлари
Чирмамишдир ҳукмдорлар масканин.
Лаврлар ўрнида чирмовуқлардир.
Гладиаторлар² қони тўкилмиш роса,
Мардона майдон каби ётар цирк.
Цезар, Оғуст оромгоҳи тупроқда
Таниб бўлмас валангору вайрона...
А сен осойишта сахий моҳитоб,
Қўпол хароботнинг қиёфатини
Юмшатиб бамисол юз йилликларнинг
Жароҳатин тиклар эдинг қайтадан.

¹ *Тунқотар* — тунги қоровул, соқчи.

² *Гладиатор* — Қадимги Римда цирк майдонида кураш туширилган қул ёки асир.

Нафосатин сақлай олдинг доимо.
У қаерда бўлмаса сен яратдинг.
Қадим улуғворлик қошида соқов
Ҳайрат ҳисси билан тўлди қалбимиз,
Эҳромда тургандай; У асли хокдир,
Ва лекин ҳукмдор токи шу фурсат
Бизнинг қалбимизга амр этадир у...
Худди шундай тун! Не ажаб ахир
Мен элаган бўлсам: Мен кўп пайқадим
Фикримиз талваса ичрадир мудҳиш.
Тартибли оқиши керак бўлган дам...

Аббат киради.

А б б а т

Менинг олийжаноб графим! Менинг
Туйқус ташрифимни афв айласангиз.
Менинг кутилмаган шиддатим сизни
Хафа қилмасин ҳеч: Ёмони бўлса
Гуноҳи бўйнимга, магар яхшилик
Сизнинг бошингизга бўлсин, мен рости,
Қалбингизга демоқчийдим. Агар мен
Адашган-у юксак руҳни қутқарсам...
Қўлимдан келсайди... Лек умидим бор.

М а н ф р е д

Сен мени билмайсан. Йўлим тамомдир!
Амалим охир. Чекил: Хавфли бу жой.

А б б а т

Мени кўрқитишни ўйладингми сен?

М а н ф р е д

О, йўқ! Шунчаки айтдим. Хатар яқин.

А б б а т

Нимадан?

М а н ф р е д

Бунга боқ, не кўрмоқдасан?

А б б а т

Ҳеч нарса!

М а н ф р е д

Яхшироқ қара, не кўрдинг?

А б б а т

Кўрқитиши керак, лек кўрқитолмас...
Қандайдир мавҳум ва даҳшатли шарпа
Жаҳаннам худоси монанд юксалди
Ер остидан: Чехрасида ниқоби
У оғир булутга бурканмиш: Мана,
Орамизда турди; Ваҳм йўқ менда.

М а н ф р е д

Боиси ҳам йўқдир! У тегмас сенга
Ёлғиз қиёфати фалаж қилгай! Кет!

А б б а т

Йўқ! Ҳеч қачон! Иблис-ла курашмасдан
Кетмасман. Нечун келмиш?

М а н ф р е д

Нечун?.. Нечун?..
Чақирганим йўқдир мен уни ахир?
Бетакалуф келмиш ўзи шундайин.

А б б а т

Ёху! Ўлган мурда! Қандай меҳмонлар
Ташриф буюрадир! Сен-чун титрайман,
Нечун тикиласиз бир-бирингизга?

Мана! У юз очди. Манглайи илон,
Чақмоқ чандиқлари нигоҳда порлар
Жаҳаннам қаърининг абадияти.
Йўқол, иблис!

М а н ф р е д

Нега келдинг? Тушунтир?

Р у ҳ

Кетдик.

А б б а т

О, номаълум махлуқ сен кимсан?

Р у ҳ

Унинг посбони! Вақт бўлди кетдик.

М а н ф р е д

О, мен тайёрдирман барига, фақат
Фармонни тан олмам! Ким юбормиш? Ким?

Р у ҳ

Сўнг билиб олурсен. Яхшиси кетдик.

М а н ф р е д

Бўйин эг амримга, сендан баттарин
Соҳибларинг топтаганман! Кимсан сен?

Р у ҳ

Сенинг умринг битди. Юр, дейман, сенга.

М а н ф р е д

Билардим, билурман. Вақт-соат етди,
Сенга топширмайман жонимни бироқ,
Кет! Ёлғиз яшадим, ёлғиз ўларман.

Р у х

Унда хешларимни чорлайман! Келинг!

Бошқа руҳлар келади.

А б б а т

Йўқолинг иблислар! Йўқолинг! Имон —
Мавжуд масканда — йўқ иблислар ҳукми,
Мен сизни ҳайдайман Унинг номи-ла...

Р у х

Билурмиз ўзни-да, мартабангни-да,
Азиз исмларни сочма фойдасиз,
Улар беҳудадир! Бу банда — маҳкум
Сўнг бор буюраман: ортимдан юргил.

М а н ф р е д

Бўйсунмайман! Кетиб борар ҳаётим
Тушуниб турибман бош эгмам бироқ.
То нафас олурман нафратим сизга!
Курашгайман токи танда мадор бор.
Гарчи сиз руҳларсиз. Қўлга олурсиз
Нимта-нимта қилиб, парчалаб фақат.

Р у х

Э, қайсар афсунгар, ботин дунёга
Биз монанд мартаба эгаси банда,
Сенга, ярашарми, сенга бир умр
Касофат келтирган ҳаётга шундай
Тирмашмоқ.

М а н ф р е д

Ёлгон айтяпсан, муғомбир
Сўнгги соат етди — билиб турибман —
Узайтирмакка-да йўқдир ниятим.

Бирор дақиқага сен билан эмас,
Булар билан эмас, йўқ, ўлим билан
Курашиб турибман! Собит қудратни
Бермаган на сизлар, на ушбу пода.
Бергандир билимлар, қунт ва имтиҳон,
Ярим тун заҳмати ва ўткир ақл,
Руҳлар ва одамлар биродар бўлган,
Юксак саналмаган давр билиги¹,
Тобакай² мадорим бор экан — сиздан
Нафрат қилажакман, курашажакман.

Р у ҳ

Лекин сенинг ёвуз қилмишларинг-чи...

М а н ф р е д

Сенинг ишинг эмас уларни билмак.
Ёвузликни жазосими ёвузлик! Қотил
Ҳакам бўла олурми ҳеч? Йўқол, тез!
Қайт ўзингнинг жаҳаннамнингга.
Сен ҳоким эмассан — кўриб турибман,
Билиб турибман мен — енга олмассен.
Неки қилган бўлсам, қилганман ўзим.
Кўпайтиролмассан қалбим азобин.
Абадий ақлимиз — интиқом эрур
Яхшидир, ёмондир ҳар амалимиз
Қилмишимиз учун, унинг ўзидир
Ёвузлик чашмаси ва интиқоси.
Замин қусқисин итқитиб, фоний
Дунё ҳодисларин мўрт рангига ёт.
У тўла қийноққа ёки ҳайратга
Ўз ишларин қаршисида манфур руҳ,
Сен эмас жонимнинг изтироблари.
Ожизсан, қурбонинг эмасман сенинг.
Бўлмагайман ўлжанг ҳам асло! Ўзим
Ўлдирдим ўзимни, жазо ҳам мендан.

¹ *Билик* — билим.

² *Тобакай* — қачонгача.

Жинлар, етолмайсиз муродингизга!
Йўқолинг! Сиз эмас — Ўлим чўзар қўл.

Рухлар йўқолади.

А б б а т

Оҳ, ранги оқармиш... лаблари оппоқ...
Кўкраги чайқалар, бўғизида жон!..
Ибодат қил! Ҳеч бўлмаса хаёлан
Илтижо қил. Ўтиб кетмагин бундай.

М а н ф р е д

Тамом... Зулмат... Сени илғамаяпман.
Ҳамма нарса айланар ва сузар... Замин
Гўё кетар оёғ остидан. Хайр,
Қўлингни бер...

А б б а т

Муз юракка қуйилар...
Бир марта ибодат қил... Оҳ, не бўлди?

М а н ф р е д

Мутлақо қийинмас ўлмоқ, қария.

(ўлади)

А б б а т

Тамом! Унинг жони учди фалакка!
Қайга? Ўйлаш — қўрқинч, лекин у кетди!

Парда

ШЕЪРИЙ РОМАН

ДОН ЖУАН

Абдулла Шер таржимаси

(Биринчи қўшиқдан парча)

Қаҳрамон излайман: антиқа истак!
Чунки ҳар фаслда янги қаҳрамон!
Газетлар уларни кўтарар юксак
Ва лекин вақтинча бу мақтов, бу шон;
Ўткинчи қаҳрамон, хўш, нега керак!
Шу сабаб Дон Жуан маъкулдир, инон,
Ахир, биз кўрганмиз: дўзахга уни
Шайтон олиб учган битмасдан куни...

Жуан Севилада келди дунёга,
Энг хушбўй пўртахол, гўзал аёллар
Довруғин таратган бу гул маъвога
Ким бир бор келмаса бахтсиздир магар;
Бир Кадис тенглашгай бундай зебога, —
Испанлар шундай дер, ҳақ гапни айтар;
Шунда — шўх Водий ул-Кабирнинг бўйи
Узра қад кўтармиш Жуанлар уйи.

Отаси дон Хозе, дон эмас бежиз:
Ҳақиқий ҳидальго — доғсиз ному шаън;
Араб ё яҳудий қонлари ҳаргиз
Зотини бузмаган, асл готт-испан;
Унингдек чавандоз топилмас маркиз,
Барону графлар ичра хусусан.
Бизнинг қаҳрамонни туғдирган одам —
Дон Хозе шунақа ... Шошай нега ҳам:

Донишманд эдики шундай онаси,
Унга маълум эди ҳар илм, ҳар фан;

Насроний аҳлининг бу дурдонаси
Баслашиб бир йўлда юз доно билан
Ғалаба қиларди келса хонаси —
Унинг зўрлигини олишарди тан.
У гапга тушганда қолар эди жим
Билимсиз ҳисоблаб ўзин ҳар олим...

Ҳурматга лойиқ зот дейман барибир —
Хозени билардим — бунга ҳаққим бор;
Номини булғашди ғазабдан басир —
Бас энди! Мен уни қилмайман айбдор:
Гар ҳаёт кечирса ким олатасир,
Демакки, оловли феъли сабабкор:
Помпилий лақабли Нумадек хушфеъл,
Ораста яшамас, ахир, бутун эл!

Яхшими, ёмонми — ким бўлмасин, у —
Бечора жон эди! Чекди кўп азоб.
Эзганда ёлғизлик аталган туйғу,
Ўзига бераркан илк бора ҳисоб —
Билдики: топталмиш ном-номус, ёҳу,
Ғийбату хотини қилди-ку хароб!
Кўрди у олдида тобут ва судни,
Чек қўйди азобга танлаб тобутни.

Васият қолдирмай ўлгач дафъатан,
Ёш Жуан ер-сувга бўлди меросхўр;
Бошқарса омилкор бир қўл улардан
Гўдак хўжайинга фойда келар зўр;
Шу сабаб табиий, Инез қонунан
Васийлик қилажак — бола ҳали гўр:
Ягона ўғилга ягона она
Тарбия берса гар бўлур расмона!

Оқила беваю донишманд аёл
Зўр берди Жуаннинг тарбиясига, —
Бўлсин деб иккала бобоси мисол
Лойиқ зот Аррагон, Кастилиясига:
Гар уруш бошласа мабодо қирол,

Дош берсин эгарга, ўқлар сасига,
Сўнг осон забт этсин турли даргоҳни —
Қизлар монастири ё қароргоҳни.

Ҳа, ҳа, Донна Инез куюнчак, жонбоз, —
Югуриб еларди, чекарди ташвиш
Бўлсин деб ўғлининг тарбияси соз,
Кўрсин деб муаллим оқилона иш,
Шу тарзда бўлди у бош-қошу устоз, —
Ўзида истездод илғаб бояқиш:
Санойи нафиса олинди-да тан,
Ман бўлди номида «био»си бор фан.

Жуан ўрганарди барча ўлик тил,
Ҳаётдан энг узоқ, беривож санъат,
Барча зерикарли, барча энг чигил,
Энг мажҳул фанларни чекиб ҳўп заҳмат.
Гар бирор саҳифа бўлса сал дадил,
Онаси китобда кўрарди иллат;
Айниқса, жонзотлар урчиш қонуни
Чексиз хавотирга соларди уни...

Ёш Жуан ўқирди классикларни
Фақат мактаб учун чиққан нашрдан:
Олимлар «тозалаб» ҳар бир асарни,
Бепарда сўзларни кўздан яширган,
Буткул йўқотишга, лекин, уларни
Кўрқиб, иловага жойлаган, зотан
Шоир қиёфасин ўзгартмайин деб,
Айни пайт ўқувчи гамини ҳам еб...

Ёш Жуан ўсарди ажойиб бўлиб:
Олтида ҳўп кўркам, ўн бирида-ку
Ҳар гўзал йигитча ҳавасга тўлиб
Тикилса арзирли ўсмир эди у;
Зерикмас ҳеч қачон қироат қилиб,
Қобилки, кўргани фақат ҳар кун шу:

Тушгача бутхона, тушдан сўнг яна
Муаллим, руҳоний, донишманд она.

Олтида, дедим мен уни, хўп кўркам,
Болалик шўхлиги бор эди аммо;
Шўхлик ўн иккида топди-ю барҳам,
Тортинчоқ ўсмирга айланди ҳатто.
Тарбиям ўзгартди, дея, феълин ҳам,
Онаси фахр этиб, кўз узмас асло:
Ўғли бир кўҳлигу доно тарзлидир,
Ҳалитдан файласуф деса арзийдир.

Бунга гумоним бор, очиқ айтсам, рост
Ва лекин бу ҳақда демайман лом-мим;
Марҳум Хозе билан орам эди соз:
Ўзгалар феълини ўрганмоқ — илм!
Бироқ ўғил тортгач отага холос,
Табиий, сўрайсан: хўш, онаси ким?
Мунофиқ, жанжалкаш... Йўқ, йўқ, бу — гийбат,
Ҳар қандай гийбатга нафратим беҳад!

Ҳа, гийбат қилмайман, бурчимдир аммо
Огоҳлантирмоғим шу гапдан сизни:
Мен ўғлим таълими бўлсин деб расо,
(Ўғлим йўқ, минг шукр!) кўзлаб олисни,
Инезнинг мактабин кўрмасдим раво:
Нечун кун-тун ёдлаш катехезисни?!
Шу боис берардим ўғлимни албат
Мен ўзим ўқиган коллежга фақат.

У ерда, биз, ёшлар (деманг мақтанчоқ)
Ҳар хил нарсаларга ўргандик ... Раҳмат!
Юнон ҳарфларин-ку унутдим, бироқ
Кўп нарса ёдимда ҳануз: «Verbumsat»¹ —
Кўп гапни билсанг-да, шарт эмас айтмоқ!
Уйланиш илмида нўноқман фақат, —

¹ «Шу гап етарли» (лотинча).

Шунда ҳам тинмайман ич-этимни еб
Булажак ўғлимнинг тарбияси деб.

Ўн олти ёшида бизнинг Дон Жуан
Чиройли, шўх эди, хипчаю адил,
Хос маҳрам мисоли эпчил, умуман,
Эр йигит десалар бўларди дадил.
Онаси эшитса, лекин, бу гапдан
Чинқириб юбормай деб тишларди тил:
Нечундир, ўғлига келган балоғат
Унга туюларди бўлиб ҳақорат.

Бор эди унинг хўб, боодоб, ҳалол
Дўстлари ичида бир сарв бўйлик, —
Донна Жулияким, унга гул жамол,
Табиий латофат, нозик хушрўйлик —
Ҳаммаси ярашган: ярашган мисол
Денгизга — шўрлигу, гулга — хушбўйлик,
Зухрога — белдамча, Купидонга — ёй.
(Бундан сийқа ташбеҳ бўлмас ҳойнаҳой).

Англатар шарқона тим қора кўзлар
Унинг зотидаги араблар қонин.
(Аммо испанларда бу гап, алҳазар,
Ҳақоратлаш демак миллатнинг шонин).
Жулиянинг баъзи аждоди бадар
Кетди Фарнатанинг кўргач сўнг онин
Абу Абдул ила Африка томон,
Қолди бувисининг бувиси пинҳон.

Сўнг тегди (ёдимда шажараси йўқ)
У бир ҳидальгога; йигит уни деб
Бузди зот қонини ишқда бўлиб чўғ.
Ўзига кўрмаган буни асло эп
Боболар қанчалик бўлмасинлар шўх,
Қонни бузмаганлар зот ғамини еб:
Олганлар жияну амма, холани,
Дунёга келтириб пачоқ болани.

Аслида бу нопок чатишув гарчанд
Қонни бузса ҳамки, тузатди танни;
Энди бир маҳаллар заиф, касалманд
Бўлган зот лол қилар ҳар бир испанни:
Ўғиллар — паҳлавон, қизлар — хур монанд;
Бироқ «миш-миш» юрар, айтмам айтганни:
Донна Жулиянинг катта бибисин,
Хуш кўрган, дейдилар, ёт эркак исин.

Хуллас, не бўлса ҳам, яхшиланди зот,
Авлодлар бир-бирин қувди изма-из,
Кейин ёлғиз ўғил бўлди сўнг авлод,
Ул ёлғиз ўғилдан қолди ёлғиз қиз:
Жулия эди у — чин сарви озод,
(Аввал ҳам тасвирлаб эдим, биласиз.)
Бир латиф, бир содда, бир нозик ниҳол —
Йигирма уч ёшли пок жуфти ҳалол.

Кўзлари (мен гўзал кўзлар шайдоси)
Шаҳлою тим қора, чарақлайди шан;
Уларда акс этар кибор ибоси
Гоҳида газабу гоҳ гурур билан
Ярқ этар, лекин, гоҳ юрак нидоси
Каби беихтиёр бир ўтки, дейсан:
У пинҳон эҳтирос, гуноҳкор хаёл;
Уни ўчирмоққа шошарди аёл.

Ипақдек зулфлари мавжланиб майин,
Унинг оқ манглайин ёпарди хиёл;
Қошлари баҳорий камалакдайин,
Нақш олма юзлари нақ яллиғ мисол:
Ички бир чақиндан гўё он сайин
Кучайиб борарди оловли хаёл.
Қоматда тенги йўқ, сарв бўй, хуллас;
Пастак аёлларни жиним ёқтирмас.

Эри норғул эди унинг бир қадар,
Ёши элликларда бўлса ҳам кўрчтан;
Аслида аёлга, очик айтсам гар,

Жанубий юртларда *битта* элликдан
Икки йигирма беш афзал саналар:
Мен такрор «*mivien mente*»¹ дегайман:
Гўзаллар қошида бўлур иззатда
Ўттиздан ошмаган эрлар албатта...

Жулиянинг эри Альфонзо кўркам,
Элликка кирганга ўхшамас ҳаргиз.
Яшарди бошқалар каби улар ҳам
Бир-бирин нуқсини кечириб шаксиз,
Уларни ишқ ёқмас, куйдирмас алам:
На биринчи ҳис бор, на иккинчи ҳис.
Баъзан рашк қилса-да сипо эр, аммо
Буни сездирмасди ҳеч кимга асло.

Жулия — ҳайронман шунга — қил ўтмас
Қадрдон дўст эди зап Инез билан;
Бири-ку ўқимас, қалам ҳам тутмас,
Бири — нақ донишманд, бу яқинликдан
Барча лол ва лекин дерлар (бир нокас
Тўқиган ғийбат-да, мен ишонмайман):
Яқинроқ бўлганмиш бундан ҳам кўпроқ
Бўйдоқ Альфонзога шу Инез бир чоқ.

Хуллас, давом этди бу дўстлик йиллаб,
Касб этиб тобора бир сипо жўрлик.
Сўнг Инез бир зўр йўл ўйлаб топди зап:
Энди Жулияга қилар ғамхўрлик —
Альфонзо дидини ҳар ерда мақтаб,
Меҳрибон опадек кўзга боқар тик;
Қанчалар сурбетлик қилмасин ғийбат
Бетлаб келолмасди унга оқибат.

Бундан воқифмасми Жулия, билмам,
Очганми ўзгалар унинг кўзин ё, —
Бироқ у ўзини тутар хотиржам
Бу сирдан бутунлай беҳабарнамо;

¹ «*Хаёлимга келар*» (испанча).

Эҳтимол хабарсиз, билмас чиндан ҳам,
Балки рашк нелигин ҳис этмас асло:
Нима ҳам дердим мен, қулф-ку ҳар аёл, —
Очилиб қилмаса агар шарҳи ҳол.

Зап ширин бола-да Жуан, бир юввош;
Жулия эркалар уни укадай.
Бири — йигирмада, бири — ўн уч ёш,
Боқиб жилмаясан: на гўзал, бай-бай!
Бироқ жилмайишдан мен тортаман бош:
Йигирма уч билан ўн олти, ҳай-ҳай,
Хатарли жаранглар — шу қисқа уч йил
Бутунлай ўзгартар жануб халқин, бил!

Хуллас, не бўлса ҳам ўзгарди бари:
Бири — совуқ, сипо, бири — тортинчоқ,
Учрашган пайтларда шошқин сўзлари
Кўзларда қалқиган маънодан йироқ;
Бу қизиқ ҳислардан бордир хабари
Донна Жулиянинг, шубҳам йўқ, бироқ
Уммон қаршисида турганин қайдан
Билсин денгизни ҳам кўрмаган Жуан.

Жулия сипою, лекин мулойим,
Қўллари сал титрар, аммо, баногоҳ
Жуаннинг қўлига тегаркан доим;
Билмаган кишидек сал силару гоҳ,
Сўнг қўлин тортаркан, йигит қолар жим
Қандайдир нотаниш қайғуда, эвоҳ, —
Сеҳрли таёғи Арמידанинг гар
Тегса ҳам титрамас Жуан бу қадар.

Жуанга дуч келса Жулия кулмас,
Кулгудан ширинроқ, лекин, нигоҳи:
У юрак тубида ловуллаб бесас
Ёнган эҳтиросни сочарди гоҳи
Жуанни куйсин деб, бўлсин деб сармаст;
Аслида яширин муҳаббат оҳи
Юзига айёрлик пардасин тортар,
Ишқ бизни ёшлиқдан шунга ўргатар.

Аммо эҳтиросни яширмақ мушкул,
Қанчалик сир тутсанг — шунчалик ошкор,
Кўк юзин қоплаган булутдек гап ул:
Қанча қуюқ бўлса — шунча чақинвор;
Кувлик қил, алдагил, майли, сохта кул, —
Бундай устомонлик, барибир, ночор;
Ғазабми, нафратми ё совуқ хитоб, —
Буларнинг ҳаммаси бир онлик ниқоб.

Сўнг гоҳ-гоҳ изтироб, гоҳ-гоҳ хўрсиниш,
Нигоҳлар меҳрибон, лекин ўғринча;
Юзда гоҳ саратон, гоҳ акс этар қиш,
Орзиқар бир-бирин токи кўргунча, —
Буларнинг ҳаммаси дебоча жунбиш,
Чўчитар ёшларни баъзан бирмунча;
Зотан тажрибасиз ошиққа бешак
Ишқ қулфин очмоққа бир туртки керак.

Шўрлик Жулиянинг аҳволи чатоқ,
Юрагин қамрамиш хатарли туйғу;
Оила шаънига туширмай деб доғ,
Диёнат, номусни ўйлар, эди у;
Ўзини тутмоққа аҳд этди андоқ:
Ҳатто Тарквинийга солгудек кўрқув,
Илтижо айлади Биби Марямга —
Аёллар ишида энг зўр ҳакамга.

Онт ичди кўрмайман Жуанни дея,
Ва лекин Инезнинг суҳбатин бир дам
Олай деб тонгласи борди Жулия;
Мана, у ўлтирар жуда хотиржам.
Бироқ ким эшикни очдийкан қия?
У эмас, хайрият, ё Биби Марям!
Бу-чи, ким?! У эмас!.. Уф!.. Шу тун аммо
У Биби Марямга боқмади қиё.

У ўйлар: хўш нечун покиза аёл
Гуноҳга юзма-юз келишдан кўрқар?!
Қалбин забт этолмас ҳеч нопок хаёл, —
Гар имон бут бўлса, у зумда тарқар;

Дўстона суҳбатда шошмай, бемалол
Ўзини тутмоқни унга ўргатар, —
Токи ёш йигитча билсинки шуни,
Жулия ука деб ҳисоблар уни.

Бордию шунда ҳам, — шайтон жуда шум, —
Юраги бошқача урса-ю, ногоҳ
Ёрига тикилиб, ўзини бир зум
Унинг кучоғида ҳис этса, эвоҳ...
Бекор гап бу боқиш, беун табассум:
Шарт кесар «Йўқ!» сўзи — энг кучли жарроҳ;
Сизга ҳам тавсия шудир, эй гўзал,
Ёшгина хонимлар бунақа маҳал.

Шунингдек, биласиз, бордир яна бир
Фаришталаргаю бекаларга хос
Сипою илоҳий муҳаббат, ахир! —
Лўндаси, Афлотун қолдирган мерос —
Ки, унда бўлмагай ҳеч гуноҳ содир.
Жулия ўйлар деб: «Шу ишқ менга мос»;
Бўлсайдим у ёниб ўйлаган эркак,
Мен ҳам қувонардим бу ишқдан бешак.

Зотан ул муҳаббат — сабий, бегуноҳ,
Иккала ёшга ҳам хатарли эмас.
Чирмашар дастлаб қўл, сўнг — икки дудоқ...
Рост айтсам, бу ўйин менга ёт ҳавас.
Уни сўнг чегара дейдилар бироқ,
Меҳрдан нариси жиноятдир, бас.
Ким у чегарадан чиқса гар ногоҳ,
Мен айбдор эмасман — этганман огоҳ!

Хуллас, пок Жулия бурчга ҳеч ҳалал
Бермовчи севгига аҳд этди зийрак,
Зероки, бундай ишқ бўлгай ҳар маҳал
Ёшу шўх Жуанга фақат бир кўмак;
Бу ишқ меҳробида пухтадир тамал:
Соф нури йигитга сабоқ беражак,
Лекин, гап шундаки, қанақа сабоқ? —
Жулия ва менга бу ҳали жумбоқ.

Кунглини тинчитгач, олди сал ҳузур
Жулия пок аҳдни тенгсиз зирҳ билиб,
Атрофга боқарди сокин ва мағрур
Номусни бир ғоя, бир тўғон қилиб;
Аҳд этди шу кундан яшашга масрур —
Ёқимсиз тергашдан буткул тийилиб;
У аҳдда турдими, ё йўқми, бироқ,
Айтаман, пайт келгач, сизга кейинроқ.

Ахир, бу режаси ҳақиқатан пок:
Йигитча бор-йўғи ўн олти яшар;
Ғийбат қилса-қилар қайсидир шаккок,
Дил тоза бўлса бас, сочолмас заҳар —
Тухмат бир вишиллаб, бўлгуси ҳалок;
Соф виждон имонни асрар нақадар!
Ёққан-ку бир-бирин насроний мазҳаб
Ҳар бири ўзини Ҳаворий санаб!

Тўсатдан Альфонзо ўлса-чи? Ё Раб!
Бу ҳолдан асрагин, бу не шаккок сўз!
Ўнгда ҳам, тушда ҳам (хўрсинар титраб)
Бу ғамдан бор дунё бўлар-ку тўс-тўс!
Лекин рўй берса-чи, барибир шу гап?!
Мен фақат айтяпман буни *inter nos*¹
(Асли *entre nous*², — қўймас қофия:
Ахир, французча ўйлар Жулия).

Мен фақат тахминий гапни айтяпман:
Дейлик, етти йилда рўй берса бу ҳол,
Бахтли қилоларди улғайиб Жуан
Қўр-қутли ёшгина бевани алҳол;
Унгача (қайтмаймиз ўша қарашдан)
Ёмон иш бўлмасди Жуан бемалол
Ишқий усулларга кўрсатса рағбат —
Мен билган покдомон севгида фақат.

¹ Ўз аро (лотинча).

² Ўз аро (французча).

Энди Жулиядан Жуанга ўтай.
Бечора йигитча! Қандайдир тенгсиз
Ҳис ичра Овидий Медеясидай
Мастона яшарди — ҳам зўр, ҳам ожиз;
Гуёки сеҳрли кашфиёт атай
Кутарди дунёда бир уни ёлғиз, —
Жиндак сабр этса бас, унга бу дунё
Улкан бир гузаллик бағишлар гуё.

Ўйчану қайғули, лолу паришон,
Эманлар соясин этганча маскан,
Бир қўмсаш ҳиссидан ҳам шод, ҳам нолон,
Ёлғизлик истарди, кўплардек, Жуан;
Ёлғизлик менга ҳам ёқар бегумон.
Аммоки хароба чўлни севмайман,
Фордаги танҳолик менга керакмас:
Султондек ҳарамда танҳо бўлсам бас.

«Оҳ, Севги! Сен овлоқ ёки ўрмонда
Шавқ ила оромни этаркан ҳамроз,
Гуё маъбудасан ўшал маконда:
Ҳукмингга тобеъдир ҳар қалб, ҳар овоз».
Шеър яхши, ўқийсан зўр ҳаяжонда,
Иккинчи мисраъи чатоқдир холос:
Ҳамрозлик қилолмас «шавқ ила ором»,
Маъноси аниқмас, бу ибора — хом.

Менингча, шу эрур шоир мақсади:
Қаерда, қайси пайт бўлмасин, доим
Бўлинса тушлик ё сирли суҳбати
Ва ёки ишқ рози — ёқтирмас ҳеч ким,
Ахир, бу — ҳаётнинг жўн ҳақиқати!
«Ҳамроз», «шавқ» ёмонмас, демайман лом-лим,
Лекин мен уларнинг «оромга» қандай
Алоқадорлигин, хунобман, билмай.

Ёш Жуан кезаркан жилғалар бўйлаб,
Қучарди нотаниш ўйлар қуюни;
Қушчалар чаҳ-чаҳлаб, япроқлар сўйлаб,

Майсалар бўй сочиб қутларди уни;
Ўшал маъволарни шоирлар куйлаб,
Бизларга бахш этар ажиб туйғуни.
Уларни куйлашда, очиқ айтсам гар,
Биргина Вордсворт дудуқлик қилар.

У, Вордсворт эмас, албатта Жуан
Сайр этиб, ўз қалбин тингларди бот-бот,
Гўёки хилватда дардига баъзан
Топгандек бўларди давою кушод;
Баъзида сўзлашиб ўз-ўзи билан
Шунақа чуварки ўйлари, ҳайҳот,
Ўзи ҳам билмасдан хаёлни ўнг дер:
Метафизикага Кольриждек шўнғир.

Ўйларди ҳам олам, ҳам ўз ҳақида,
Ўйларди турли хил урушлар, одам,
Зилзила бўлган юрт, улус ҳақида,
Ҳаво шарларининг учганини ҳам;
Ўйларди ой билан юлдуз ҳақида, —
Буларни ёқмиш, деб, қай шайтон, қай дам.
Сўнг тушиб фалакдан ерни бўйларди,
Донна Жулиянинг кўзин ўйларди.

Бунақа фикрлар, учқур хаёллар
Аслида донишманд аҳлига хосдир;
Бўлса бу — бировнинг қонида агар,
Бировга севгидан ўтган меросдир;
У ҳолда, ажабо, нечун титкилар
Бизнинг ёш йигитча фалакни бир-бир:
Буни файласуфлик десангиз — ғалат,
Гар дангал айтсам, бу — жинсий балоғат.

Тикилиб гулларга, суюб япроқни,
Тингларди еллардан сеҳрли садо;
Ўлмас маъбудалар қўнган ўтлоқни,
Ул қадим дунёни кўмсарди танҳо;
Кезарди унутиб ҳатто сўқмоқни,
Ногаҳон, боқаркан соатга гоҳо

Анларди вақт — чопқир, тезкор нақадар:
Тушлик ўтиб бўлмиш аллақачонлар...

Шундай гўшанишин яшарди ўзи —
Ўзидан қониқмай, ўзин англамай;
На мунгли ўйлар-у, на шоир сўзи
Унинг қалб дардига дармон бўлолгай —
Қайсидир сийнага тонггача кўзин
Юммасдан бош қўйиб хўрсинмоққа шай.
Яна неларгадир шай турарди ул,
Менингча, бу ҳақда жим қолган маъқул.

Ғамгин кезишларга не асл сабаб —
Эканин Жулия англади дарҳол;
У ҳатто ўзгарган Жуанга қараб,
Қувониб хўрсинган бўлса — эҳтимол;
Билмайман, Инезнинг лекин, во ажаб,
Диққатин тортмади нечундир бу ҳол:
Саволга тутмади ўғлин донишманд
Бу майда гаплардан тургандек баланд ...

Мана, ёз оқшоми, биласизки, ёз
Аслида тан учун хатарли мавсум;
Баҳорда бунчалик қизимас мижоз,
Ҳамма айб қуёшда экани маълум;
Хуллас, бундай кунлар жазманларга соз.
Бошқа ойларни ҳам бўлмас деб масъум:
Гар қуён зотига март бўлса қулай,
Жононлар тўшагин ёндиради май.

Хуллас, ёз оқшоми, олтинчи июнь —
Ҳа, таълим хуш кўрар вақт борасида
Аниқ бўлмоғини йил, ой, ҳатто кун!
Чунки улар не-не давр орасида
Қисмат ўз отини янгилаш учун
Бир зумга тўхтовчи бекат аслида;
Қисмат тагин учар — тарих қолдирар,
Художўй аҳлики, боқиб қалтирар.

Олтинчи июнда, шом қўнар чоғда,
Соат олтимиди, етти — эҳтимол,
Жулия ўлтирар беҳиштдай боғда
Нақ Муҳаммад ваъда қилган ҳур мисол;
Неча бор куйламиш ажиб титроғда
Бунақа ҳолатни шоири ҳалол
Анакреон Мур ҳам шеърида бизга, —
Ёр бўлсин мангу шон шоиримизга!

Во ажаб! Жулия эмасди ёлғиз,
Билмайман, рўй бермиш қандай бу висол,
Билсам ҳам, барибир очмасдим оғиз:
Душманинг — тилинг, деб ўргатар мақол;
Ўриндиқ бурчида, тугён уриб ҳис,
Дон Жуан боқарди Жулияга лол, —
Ёш қондан ёноклар ловуллаган чоқ,
На гўзал бўлмасин, лозим кўз юммоқ!

На гўзал Жулия! Яширин ҳаё
Юзларин қизартмиш, қандай бегуноҳ!
Оҳ, Севги! Инсонни ўзгартар ҳатто,
У — айёр, у — ҳақдир, удир иштибоҳ:
Ўзини унутар ҳар қандай доно,
Қилур шоҳни гадо, гадони подшоҳ;
Шундан, жар бўйида туриб Жулия
Хатарни сезмасди, покман-ку, дея.

Ўзига маҳкам у, ёш эрур Жуан:
Нимадан тийинсин — рўй бермас зино,
Ҳар недан голибдир оилавий шаън,
Гарчанд дон Альфонзо эллиқда, оббо,
Қайдан ҳам эсладим буни мен!.. Зотан
Қандай юрт бўлмасин, қандай об-ҳаво, —
Севгини қиздирмас эллиқ ёш, аттанг,
Йиллар олтин эмас, санаб қувнасанг.

«Сизга мен эллиқ бор айтдим, биродар», —
Деса рақибингиз, баҳс катта демак;
Шоир: «ёздим, — деса, — эллиқ шеър» агар,

Ўқиб бермаса деб қўрқасиз бешак;
Гар ўгри элликта — газнага хатар;
Элликта ишқингиз гул эмас, печак;
Ҳар кимга, ҳар қайда хуш ёқар беҳад
Элик червон деган бир санок фақат.

Шубҳасиз, Жулия ичмишди қасам
Туюб Альфонзога эзгу муҳаббат, —
Никоҳ узугига юқтирмай гард ҳам,
Жуфти ҳалол бўлиб яшашга фақат.
То ҳануз бузмади онтин бирор дам,
Хуш, нечун энди у тортгай хижолат! —
Шунақа ўй билан тутди Жулия
Жуаннинг қўлини ўз қўлим дея;

Сўнг ўзи билмасдан суялди ногоҳ
Сочларин силаган иккинчи қўлга;
Ним юмуқ кўзлари бўларди гувоҳ
Дилдаги курашга, ички довулга.
Наҳот Донна Инез бўлмади огоҳ?!
Наҳотки, ёшларни солмади йўлга, —
Ўғлини кузатиб қадам-бақадам?!
Бунга йўл қўймасди ҳеч менинг онам!

Жуаннинг қўлини кейин бепарво,
Билинар-билинемас сиқиб қўйди сал,
«Қўйворма, дадил бўл!», дегандек гўё;
Бу далда, карашма бирам пок, гўзал, —
Ҳаммаси ҳақиқий Афлотуннамо!
Шунчаки бу ўйин покликка халал
Беришин сезсайди Жулия шу он
Қочарди даф қилган сингари илон.

Билмадим, нимани ўйларди Жуан,
Аммо сиз истаган ишни қилди у;
Миннатдор эгилиб бу тотли шавқдан
Лабини момикдек қўлга босди-ю,
Шошилиб ўзини тортди дафъатан, —
Ҳаддидан ошди-ку оловли туйғу!

Жулия қизариб, ўзин йўқотди,
Тили ҳам айланмай, сўзни йўқотди.

Кун ботиб, юксалар, мана, сарғиш ой:
Шайтонни миндириб ёвузлик сочар;
Уни ким пок деса — хато ҳойнаҳой;
Йигирма биринчи июнда ҳам гар
Истаса уч соат ичра пойма-пой
Бир ишлар қиларки бу қув жодугар —
Не тўлин ойлару кунлар ҳам, эвоҳ,
Қилолмас ҳеч қачон бунча кўп гуноҳ!

Бундай пайт хатарли сукунат ҳоким, —
Айтади ҳаттоки ўз-ўзига роз
Ҳар юрак ҳисларга тўлиб лиммо-лим,
Юракка табиат бўлади ҳамроз:
Ўйнайди кумуш нур қуббаларда жим,
Ўрмону далалар, боғлар сарафроз, —
Тотли бир орзиқиш этарки ато,
Ором деб атамоқ ул ҳисни хато.

Бу пайт ўлтирарди Жулия, хуллас,
Оғринмай ўзини кучган Жуандан;
Титроқ қўл ненидир истарди сармаст
Нафис дириллаган ўжар бадандан;
Шарт туриб жўнаш-ку, асли қийинмас,
Лекин кетмоқ қийин гўзал маскандан.
Сўнг... Ҳайҳот!.. Қолгани Худога аён;
Бундай ҳикоямдан ўзим ҳам пушмон.

Афлотун! Афлотун! Хаёлкаш тентак!
Сен, голиб келгай деб қалбдан ирода,
Янги нопокликка йўл очдинг бешак
Бу асли ахлоқсиз, нопок дунёда:
Ахлоқни сенчалик бузмаса керак
Бор шеърү романни йиғса мабодо!
Гумроҳми, сурбетми — сен ўзинг кимсан?
Энг катта қўшмачи экансан, билсам!

Жулия хўрсинар айтолмай бир сўз,
Кераксиз бун қолди сал ўтгач сўз ҳам;
Шунда инжу тўкди ажиб шаҳло кўз,
Бесабаб эмасди бу, сизга айтсам,
Ақлу ишқ бўлганми ахир, ҳеч вақт дўст,
Ахир, ҳеч эҳтирос билганми тўхтам?!
Қизарар, курашар, титрар овози:
«Ҳеч қачон кўнмайман!..» деб бўлди рози...

Ҳайратга тушасан инсондан, эвоҳ,
Асли бир муъжиза инсон дегани;
Менга алам қилар лаззатнинг — гуноҳ,
Гуноҳнинг баъзида лаззат экани,
Шон, қудрат, ишқ, бойлик бўлолмай паноҳ
Йўлга тушишимиз бир кун ўлгани.
Фақат бир хил эрур борар йўлимиз
Ўлимга юзма-юз, кейин, кейин биз...

Хўш, кейин? — Билмайман сиз каби мен ҳам, —
Хайр энди — Қайтайин қиссага яна:
Хуллас, тунд ноябрь, кунлар қисқа, нам,
Зангор ёмғирпўшли тоғлар бу сана
Киймиш оқ қалпоғин бостириб маҳкам;
Денгиз гувиллайди, сармаст пўргана
Қояни ювгудек ўшқирар тошиб,
Қуёш ҳам ботади беш бўлмай, шошиб.

Сўнгроқ қоровуллар айтдилар: у тун
Ойсизу юлдузсиз, зимзиё экан,
Изғирин увларкан таратиб тутун
Ҳар уйда ловуллаб турган каминдан;
Булутсиз осмоннинг уфқидек гулгун
Ул олов бизларни чорлар дафъатан:
На хушдир ул олов, чирилдоқ куйи,
Шампань виносию гурунг тун бўйи!

Жулия тўшакда, ярим тун, ахир,
Чамаси ухларди, жим эди хобгоҳ.
Эшикни шунақа қоқдики кимдир,

Бунақа шовқиндан ўлик ҳам ногоҳ
Шарт туриб кетиши, ё раб, мумкиндир,
Кўп бўлган, кўп бўлар бунақа арвоҳ;
Эшикни урарди чирқираб, хуллас,
Вафодор жория: «Хоним! Хоним, бас! —

Худо ҳаққи, очинг! Келар хўжайин
Нақ ярим шаҳарни бу ёққа бошлаб!
Ўлтирдим ухламай, пойлаб атайин
Улар орт эшикдан кирмишлар, ё раб!
Менда ҳеч гуноҳ йўқ, мен не қилайин?!
Зинадан чиқишар, оҳ, бу қандай гап?!
Очинг тез! Улгурар то сиз очгунча
У сакраб дарчадан — баландмас *унча!*»

Шу пайт Дон Альфонзо кўринди, мана,
Чароғбон малайлар, дўстлари аро;
Қиларди уларнинг кўпи тантана
Аёл ётоғига кириб ёлиб;
Ўз сулув жуфтини яниб пинҳона,
Пайт пойлаб юрарди шўрликлар зеро:
Юқумли гуноҳки зино шу қадар, —
Бирини кечирсанг, *барига* юқар.

Ҳайронман, бу шубҳа этмиш не боис
Альфонзо бошин баланд, дилини — хира;
Шубҳасиз шундай бир зодагон, форис
Шаънига ярашмас бу қилиқ сира:
Етти ётлар билан, наҳотки, жоиз
*Levee*¹ уюштирмақ хотини узра!
Тагин ким — малайлар ичра денг, ҳайҳот,
Алданган эрлигин қилай деб исбот!

Бечора Жулия! Уйғониб шу он,
(Уйғоқ демаганим аниқ ёлда бор,) —
Йиғлади—сиқтади, эснади ҳайрон;
Оқсоч Антония тўнғиллар айёр,
Кўрпани тузатар — атай икковлон

¹ Қирол (қиролича) ётоғида уйғотиш маросими; олий даражадаги қабул (инглизча).

Ётганин исботлаб такрор ва такрор:
Хайронман, исботлаш не керак экан
Икковлон ётганин бекаси билан?!

Бироқ лол Жулия, Антония ҳам,
Бегуноҳ ҳайратда бекаю оқсоч:
Ахир, кўп инсу жинс, ҳар турли одам,
Гар ётган икковлон бўлса, ноилож
Уларнинг ҳеч бири йўлолмас шаҳдам;
Ухларди иккиси токи, бошда хоч,
Тонг чоғи хўжайин дегунча келиб:
«Жоним, кўп ўлтирмай, қайтдим мен елиб!»

Бошлади Жулия гапни шу асно:
«Айтинг, Худо ҳаққи, Альфонзо, не гап?
Нима — эсингизни едингизми ё?
Ўлсам бўлмасмиди! Нега мен, ё раб,
Тегдим бу махлуққа?! Бу қандай бало!
Ярим тун бостириб кириш! Не сабаб?
Мастликми? Гумонми? Хўп! Мана, хонам!
Қидиринг Альфонзо!» — «Қидираман ҳам!»

Қидирар эди у, қидирар улар,
Титилди сандиқ ҳам, титилди шкаф,
Тўр, тарок, кашгалар — нозик буюмлар,
Пардоз анжомига тўлди ҳар тараф;
Аёлга тегишли неки бўлса гар,
Ҳаммаси титилди — чиқмади ҳеч наф:
Сўнг улар ишлатди ҳатто қиличин
Қиймалаб шубҳали девонлар ичин.

Баъзилар каравот тагига кириб,
Топдилар... бутунлай бошқа нарсани;
Дарчани очдилар, кейин, қидириб:
Пастда-чи бирор из кўринса қани!
Ҳайратда туришар, бу қандай фириб!
Шуниси қизиқки, бирор кимсани
Қизиқтиргани йўқ, билмам, не сабаб, —
Каравот тагимас, усти, во ажаб!

Тинтув борар экан, сочарди заҳар
Жулиянинг тили: «Изланг, ҳа, изланг!
Ҳақорат бормикан бундан ҳам баттар!
Шундай ҳақорату шунақа найранг
Учун тегибман-да сизга, бас, етар!
Шунча йил яшабман миқ этмай, қаранг!
Альфонзо, жабрга, ахир, ҳудуд бор,
Испанияда ҳам адолат, суд бор!

Ҳа, энди Альфонзо, сиз менга *эрмас!*
Бу сўз ярашмасди сизга аввал ҳам;
Сизгами шарт эди олтмиш ёшда, бас, —
Олтмишми, элликми, бунинг фарқи кам, —
Аёлнинг номини шунчалар нокас
Нодийдалиқ билан булғаш, муттаҳам?!
Альфонзо, ёвузсиз, ваҳшийсиз, тентак! —
Ким деб ўйладингиз мени, кўрнамак?

«Мана, пардозхонам, бу — токча, адёл,
Қаранг ҳамма ерни, — мана, бу йўлак,
Бу — девон, ўриндиқ; ётар, эҳтимол,
Жазманим каминда бўлиб ғужанак?!
Тонггача қидиринг сизлар бемалол,
Фақат шовқин солманг, ухлашим керак,
Ғазнангиз беркинган ғорни топган дам, —
Илтимос, уйғотинг, бир кўрай мен ҳам.

Дарвоқе, ҳидальго! Энди бу ифлос
Шубҳасиз тасдиғин кутаркан бекор,
Тинглайин эрмакка, айтинг-чи, шоввоз,
Кимни қидиряпсиз! Этинг хабардор
Исмидан, зотидан, билгим келар боз:
У ёшдир, эҳтимол чиройли, бўйдор? —
Билай шу кунгача билмаганимни,
Беҳуда шарманда бўлмаганимни.

Ҳар ҳолда олтмишга кирмагандир ул?
Йўқса ёш эргинам мени бир чолга
Хавотир олмасди рашк қилиб нуқул!

Антония! Сув бер! Тушдим не ҳолга!
Кўзда ёш! Бу хислат, ахир, ёт буткул
Отасига тортган мендек аёлга;
Онамнинг тушига кирмаган ҳатто
Йиртқичнинг қурбони бўлишим асло.

Балки рашк қўзғотган Антониядир?
Ухлардик ёнма-ён биз каравотда,
Дўстларингиз билан келган пайт, ахир!
Марҳамат, қидиринг, — фақат албатта
Кейинги гал бўлинг андак босабр:
Ётоққа бостириб кирмасдан шартта,
Вақт беринг, биз кутиб олайлик бу хос
Карвонни кийиниб аввал, илтимос!

Мен энди чарчадим, гап тамом, жаноб;
Шу қисқа гапимни бир ўйлаб қаранг,
Маъсума юракка нақадар азоб
Сиз қилган бу туҳмат, маломат, англанг!
Менмас, виждонингиз сўрагай ҳисоб
Пайт келгач сизни ҳам шундай қилиб танг;
Тортгайсиз шунақа азобни сиз ҳам!
Антония! Қани менинг рўмолчам!?»

Жим қолиб, отди у ёстиққа ўзин;
Ётарди ранги қум, ғазаби чақмоқ —
Гоҳ-гоҳ ёш оралаб чақнатар кўзин;
Тўзгиган гажакка асир гул ёноқ.
Қоп-қора ўтардек ёйилган мавзун
Кокили оралаб кўринар оппоқ
Худди янги ёққан қордек елкалар
Ғазабли йиғига юрак мос урар.

Синьор дон Альфонзо турар ноқулай;
Юрар Антония сукутни бузиб,
Бурнини кўтариб хонада атай;
Ўзини, шубҳасиз, ўнғайсиз сезиб,
Ер чизар ҳаммаси — хўжаю малай;
Биргина адвокат кўзин сал қисиб,

Пинакни бузмасди: бошланса жанжал —
Бас, фақат бўлгай у суд залида ҳал.

Бурнин, ҳид олгандек, у жийиради,
Зимдан кузатганча Антонияни,
Шубҳаси бежизмас, сезиб юради;
Қотириб ўтирмас шаън деб мияни,
Фойдами — бас, қонун тайёр туради:
У ёш ё гўзал деб аямас, яъни
Инкор ё иқрорни тан олар холос —
Ёлғон гувоҳларнинг онтин билиб рост.

Хуллас, дон Альфонзо турар гуноҳкор,
Ростини айтганда, хўп бурди кетди:
Ёш хотин ётоғин тинтиб беш юз бор,
Уни ётлар ичра шарманда этди,
Сўнг эса — ер чизди бекордан-бекор
Ва бунинг устига жим бошин тутди
Хотини беаёв дўлдек ёғдирган
Ҳақорат, даккига зап тоқат билан!

Ғўлдирай бошлар эр — узрли саси,
Бироқ янги хуруж кесар сўзини;
Бошланар жазава муқаддимаси:
Жулия каттакон очиб кўзини
Гоҳ инграр, гоҳ титрар, қисар нафаси;
Альфонзо Иовдек сезиб ўзини
Боқар ўз жуфтига, ўйлар барини:
Куда-андаларнинг даъволарини!

У узр сўрашга уринди тағин,
Доно Антония йўл топди шу тоб
Болгани сандонга йўлатмай яқин:
«Хонани тарк этинг, илтимос, жаноб,
Йўқ эса — хонимнинг ўлиши тайин!»
Альфонзо «Жин урсин!» деб қилди хитоб;
Сўз керакмаслигин сезса ҳам, ажаб,
Бир лаҳза қаққайгач, чиқди қўл силтаб.

Сўнг унинг ортидан «Posse comtatus»¹
Эшикка йўналди, бошлари қуйи.
Фақат остонада адвокат ҳануз
Кетгиси келмасдан тургани кўйи
Лол эди: рўй берди нечун «hiatus»²
Альфонзо ишида – чувалар ўйи;
Энди Антония томонда қонун
Эшикни шақ этиб ёпиши учун!

Эшик ёпилди-ю... Эвоҳ, бу ёлғон!
Оҳ, аёл ҳийласи! Оҳ, гуноҳ! Алам!
Наҳотки, фалак кўр, наҳот, кўр жаҳон?!
Номга доғ тегизмай шундай ҳолда ҳам
Аёллар, во ажаб, қутилар осон!
Бу гап тура турсин... Айтай хотиржам
Қиссани тўхтатмай ҳайрат дастидан:
Ёш Жуан соғ чиқди парқув остидан.

Жимман, беркинганин у қайга, қандай
Тасвирга ўзимни мен ожиз билиб;
Каравот бурчида, ҳеч бузиб-ёрмай
Жой топар хипча тан эпчиллик қилиб;
Бироқ ачинмасдан, ўлса, мен атай,
Икки тан остида гар у бўғилиб;
Бу қазо афзалдир майга фарқ бўлган
Кларенс ўлиmidан минг бора зотан.

Ачинмаслигимга яна бир сабаб –
Ки, ҳаққи йўқ эди унинг зинога;
Ҳам илоҳ, ҳам инсон қонунин топтаб,
Кўп эрта киришди айшу сафога;
Аммо ўн олтида, олтмишдаги гап –
Виждон сарҳисоби деган тақвога
Қай йигит берарди, ахир, эътибор, –
Оздирган пайтида шайтон нобакор.

Билмайман Жуаннинг ҳолини, бироқ
Нақл бор яхудий йилномасида:

¹ *Тануқлар* – қамоққа олиш, тинтув ўтказиш каби ҳолларда гувоҳликка махсус чақирилган кишилар (лотинча).

² Адлия ишларидаги ногаҳоний узилиш, қусур (лотинча).

Табиблар шоҳ Довуд қаригани чоқ
Шоҳ қонин ёшартиб кўрмоқ қасдида
Демишлар чол учун доримас, кўпроқ
Фойдали малҳамдир ёш қиз аслида.
Довуд-ку тирилди шундай йўл билан,
Аммо ўлай деди бўғилиб Жуан.

Буёги, хўш, қандай? Альфонзо дарҳол
Кузатиб қайтар-ку галварс дўстларин.
Жория ўйлайди: минг турли хаёл
Айланар бошида, қай фикр барин
Тутиб бу балодан қутилсин аёл?!
Аксига вақт ҳам кеч, тонготар яқин:
Антония ўйлар, Жулия бироқ
Жим Жуан юзига босарди дудоқ.

Лаб босар Жуан ҳам ўгрилиб шу он,
Титроқ қўл ёр зулфин силарди такрор;
Такрор жўш урарди, на чора, ёш қон, —
Бундай пайт кўрқув ҳам, хатар ҳам бекор,
Шўрлик Антония хўп жиғибийрон:
«Бас, бу тентакликка тагин нима бор?!
Шивирлар дарғазаб, — Тикмоғим лозим
Мен бу жентельменни шкафга ҳозир!

Илтимос, бас қилинг, тун оғди, ахир!..
Гиж-гижлаган экан хўжайинни *ким?*
То ҳануз кўрқувдан титрайман дир-дир,
Бу шайтон болакай мунча ҳам шилқим?
Шундай пайт ҳиринглар тагин, бетаъсир!
Қон ҳам тўкилиши мумкин, ё танграм!
Бунақа аҳволда ажраймиз, Жуан,
Сиз — бошдан, мен — ишдан, хоним — бор-буддан!

Агар йигирма беш ё ўттиз яшар
Бақувват бир эркак бўлса бошқа гап.

Бу, ахир, бола-ку! Шунга шунчалар!
Тавба, Худо диддан берган экан зап!
Тез киринг шкафга! Хўжайин қайтар,
Уф, охир тинчидик шкафга қулфлаб.
Тонггача топармиз, балки, бир йўлин.
Жуан, ухлаб қолманг, эҳтиёт бўлинг!»

Бироқ ёлғиз қайтган Альфонзо шу дам
Кирди-ю, оқсочнинг сўзини кесди:
Эшикка ишора қилди хотиржам.
Юзин бужмайтса-да, жория сезди:
Энди, имиллашдан афсус, фойда кам,
Ёмонлик кўшлиги дилини эзди:
Ночор, бекасига боқиб, сўнг зумда
Чиқди шам сўхтасин қирқиб, таъзимда.

Альфонзо бир минут жим турди-да, сўнг
Киришди гўлдираб узр сўрашга:
Тўгри, у гуноҳкор, чунки кўпол, тўнг
Муносабат қилди, уни алдашган...
Айби ҳам унчамас, асли-ку у жўнг
Ва лекин сабаб бор — гап чиққан ташга:
Хуллас, лол этарди бу нутқи тилни,
Алжираш дер уни нотиклик илми.

Бунақа нозик пайт бас бир ишора;
Жим турмоқ энг зўр йўл, шунингдек, *одоб* —
(Бу сўз менга ёқмас, лекин, на чора,
У бандни боғловчи қофия шу тоб) —
У аёл жонига киради ора,
Жим одоб сақламоқ ишончли ниқоб:
Гўзаллар шу қалар нафис алдашар —
Ки, ёлғон уларга холдек ярашар.

Улар-ча қизарар, биз-ча, индамай
Гапига ишониб турамиз, зеро

Мен билан бундай ҳол рўй берган талай;
Айниқса, бунақа одобсиз даъво
Уларнинг тилини бир қарич қилгай...
Сўнг титраб бош эгар, хўрсинар зебо,
Сўнг кўз ёш чорлагай сизни шафқатга,
Сўнг... бирга тушасиз кечки овқатга.

Альфонзо жим қолиб сўради узр
Хотини кечирди шарт ила бироқ:
Сўз берди эр ўзи хуш кўрган қусур —
Баъзи бир ишлардан юришга йироқ;
Жаннатдан қувилган Одамдек чуқур
Тазарру ичида Альфонзо шу чоқ
Интилиб тураркан нақ тиз чўкмоққа,
Ҳайҳотки, қоқилди бир жуфт бошмоққа.

Бир жуфт бошмоқ кўрса нима бўпти, хўш?
Аёл пойабзали бўлса-ку, бир гап, —
(Мени даҳшат босар, титрайди товуш) —
У эркак бошмоғи эди, во ажаб!
Кўз ўнгим қораяр тарк этгудек хуш, —
Шошиб, унутмишлар уларни, ё раб!
Альфонзо уларнинг шаклига боқди,
Сўнг янги ғазабга қайта тутоқди.

У ўқдек отилди излаб қиличин,
Жулия шкафни очди шу заҳот:
«Қоч, Жуан, қоч тезроқ! Бари чилпарчин!
Пастда эшик очиқ — йўлақдан бот-бот
Ўтгансан, биласан! Кейин боғ ичин
Кесиб чиқ, ма, калит, бўлгин эҳтиёт!
Альфонзо келмоқда! Тез бўл! Алвидо!
Бу пайтда кўча ҳам бўм-бўш, зим-зиё».

Асли-ку зўр эди бешак маслаҳат
Ва лекин вақт ўтган, бермасди фойда;

Бундай тажрибага тўлатар қисмат
Доим жон солиғи — бу бир қоида;
Дон Жуан югурди ташга сершиддат,
Мана, у йўлакда, сўнг боғ, шу жойда
Қиличли Альфонзо турар халатда,
Дон Жуан бир зарбда уни қулатди.

Шам ўчиб, жанг борар қоп-қоронғида
Жория: «Ўғри!» дер, Жулия: «Ёнғин!»
Малайлар келолмас бетлаб қий-чувда.
Альфонзо йиқилар, жанг бошлар тағин,
Ўч олмоқ шарт деган ўжар туйғуда;
Ўзини тутолмас сўкинар бетин;
Жуан ҳам қолишмас: татардек зарбдор,
У қурбон бўлишни истамас зинҳор.

Альфонзо қилични туширди қўлдан
Қинидан суғурмай, илк зарбаданок.
Хайрият, сезмади қизиққон Жуан;
Йўқ эса, қоларди йўлакда бу чок
Шўрлик Альфонзодан фақат бошсиз тан;
Шу сабаб уларни лозим асрамоқ:
Ҳам жазман, ҳам эрдан бир йўл ажраш, бу —
Бир кунда икки бор бева қолмоқ-ку!

Альфонзо рақибга ёпишди маҳкам,
Жуан-чи, қўйворсин деб бўғди обдон, —
Альфонзо бурнидан кетди-ку қон ҳам,
Бир пасда уларнинг ҳамма ёғи қон,
Сўнг Жуан рақибни гангитиб, илдам,
Кўйлагин шўрликка қилди-ю эҳсон,
Юсуфдек яланғоч сингиди тунга.
Фақат шу жиҳати ўхшарди унга.

Ниҳоят шам ёнди, эркагу аёл —
Хизматкор зотига бўлди томошо:

Антония — беҳуш, Жулия — қоқшол,
Альфонзо чалароқ бўғилган асно
Туради эшикка суялиб беҳол,
Ҳаттоки товон қон, халат-ку адо;
Жуан учиб чиқиб, боғ эшигин тез
Қулфлади малайлар етиб келган кез.

Ҳозир ўттиздаман, аммо сочда оқ,
(Қирққа борганимда не кечади ҳол?
Парик танлайдиган кун эмас йироқ.)
Суратан ёшман-у, сийратан мен — чол,
Ҳали май тугамай ёзим ўтди, боқ,
Жангари бўлмоғим энди кўп маҳол;
Умрим сармоясини энди — фойизсиз,
Ўзимни енгилмас санаш — жойизсиз

Оҳ, энди ҳеч қачон, энди ҳеч қачон
Қалбимга бир шаффоф шабнамдек инмас
Кўкрак қафасимни куви деб ҳар он
Бол ташиб яйраган нурафшон, сармаст,
Гўзаллик, шодликдан туғилган жаҳон!
Наҳотки, ул жаҳон болу болпараст?
Жаҳонмас, болпараст биз эдик, ҳайҳот,
Ҳар гулнинг тотини ошириб бот-бот!

Оҳ, энди ҳеч қачон, ҳеч қачон, юрак,
Бўлмайсан сен менинг жону жаҳоним!
Менга борлиқ эдинг, энди сен эртак, —
Бир четда на мунгли ва на хандоним:
Сен лоқайд боқасан, менда на истак,
На қолди эҳтирос, на бир туғёним,
Кўкрагим қафасин энди сен эмас,
Ақл дукуллатар бир меъёр, бесас.

Ўтди-ку ишқ фасли! Мафтун этолмас
Энди қиз, жувон ҳам, мени бева ҳам,

Улар деб бир пайтлар мен эдим сармаст, —
Энди аввалгидек шўх-шан яшолмам;
Ҳаттоки бир қултум май мумкин эмас,
Ҳаваслар барчаси топди-ю барҳам,
Қолди бир қартайган жентельменга хос
Қизғанчиқ бўлмоқлик одати холос.

Сифинган илоҳим — мағрурлик энди
Ётар Ғам ва Лаззат сағанасида;
Улардан қалбимга, билмам, не инди? —
Сарҳисоб бўлгайдир ўз санасида;
«Вақт кечди, кечмоқда, кечар!» деб синди
Биринж бош Бэконнинг остонасида:
Ёшлик бир лов этиб, тугатгани рост
Ақлимни — қофия, қалбни — эҳтирос!

Шухрат не? Аслида номингни битиб, —
Эгасиз қоғозга эгалик қилмоқ;
У, кимдир айтгандек, ўзни унутиб,
Туманли чўққига қараб интилмоқ;
Барибир ёзамиз, сўзлаб, жаҳд этиб
Чорлаймиз бўлмоққа «зулматда чироқ», —
Оқибат қолсин деб биз ўлган маҳал
Бир ному бир сурат, бир пачоқ ҳайкал.

Биз нима кутайлик? Қадим Мисрда
Қуриб шоҳ Хеопс энг буюк эҳром,
Ўйлади қолгай деб мангу замирда
Ўзидан хотира мўмиё мудом;
Уни ҳам талади ўғрилар бирда
Тош тобут қопқоғин синдириб тамом:
Хўш, қандай хотира қолгуси биздан
Бир кафт хок қолмагач шоҳ Хеопсдан?!

Бироқ, фалсафани баҳолаб юксак,
Тез-тез такрорлайман ўзимга: «Эвоҳ!

Туғилган мавжудот ўлиши керак,
Биз (ўлим чалғиси учун) бир гиёҳ.
Сизу биз ёшлиқни ўтказдик питрак,
Яна тез ўтажак қайтса у ногоҳ, —
Шу кунлар борига шукрона сўйланг,
Тавротни ўқиб, сэр, ҳамённи ўйланг».

Эй азиз китобхон, энди (тўғриси, —
Муҳтарам харидор) бардингиз, бедор —
Камгарин қулингиз қўлингиз қисиб,
Хайрли тун, дегай сиздан миннатдор!
Эҳтимол бизларни бирдамлик ҳисси
Қайта учраштирар, йўқса, мен бекор
Ёзишни бас қилай, то бу тажрибам
Намуна бўлолсин бошқаларга ҳам.

«Йўл ол, эй китобчам, сен хилват маъво
Бағридан сершовқин мавжларда омон!
Бил, илҳом меваси, қолмассан танҳо,
Бир кун ўзи топгай сени бу жаҳон» —
Ўқилса Саути, Вордсворт ҳатто,
Демакки, келибди менга ҳам замон.
Тагин Саутининг илк тўрт мисрасин
Менга нисбат берманг! Худо асрасин!

МУНДАРИЖА

Эргаш Очилов. Оташнафас шоир	3
------------------------------------	---

ШЕЪРЛАР

Видо	9
Чайльд Гарольд зиёрати	12
Альбомга	13
Қаҳрамон	13
Севгининг илк бўсаси	14
Муҳаббатнинг сўнгги хайр-маъзури	15
Локнагар	16
Харроу қабристонидаги кекса қайрағоч тагида ёзилган шеър	18
Айрилиқ	19
Бош суякдан қилинган косадаги ёзув	20
Бахтлисан, нима ҳам дер эдик, кўп соз!	21
Қадаҳларни тўлдилинг	22
У кунларни унут этмоғим оғир	23
Кўнглим қоп-қоронғи	24
Юнонча кўшиқ таржимаси	25
Туш	26
Марциалдан	33
Мэрионга	33
Англиядан жўнаб кетиш чоғида бир хонимга бағишлаганим	34
Қалбим каби жўшқин, беором	36
Ўттиз олти ёшга тўлган таваллуд кунимда	38
Катуллага назира	39

Прометей	39
Дамет	41
Замон	41

ДОСТОН

Шильон тутқуни	43
----------------------	----

ДРАМАТИК ДОСТОН

Манфред	57
---------------	----

ШЕЪРИЙ РОМАН

Дон Жуан (биринчи қўшиқдан парча)	118
---	-----

Адабий-бадиий нашр

Жаҳон шеърятти дурдоналари

ЖОРЖ ГОРДОН БАЙРОН

УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

Муҳаррир *Анвар Шер*

Рассом *А. Бурҳонов*

Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳиҳ *Ш. Орипова*

Компьютерда саҳифаловчи *Б. Душанова*

Нашр. лицензияси АИ 158.14.08.09. Босишга рухсат этилди
19.08.2011. Бичими 84×108 ¹/₃₂. Офсет қоғози. «Таймс»
гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма
табоғи 7,98. Нашр табоғи 5,49. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 11-184.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

Байрон, Жорж Гордон.

Б 24 Ушалмаган орзулар (Ж.Г. Байрон: тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Э. Очилов). —Т.: «O'zbekiston», 2011. —152 б. (Жаҳон шеърини дурдоналари).

И. Очилов, Эргаш (тўпловчи)

ISBN 978-9943-01-717-7

УДК: 821. 512.133-1

ББК 84(4Вел)

W



КИТОВ ГЛАВИ
ИЗДАТЕЛСТВО "ОРБИГА"
9789943017177
Цена 4 540 сум

ISBN 978-9943-01-717-7



9 789943 017177